Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик!

Ишонч

23

1992 йил 8 июнь (62)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

Касаба уюшмаларида

«Ишонч» ва жамоатчи мухбирларимиз хабар қиладилар.

● **ҚАШҚАДАРЁ вилояти касаба уюшмалари кенгашининг бўлиб ўтган пленумида «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисидаги Қонун»га асосан ёшларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатларини ҳимоялаш бўйича вилоят касаба уюшмаларининг вазифалари муҳокама этилди.** Бу ҳақда вилоят кенгаши раиси Э. Ражабов маъруза қилди.

Пленумда Қашқадарё вилояти ҳокими Т. Ҳидиров, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари М. М. Тўлаганова ўртоқлар нутқ сўзладилар.

● **ЎЗБЕКИСТОН маҳаллий саноат, коммунал хўжалик ва маиший хизмат корхоналари ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси Раёсатининг мажлиси бўлиб ўтди.** Унда Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий саноат вазирлигининг хўжалик ва касаба уюшмалари органлари ишида меҳнат хавфсизлиги ва муҳофазасининг, шунингдек, минтақада бу йил ишга тушадиган объектлар устидан назоратнинг аҳволи тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

● **РЕСПУБЛИКА геология, геодезия ва картография ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг** Пленумида бозор иқтисодиёти шароитида тармоқ меҳнаткашларининг ҳуқуқ ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи муҳокама этилди.

ЎЗБЕКИСТОН енгил саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг навбатдаги пленумида, жамоа шартномаларининг тармоқ корхоналарида меҳнаткашларни ҳимоя қилишдаги аҳамияти тўғрисида ва 1991 йил июль ойидан 1992 йил майгача бўлган Ўзбекистон енгил саноати ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитасининг фаолияти тўғрисидаги маърузалар тингланди.

Пленум ишида Ўзбекистон енгил саноати уюшмаси раисининг ўринбосари А. Икромов ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари О. К. Адаманов ўртоқлар иштирок этишди.

НАМАНГАН **вилоят ҳокимияти билан касаба уюшмалари вилоят кенгаши бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этиш борасида ўзаро ҳамкорлик бўйича битим имзоладилар.**

Унда давлат мулкини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш, тиббий, савдо, маданий-маиший ва транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, ишсизликнинг олдини олиш, нафақачилар, ёшлар, талабалар, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, атроф-муҳит ҳимояси ҳамда кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш каби вазифалар қўйилган.

Шартномага биноан бу йил фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш учун қўшимча 970 миллион сўм маблағ ажратилади. Бюджетдан ҳақ олиб ишлайдиган ходимлар маошини оширишга 402 миллион сўм, болалар нафақаси ва товонлар учун 367,9 миллион сўм, ўқувчиларнинг бепул нонуштасига 55,2 миллион сўм, камбағал ҳомиладор аёлларга 8,7 миллион сўм маблағ ажратиш кўзда тутилади.

ЕР БИЛАН ТИЛЛАШИБ

Қиш охирлаб баҳорнинг илк шабадалари эсдими тамом — Мирзамиддин аканинг тинчи йўқолади: гоҳо ўғли Абдурасулни ёнига олиб бригада ерларини, далаларга Сирдарёдан сув келтирадиган шох ариқларни кўздан кечиради, гоҳо энди етила бошлаган, ҳоври кўтарилиб турган тупроқни қўлга олиб ер кайфиятини, бу йилги ҳосил чўғини чамалайди...

50-йиллардаги ҳукуматнинг Мирзачўлни ўзлаштириш чақириғига лаббай деб, Ғаллаороллдан 80 хўжалик кўчирма бўлиб келишганди бу ерларга. Дастлаб давлат уйлари етмай қамиш капалардан қилинган уйларда яшашди. Ҳеч ким нолишни билмасди. Биринчи йилиёқ 20 гектар ер очишди. Ўша йили оддий колхозчи эди, кейин одамлар уни ўзларига — кўчиб келган 20 хўжаликка саркор қилиб сайлашди. Ҳозирга келиб, улар асос солган мана шу — Гулистон районидаги Азизхон Носиров номли жамоа хўжалигидаги экин ерлар 1500 гектарга етди. Шу ерлардан 200 гектари уники. Бир вақтлар бу ерлардан 8—10 центнердан пахта етиштириш қаҳрамонлик бўлган. У ўз колхозчилари билан ҳатто 30 центнерга етказиб ҳосил оляпти. Чўл шароитида бунинг ўзи бўлмайди. Ўша йиллари 80 хўжалик қўноқ бўлиб келган Крестьянский посёлкаси (яқинда Деҳқонобод деб ўзгартирилди) аҳолиси ҳам 70 мингга етди. Хўжаликдаги ўзбекнинг машҳур боғбони Ризамат ота Мусамухамедов ўз қўли билан илк кўчатларини эккан 100 гектарлик боғ — олмазору узумзор ҳам ҳозир унинг оталиғида, бу боғнинг ҳар бир кўчатига у ўз фарзандидек кўз-қулоқ.

Ахир буларни, ўтмишни унутиб нафақахўрлик қилиб ўтириш ярашадими деҳқон одамга...

Мирзамиддин ака шўр ерга нам сув берганича чигит экишни давом эттираверди, кейин эса сал нами қочган эгатларга жўяк тортиб тез-тез суғораверди. Сўнг не-не умид, ишонч билан чигит униб чиққунча кеча-кундуз даладан бир қадам нари кетмади. Ерга тикилиб ўтирди.

Мирзамиддин Исоқуловнинг деҳқончилик илмига кўпчилик тан берди. Шу-шу Мирзамиддин Исоқуловнинг пахтачилик соҳасидаги довруғи Сирдарёга ёйилди. 1978 йилда у тинимсиз меҳнатлари эвазига «Социалистик Меҳнат Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлди. Кейин ҳам бир неча марта Ленин, Меҳнат Қизил Байроқ, Октябрь инқилоби орденлари, қатор медаллар билан тақдирланди.

Ҳа, ҳали ҳеч ким Сирдарёнинг бир вақтлар қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган чўлларида пахтадан у каби ҳосил ололмаган эди.

Унинг 4 ўғли бор. Фарзандлари ҳам ота изидан бориб ўз касблари бўйича Азизхон Носиров номли жамоа хўжалигида ишлашади. Тўнғич ўғли Ҳасанбой — хўжаликда бош зоотехник, Абдумўмин — хазиначи, Абдурауф — шифокор, кенжаси Абдували эса отасининг бригадасида ҳам звено бошлиғи, ҳам тракторчи, ўзи алоҳида 50 гектар ерга бош-қош. Ўтган йили Абдували машинада 170 тонна пахта териб, мукофотга «Жигули» машинаси олди.

Ахир Мирзамиддин ака Исоқулов шундай меҳнаткаш фарзандларидан, қадрдон далаларидан, унга ўрганиб қолган колхозчиларидан айрилиб, қандай қилиб нафақахўрлик қилиб ётсин! Худо хоҳласа 70 ёшга кирсин-чи, ана ундан кейин бу ҳақида бир ўйлаб кўрар!

Адҳам ДАМИНОВ
Деҳқонобод посёлкаси.

Хабарлар маҳзи

● **МОСКВАДА** икки мустақил давлат — Ўзбекистон билан Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари ҳақидаги Шартнома имзоланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти И. А. Каримов Республика қишлоқ хўжалик корхоналарини қўшимча қийматдан бюджетга солиқ тўлашдан озод қилиш тўғрисида фармон берди.

● **ТОШКЕНТда** ўтадиган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси XI халқаро кинофестивалини ўтказиш ташкилий комитетининг дастлабки мажлисини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров бошқарди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президентининг Фармони билан ўрток Қайим Жалилович ҲАҚҚУЛОВ Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — Ўзбекистон нефть ва газ саноати давлат концерни бошқаруви раиси этиб тайинланди.

● **БЕЛОРУСЬ** давлат дўконларида сут, сут маҳсулотлари, нон ва нон-булка маҳсулотларининг нархи 30 майдан икки баравар кимматлашди. Яна бир қатор озиқ-овқат моллари, юмшоқ пишлоқ, мол ёғи ва парранда гўшти учун эркин нархлар жорий этилди.

● **ЗАПОРОЖЬЕДА** ва бутун Украинада транспортнинг барча турларига олдиндан патта сотиш тўхтатиб қўйилди. Бу тадбир июнь ойидан йўловчи ва юк ташиш нархи оширилиши билан боғлиқдир. Нарх неча баравар ошиши ҳозирча сир тутилмоқда. Аммо норасмий манбаларнинг маълумотларга кўра, йўл кира 10 баравар оширилиши кутилмоқда.

Касаба уюшмаси ҳаёти



БОЗОР МУСТАҚИЛ ТАЛАБ

(ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ

***ИЛГАРИ** хабар берилганидек, Тошкентда «Бозор иқтисодиёти шароитида касаба уюшмалари фаолияти тўғрисида»ги масалага бағишланган икки кунлик семинар бўлиб ўтди. Унга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг сайлаб қўйилган фаоллари, республика вазирликлари ва идораларининг вакиллари таклиф этилди.*

Семинарни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродов кириш сўзи билан очди.

— Бозор иқтисодиёти касаба уюшмалари олдига хил-хил муаммоларни кўндаланг қўймоқда,— деди у.— Бир томондан зиммамизга меҳнат аҳлини социал ҳимоялаш масъулияти юкланаётган бўлса, иккинчи томондан касаба уюшмалари тизимини даврга мослаб ташкил этиш талаб этилмоқда. Ҳозирги шароитда социал ҳимоя ҳар қандай иқтисодий ислоҳотдан илдамроқ бориши керак, токи меҳнаткашлар, айниқса уларнинг кам таъминланган табақалари иқтисодий зарбаларга дуч келмасин.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши кундалик ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришларни сезгирлик билан кузатиб бормоқда. Унинг ташаббуси билан социал ҳаётни яхшилашга қаратилган бир қатор чоралар кўрилди. Республика ҳукумати билан тузилган Битим бу йўналишдаги амалий қадамлардан бири бўлди. Бундан аввал касаба уюшмалари тузилмасининг барча поғоналарида ҳамкорлик шартномалари ва Битимлари тузиш бўйича давомли кампания ўтказилган эди. Бу тадбир кучларни бирлаштириш, социал муаммоларни маъмурият билан ҳамкорликда ҳал этиш имконини бераяпти.

Касаба уюшмалари қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқидан ҳам самарали фойдаланмоқда. Қабул қилинган дастлабки Қонунлар ўз самараларини бераяпти. Яна бир қатор Қонун лойиҳалари республика Олий Кенгаши қўмиталари ва комиссияларида кўриб чиқилаяпти.

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг фаолият доираси тобора кенгайиб бормоқда. Унинг Ўрта Осиё минтақасидаги бешта давлат ва Қозоғистон касаба уюшма марказлари ўртасида Битим тузиш тўғрисидаги ташаббуси муҳим воқеа бўлди. Шу минтақадаги мустақил давлатлар касаба уюшмалари раҳбарлари учрашуви самараси сифатида ҳаракатларни мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди. Энди Россия, Белорус ва Украина касаба уюшмалари билан икки томонлама манфаатли шартномалар тузишга тайёргарлиқ кўрмоқдамиз. Шартномалар матнлари муҳокама этилиб имзолашга тахт қилинмоқда.

Мустақил Ўзбекистон касаба уюшмаларига бўлган қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Қисқа вакт ичида 11 та чет эл делегацияси қабул қилинди. Республика касаба уюшмаси органларининг 20 нафар раҳбар ходими ўқиш, малака ошириш ва тажриба алмашиш учун чет мамлакатларга бориб келди.

Кириш нутқида семинар қатнашчиларининг эътибори кўпгина мавзуларга қаратилди. Улар ўзларини қизиқтирган барча масалалар бўйича фикр билдиришга, баҳс юритишга таклиф этилди.

Дастур бўйича дастлаб бир неча маърузаларни тинглашга келишиб олинди. Шу асосда биринчи сўз Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раисининг ўринбосари **О. К. Адамановга** берилди. У **«Бозор иқтисодиёти шароитида социал шериклик ва меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилиш чоралари»** тўғрисида маъруза қилди.

Маърузада нималар дейилди?

Одамлар кўп саволларга жавоб кутишаяпти. Иқтисодиётда, нарх-навода качон барқарорликка эришилади? Турмуш даражасининг пасайиши тўхтармикан?

Саволларнинг чеки йўқ, -деди нотиқ.— Одамлар ҳукуматдан, албатта меҳнаткашларнинг социал ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилувчи ташкилот ҳисобланган касаба уюшмаларидан жавоб кутмоқдалар.

Халқнинг турмуш даражасига таъсир ўтказувчи иқтисодиётнинг ахволи ниҳоятда ташвишли бўлиб турибди. Одамларни ҳозирги иш ҳақи қониқтирмаяпти. Чунки нарх-наво кун сайин ошиб бораяпти. Халқнинг харид қуввати эса тобора пасайиб кетаяпти, кўплаб оилалар қашшоқлик чегарасига келиб қолаяпти. Уларни социал ҳимоялаш бугунги куннинг бош вазифасидир. Касаба уюшмалари бу йўналишда изланмоқдалар, турли иш шакллари ва усулларидан фойдаланмоқдалар.

Кейинги пайтда аъзолик ташкилотлари, Федерация кенгаши бўлимлари ва комиссиялари меҳнаткашларни социал ҳимоялашга қаратилган 80 га яқин қонун, қарор ва бошқа хил ҳужжатларни кўриб чиқди. Шу жараёнда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига алоқадор, халқ хўжалигини бозор иқтисодиётига ўтказиш билан боғлиқ тадбирларга қаратилган 500 дан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар киритилди. Уларнинг асосий қисми қонунларни қабул қилиш пайтида ҳисобга олинди.

Жумладан, социал ҳаракатдаги объектларнинг даромадларидан олинадиган солиқ ставкалари пасайтирилди. Соғломлаштириш, саёҳат-экскурсия хизмати, жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари қўшимча қийматдан олинадиган солиқлардан озод этилди. Қабул қилинган кўпгина қонунлар аҳолини ижтимоий ҳимоялашга хизмат қилаяпти.

Касаба уюшмаларининг давлат бошқарув органлари билан тузаётган битимлари кўпгина муаммоларни ижобий ҳал этишга кўмаклашаяпти. Ўтган йили биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ўртасида меҳнат ва социал-иқтисодий масалалар бўйича Битим имзоланди. Шу Битим асосида аҳолига якка тартибда уй-жой қуриш учун 109 минг гектар ер ажратилди, соғломлаштириш дастури амалга оширилди, бир қатор санаторийлар ишга туширилди.

Бу йил касаба уюшмалари шифохоналарини ривожлантиришга 104 миллион сўм сарфланади. 334 мингдан ортиқ киши санаторий ва дам олиш уйларида, пансионат ва профилакторийларда ҳордиқ чиқаради, 100 минг киши туристик базалари ва комплексларида дам олади, 1 миллиондан ортиқ ўқувчи ўғил-қизлар соғломлаштириш лагерларида ёзни соз ўтказадилар.

Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши социал ҳаётни яхшилашга қаратилган ўз таклифларини ҳукумат олдига мунтазам қўйиб келаяпти. Улар орасида энг кам миқдордаги иш ҳақини белгилашдан тортиб ҳар бир болани 1100 сўмлик комплектлар билан бепул таъминлашгача, социал аҳамиятга эга бўлган товарлар қўшимча қийматидан олинадиган солиқларни камайтиришдан тортиб меҳнаткашларнинг омонат кассалардаги маблағлари индексациясини таъминлашгача бўлган вазифалар бор. Касаба уюшмалари бундан буён ҳам меҳнаткашларни социал ҳимоялаш йўлидан бораверади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари **Т. Х. Собитов**нинг маърузасида юқоридаги фикрлар ривожлантирилди. У **меҳнаткашларни соғломлаштириш, меҳнаткашни муҳофаза этиш йўлида бажарилаётган ишлар** юзасидан тўла ахборот берди.

Касаба уюшмалари аҳолини ижтимоий ҳимоялаш дастурини амалга оширишда социал суғурта имкониятларини ҳам ишга солмоқдалар. Социал суғурта маблағларидан ҳар бир ишчи ва хизматчи фойдаланиш ҳуқуқига эга. Республика аҳолисининг 9 миллиондан ортиғи касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши бошқараётган социал суғурта бюджети ҳисобидан социал суғурта билан таъминланаяпти.

Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсати ҳозирги қийин шароитни ҳисобга олиб 1 апрелдан бошлаб бола туғилганда бериладиган суюнчи пулини 750 сўмга, дафн маросими учун ажратиладиган маблағ миқдорини 500 сўмга етказди. Қам таъминланган, қаровсиз қолган кишиларни ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чоралари топилаяпти. Уларга парҳез таомлари истеъмол қилишлари учун 7 миллион сўмлик 30 мингта йўлланма берилди. 40 мингдан ортиқ талаба санаторий-профилакторийлар хизматидан бепул фойдаланмоқда.

Бундан ташқари Федерация кенгаши Вазирлар Маҳкамасига Нафақа жамғармаси маблағлари ҳисобига болаларга тўланадиган нафақаларни кўпайтириш таклифи билан чиқди. Ўйлаймизки, бу масала ижобий ҳал этилади.

Меҳнаткашлар саломатлигини муҳофаза этиш, шифохоналар тармоғини кенгайтириш ҳам муҳим муаммолардан бири бўлиб қолаяпти. Республикамиз Мустақил давлат бўлгандан бери шифохоналар қурилишини марказлашган усулда молиялаш тўхтатилди. Федерация кенгашининг эса бу соҳага сарфлайдиган ортиқча маблағи йўқ, чунки аъзолик ташкилотлари бадалларнинг атиги 3 фоизини ажратадилар, холос.

Федерация кенгаши раёсати шуни ҳисобга олиб мавжуд санаторий-курортларни таъмирлаш, бошланган қурилишларни ниҳоясига етказиш учун социал таъминот бюджетидан маблағ ажратишга мажбур бўлди. Марказий курортларга борувчилар ой сайин камайиб бормоқда. Шуни ҳисобга олиб маҳаллий соғломлаштириш масканларини кенгайтириш чораларини кўриш керак. Бунинг учун ҳар бир бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти бугунги кунда Федерация кенгаши ҳузурида ташкил этилаётган касаба уюшмаси мулки жамғармасига чегиртма ажратиши лозим.

Шифохоналар қурилишига Республика бюджетидан мақсадли маблағ ҳисобидан ёрдам кўрсатишни ҳам ўйлаб кўриш зарур. Меҳнаткашларни соғломлаштириш учун ажратиладиган маблағнинг ўрни тезда қопланишига ишончимиз комил. Бугунги кунда соғломлаштиришга эътиборсизлик учун ҳам кассалик варақалари кўпайиб бораяпти. Ҳар куни 150 мингга яқин киши касаллик туфайли ишга чиқмаяп-



ти. Бу республика бўйича ишлаётганларнинг 3 фоизи деган гап. Шундай экан бу соҳага маблағни аямаслик керак.

Меҳнатни муҳофаза этиш масаласи ҳам ўткир бўлиб турибди. Ишлаб чиқаришдаги бахтсизлик туфайли ҳар йили 500 га яқин киши ҳаётдан кўз юммоқда. Шунга қарамай жойларда меҳнат муҳофазаси хизматини қисқартиш одат тусига кириб бораяпти. Янги ташкил этилаётган концернлар, бирлашмалар, уюшмалар уставида ҳам меҳнатни муҳофаза этишда маъмурият мажбуриятлари билан боғлиқ масалалар тилга олинмаяпти. Тармоқ касаба уюшмалари қўмиталари эса бу муаммога эътиборсизлик билан қарамоқдалар.

да шу мавзуни очиб беришга ҳаракат қилди.

Ҳамма нарсани пулга чақишга бўлаётган уринишлар қадриятларимизни дарз кетказмайдими, бундан урф-одатларимиз, инсоний муносабатларимиз завол кўрмайдими? Моддий бойлик орқасидан қувиб маънавий бойликларни поймол этмаяпмизми? Шунга ўхшаш саволлар тез-тез қулоққа чалинаяпти. Бу ўринли ташвиш.

Тахиатош ГРЭСи маъмурияти ўз маданият саройини пул топиш учун маҳаллий бошқарув органларига бериб қўйибди. Бу ерда маданий тадбирлар ўтказиш ўрнига тижорат ишлари авж олдирилаяпти. Илгари касаба уюшмалари ҳаваскор санъаткорларнинг кўрик-танловларини ўтка-

дадар.

Бу нотўғри. Оромгоҳлар ҳар қандай шароитда ҳам аввало болаларга хизмат қилиши керак. Соғломлаштириш лагерларидан йил давомида фойдаланиш чораларини кўриш лозим. Айниқса Оролбўйи болаларини соғломлаштириш масалаларига касаба уюшмалари алоҳида эътиборни қаратмоқлари зарур.

Бу йил 2 минг бола Татаристонда, 200 бола Қирғизистонда, 3 минг бола Тошкент вилоятида дам олади. Орол бўйидан келган ўғил-қизларнинг яна маълум қисмини Самарқанд, Фарғона, Наманган вилоятлари ҳам ўз бағрига олади. Касаба уюшмалари мавсум давомида бу ишларни ташкил этиш билан жиддий шуғулланишлари керак.

Маърузада жисмоний тарбия ва спорт ишларининг аҳволи ҳам чуқур таҳлил этилди. Кейинги пайтларда соғломлаштириш гуруҳларининг спорт секцияларида шуғулланаётган кишилар сонининг кескин камайиб бораётганлиги жиддий ташвиш туғдирмоқда. Буни жисмоний тарбияга кам маблағ ажратилаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. 1992 йилнинг 2 ян-

варигача бўлган маълумотларга қараганда жисмоний тарбия билан шуғулланувчи ҳар бир киши учун ўртача 7 тийин ўтказилаётган экан. Жисмоний тарбия ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги учун ҳам касаллик варақалари тобора кўпайиб бораяпти. Тийинларни иқтисод қилаяпмиз-у, сўмларни совураяпмиз. Бунинг олдини олиш керак.

Семинар давомида касаба уюшмалари умумий конфедерацияси раисининг ўринбосари **Н. Д. Подшибякина,** Умумиталия меҳнат конфедерацияси Тоскани вилояти котиби **Варено Кучини,** тадқиқот институти ходими **Франко Бортолоттининг** маърузалари ҳам тингланди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қ. Қорабоев нутқ сўзлади.

Семинар ишида Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Б. Умурзоков иштирок этди.

Жасур НОСИРОВ,
«Ишонч» мухбири.

2- ва 3-саҳифалардаги суратларда касаба уюшмалари фаоллари семинаридан лавҳалар акс эттирилган.

ИҚТИСОДИЁТИ ҲАРАКАТНИ ЭТМОҚДА

ФАОЛЛАРИ СЕМИНАРИДАН).

Маълумотларга қараганда республика саноат корхоналарида ҳар бешинчи ишчи меҳнатни муҳофаза этиш талаблари ва нормаларига жавоб бермайдиган шароитда ишлаяпти. Бу аҳволда иқтисодиётни кўтариш, унумдорликни ошириш амри маҳол.

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатни муҳофаза этувчи янги қонун асосларини ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилмоқда. Шуни ҳисобга олиб Федерация кенгаши «Ўзбекистон Республикасида меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Олий Кенгаш муҳокамасига тақдим этди. Ундаги кўпгина қоидалар қонунчилигимизда янги ҳисобланади.

Бозор муносабатларига ўтиш давридаги яна бир муҳим вазифа — меҳнат шароитининг аҳволи билан имтиёз ва товон тўлаш ўртасидаги органик алоқани кучайтиришдан иборатдир. Тошкентдаги бир қатор корхоналарда биз бир қатор ўзбошимчаликларга дуч келдик. Улардан бири — сут комбинати корхоналарга юбориладиган махсус сут учун бартер йўли билан такчил материаллар, темир қувурлар, металл прокатлари талаб қилибди. Бундай ҳолнинг дарров олди олинди. Ҳар қандай шароитда ҳам ҳаракатларимиз қонуний ва жўяли бўлиши керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида касаба уюшмалари маданий ҳаётга қандай муносабатда бўлишлари керак? Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари **М. М. Тўлаганова** ўз маърузасизишга, ғолибларнинг телевидение ва радио орқали чиқишларини ташкил этишга жон деб киришар эдилар. Энди эса кўрик-танловлар ҳақида гап очилса улар маблағ йўқлигини баҳона қилиб ўзларини четга оладилар. Шу баҳона билан иккита вилоят касаба уюшмаси кенгаши «Дўстлик тароналари» фестивалида иштирок этишмади.

Илгарилари маданий-оқартув тадбирларини ўтказиш учун маблағ топишга ҳеч ким қийналмас эди. Аъзолик бадалларининг асосий қисми бошланғич ташкилотларда қола бошлаганидан бери молиявий қийинчиликлар келиб чиқа бошлади. Ҳамма шунга ҳайрон бўлаяпти. Ваҳоланки, бошланғич касаба уюшмалари ҳисобида ҳозир 112 миллион сўм йиғилиб қолган. Бу маблағ ҳаракатсиз ётибди. Бозор иқтисодиёти шароитида пулни ишлатишни билиш керак-да. Лекин бошланғич ташкилотлар бунинг уддасидан чиқишолмаяпти. Агар шу маблағнинг кичиккина қисми санъатимиз, маданиятимиз ривожига сарфланса маънавий оламимиз қанчалар бойир эди.

Бозор иқтисодиётига ўтилиши билан болалар ва ўсмирларнинг дам олишини ташкил этишда ҳам жиддий қийинчиликлар келиб чиқмоқда. Айрим корхоналар хўжалик харажатларининг кўпайиб бораётганлигини пеш қилиб ихтиёрларидаги оромгоҳларни пулдор ташқилотларга сотиб юбормоқдалар. Улар эса бу оромгоҳлардан бошқа мақсадларда фойдаланмоқ-

ҚАНДАЙ ТАКЛИФЛАР ТУШДИ?

Семинарларда тажриба алмашишлар кўпроқ бўлсин. Бу гал маърузаларни тинглаш билан чекландик, холос.

Даволаш муассасалари қурилиши учун республика бюджетидан йил сайин маълум миқдорда маблағ ажратиш йўллари изланса айни муддао бўларди.

Соғломлаштириш лагерларига йўлланма беришда жиддий қийинчиликлар туғилмоқда. Бу ерда ҳар бир бола учун ота-оналар тўлаётган бадаллар 40 сўмдан 100 сўмгача бўлаяпти. Касаба уюшмалари кўпболали ота-оналар, кам таъминланган оилалар бадалини корхона фондидаги маблағлардан, касаба уюшмалари бюджетидан қоплашлари керакка ўхшайди.

Корхоналар ажратган суғурта бадалларининг 30 фоиздан кўпроғи касаба уюшмалари органларига келиб тушмади. Бу 2,1 миллион сўм деган гап. Касаба уюшмалари органлари қарздор корхоналар сонини қисқартириш йўлида таъсирчан чоралар кўришлари керак. Акс ҳолда меҳнаткашлар нафақа ололмай қоладилар, уларни соғломлаштириш учун ҳам маблағ етмайди.

Енгил саноат корхоналари, умуман барча тармоқлар бошқа давлатларга қарам бўлиб қолмаслик учун махсус кийим-бошлар ва пойафзаллар ишлаб чиқариш чораларини кўришлари керак.

Корхоналарда, тармоқларда, бошқа хўжалик тузилмаларида меҳнатни муҳофаза этувчи мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлашнинг узлуксиз тизимини тузиш ва жорий этиш вақти келмадимикин.

Республика парламенти қабул қилаётган кўпгина қонунлар ҳамиша ҳам ижрочиларга етиб бормаяпти. Натижада кўплаб меҳнаткашлар масалаларни адолатли ҳал этиш йўлларини излаб турли идораларга мурожаат этмоқдалар. Қонунларни тарғиб этишга ва ижросига эътиборни кучайтириш лозим.

Мактаблар қошидаги соғломлаштириш лагерлари кам таъминланган оилалар учун қулай. Бундай лагерларда хизмат қилишга таклиф этиладиган ўқитувчиларга иш ҳақи тўлаш муаммосини тезроқ ҳал этмаса бўлмайди.

Семинар шаклини янгилаш устида изланиш зарур.

СЕМИНАР ТАВСИЯ ЭТАДИ

● *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси билан 1992 йилга мўлжаллаб тузилган Битимнинг бажарилиши албатта таминлансин.*

● *Касаба уюшмалари Марказий (республика) қўмиталари яқин вақт ичида тегишли хўжалик органлари билан тариф битимлари тузсинлар ва уларни меҳнат жамоаларига ҳавола этсин.*

● *Касаба уюшмалари маҳаллий бошқарув органлари билан ҳамкорликда ночор оилаларга кундалик зарур молларни арзон нархда сотишни, бепул иссиқ овқатлар беришни ташкил этсинлар, моддий ва тиббий ёрдамни кучайтирсин.*

● *Жамоаларда меҳнаткашларни қабул қилинаётган барча қонунлардан хабардор қилиб бориш, қонунга доир социал ва иқтисодий ҳуқуқларни тушунтириш, ҳуқуқий хизматни жонлантириш зарур. Бозор муносабатлари шароитида касаба уюшмаси органлари ҳаёти ва фаолияти матбуотда кенгроқ ёритиб борилса тажрибалардан ўзаро хабардор бўлардик.*

● *«Ишонч» газетасини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари ҳар бир касаба уюшмаси аъзоси ҳисобидан муҳарририят фондига 1 сўмдан пул ўтказсин.*

Ҳуқуқий сабоқлар

ПРИВАТИЗАЦИЯ НИМА?

ПРИВАТИЗАЦИЯ — лотинча сўз бўлиб, хусусий мулкчилик муносабатини ўзгартириш, давлат мулкини, иқтисодиётдаги давлат секторини хусусийлаштириш деган маъноларни англатади.

Хусусийлаштириш орқали давлат мулки фуқароларга берилиб, халқ мулкига айлантирилади, ҳар бир киши миллий бойликдаги ўз ҳиссасига эга бўлади, шу мулкни ишлатиб иқтисодиётни ўстириш учун ўз зиммасига мажбурият олади. Давлат мулкини сотиб олишда чет эл фуқаролари ва фирмалари ҳам иштирок этишлари мумкин.

Хусусийлаштириш давлат мулкини инвентаризация этишдан, яъни янгидан уни ҳисоб-китоб қилиб, ҳақиқий қиймати миқдорини аниқлашдан бошланади. Уни ўтказиш учун махсус органлар ташкил этилади. Хусусийлаштириш учун ажратилган давлат мол-мулкининг рўйхати тузилади, давлат мулкини сотиб олиш шарт-шароити аниқланади.

Давлат мулкининг кичик қисми аҳолига бепул берилади, асосий қисми нақд пулга ёки насияга сотилади. Кичик ҳажмдаги квартира шу ерда истиқомат қилувчиларга бепул ёки арзон нархда берилади, шунингдек, фуқаролар кичик ер участкаларини давлатдан бепул оладилар. Майда корхоналар ошкоралик йўли билан амалдаги қийматига биноан сотилади. Давлат корхонаси акционер жамиятга айлантирилиб, унинг акцияси ҳам халққа сотилади. Давлат мулкининг фуқароларга сотишдан олдин уларнинг мулкдаги ҳиссаси — пайи аниқланади ва шу пайга тенг мулкни сотиб олиши мумкин бўлади. Мазкур пай миқдори фуқаро олган иш ҳақи, ҳар бир кишининг қандай меҳнат қилгани ва шу асосда давлат мулкига қандай ҳисса қўшгани билан аниқланади. Давлат мулкининг фуқароларга теккан қисмини қандай ишлатиш унинг ўзига боғлиқ бўлади: у ижарага берилиши, кооперативга пай бўлиб кириши, акционер жамиятига ўтказилиши, хусусий ёки оилавий корхонага айлантирилиши мумкин. Хусусийлаштириш асосида мулкчилик демократиялашади, бозор иқтисодиёти учун зарур бўлган турли мулк шакллари, хўжалик турлари пайдо бўлади.

БИРЖАНИНГ МАЪНОСИ

БИРЖА (лотинча — ҳамён дегани) — бозор муносабатларининг муҳим таркиби бўлиб, унинг асосий вазифаси моддий-техника таъминотининг қайта тақсимлаш органлари (моддий базасини сақлаб қолган ҳолда) хизматини ўз зиммасига олиб, бозор муносабатларининг нормал ишлаб туришини таъминлашдан иборат.

Биржалар ташкил қилинган соҳасига қараб бир неча хил бўлади: стандартлар ёки намуналар асосида савдо қилинадиган оммавий товарларнинг мунтазам улгуржи бозори товар биржаси; қимматбаҳо қоғозлар, олтин, чет эл валюталари бозори фонд биржаси; ишчилар ва корхоналар ўртасида воситачиликка ихтисослашган ташкил меҳнат биржаси ва ҳоказо.

БРОКЕР ВА УНИНГ ХИЗМАТЛАРИ

БРОКЕР — турли хил биржаларда олди-сотти битимлари тузишда воситачилик (даллоллик) қилади. У бозор конъюнктурасини ҳамда битим тузиш юридик қоидаларини яхши биладиган айрим шахс ёки маълум бир биржада рўйхатда турадиган брокерлик фирмаси ҳисобланади.

Улар биржаларда сотувчилар ва харидорлар (мижозлар) ўртасида товарлар, қимматбаҳо қоғозлар, валюта ва бошқа ноёб нарсалар билан олди-сотти қилишга ёрдам берадилар. Брокерлар одатда мижоз топшириғига кўра ва унинг ҳисобига иш юритади, кафолат берувчи ҳисобига ўз номидан савдо битимлари тузиши ҳам мумкин. Воситачилик битимлари асосан брокерлик идоралари, фирмалар ёки уларнинг филиаллари орқали расмийлаштирилади. Воситачилик қилгани учун олди-соттининг муайян фоизи миқдорида ҳақ (брокериж) олади. Одатда бу ҳақ тузилган битимнинг 3—4 фоизини ташкил қилади. Агар мижоз учун фойдали битим тузилса, брокер тежаб қолинган маблағнинг келишилган шартномадаги қисмини олади.

Брокерлар бевосита товарларни кўрмай битимлар тузади ва товарни тўғри харидорга жўнатади, томонларнинг таклифлари ҳам брокерлар орқали ўтади. Йирик брокерлик жамиятлари харидорларга қарз беришда банклар билан ҳамкорлик қилади, айрим ҳолларда эса ўзлари ҳам кредитор бўладилар, битимлар бажарилишига кафилликни ҳам ўз зиммаларига оладилар.

Бозор иқтисодиёти яхши ривожланган давлатларда йирик брокерлик фирмалари мавжуд бўлиб, улар бошқа шаҳарларда ва ҳатто давлатларда ҳам ўз филиалларига эгадирлар.

Суюн АСАДОВ,
Ўзбекистон Республикаси ФА Иқтисод илмгоҳи ходими, иқтисод фанлари номзоди.

ХОТИРЖАМЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

Президент Фармони қандай бажарилмоқда?

ҚЎРҒОНТЕПА район газлаштириш идораси жамоаси ўз ҳудудидаги шаҳар ва қишлоқларни газлаштириш борасида қатъий режа асосида иш олиб бормоқда. Ҳар қандай шароитларда ҳам мўлжалдаги жойларга газ қувурлари тортилмоқда, кўзда тутилган хонадонларга «зангори олов» олиб кирилмоқда. Айниқса, Президентимиз И. Каримовнинг 1990 йил 28 июлдаги «Ўзбекистон қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш ҳақида»ги Фармонидан кейин қилинётган ишлар кўлами анча кенгайди, сифати яхшиланди. Бу ҳақда идора бошлиғи Қаҳрамонжон Исмоилов мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

— Фармон эълон қилинган кезларда — дейди у, — турли лойиҳалаш институтларида ишлаб тажриба орттирган олий маълумотли инженер Абдуҳалим Райимжонов раҳбарлигида уч кишидан иборат лойиҳачилар гуруҳи тузилди. Улар учун алоҳида катта ва ёруғ хонани ажратиб, жиҳозлаб бердик. Ишлар юришиб кетди, лойиҳаларнинг тез ва арзонга тайёр бўлаётганини эшитган меҳнаткашлар идорамизга оқиб кела бошладилар.

1991 йил учун тиғиз режалар тузган эдик. Лойиҳачиларнинг ёрдами билан бунинг ҳам уддасидан чиқдик. Йил давомида 1712 хонадонга газ олиб кирдик, бу мўлжалдагидан 112 та хонадон кўп демакдир. 1992 йилда эса икки мингга яқин хонадон газлаштирилади, 35 километр жойга газ қувурлари ётқизилади.

Бироқ, бу ишларнинг барчаси ҳамирдан қил суғургандек осон кўчаётгани йўқ. Эҳтиёт қисмлар, материаллар етишмайди. Буларнинг ҳаммасини идора ўзи турли йўллар билан топишга мажбур бўлмоқда.

Қишда газга бўлган талаб жуда ҳам ортиб кетади. Қирғизистон жумҳуриятининг Қўчқор ота шаҳридан келадиган газ қувуримизда эса ҳар йили қишда босим тушиб кетади. Биз эса янги йилда истеъмолчилар сонини янада кўпайтириш ниятидамиз. Ана шунинг учун ҳам тўққиз километрли «Ўш-Қўрғонтепа» газ қувури қурилишини лойиҳалаштириш ишлари бошланган. Саломат бўлсак, 1993 йилнинг биринчи чоракларида бу янги трассани ҳам қуриб битказамиз. Ана шунда районимиздаги барча шаҳар ва қишлоқларни газлаштириш имконияти туғилади.

Биз Президент Фармонининг биргина районда бажарилиши ҳақида сўз юритдик. Агар буни бутун республика миқёсида кўриб чиқсак-чи? Унда мавжуд нуқсонлар яна ҳам кўпроқ кўзга ташланади. Демак, Фармонни тўлиқ бажариш учун «Ўзбекгаз» бош бошқармаси раҳбарияти ва мутахассислари катта куч ва ғайрат сарфлаб, жойлардаги нуқсонларни бартараф этишлари лозим.

Суҳбатни С. УЗОҚБОЕВ ёзиб олди.

ҲУҚУҚШУНОСЛАР, ТИЛ ЎРГАНИНГ

(Боши газетамизнинг 17-сонида)

Антимонопольное законодательство	— монополияга қарши қонунлар
Апелляционная инстанция	— шикоят бериладиган суд поғонаси
Аргумент	— далил, асос; далилий асос бўлувчи мантиқий хулоса
Аренда	— ижара
Арендный договор	— ижара шартномаси
Арендный подряд	— ижара пудрати
Архив	— архив; ҳужжатгоҳ, ҳужжатхона
Архивное право	— архив ҳуқуқи; ҳужжатгоҳ ҳуқуқи; ҳужжатхона ҳуқуқи
Ассамблея	— 1) ассамблея; 2) дипломатия ёки давлат вакилларининг умумий йиғилиши
Аттестация	— малакани аниқлаш; тавсия бериш
Аффект	— қаттиқ ҳаяжон; жазава
Бездействие преступное	— жиноий ҳаракатсизлик, лоқайдлик
Бездействие власти	— ҳокимият органининг (вакилининг) ҳаракатсизлиги, лоқайдлиги
Бездействие власти	— ҳокимият органининг (вакилининг) ҳаракатсизлиги, лоқайдлиги
Беззаконие	— қонунга риоя қилмаслик, қонунсизлик, қонунга хилоф ҳаракатлар
Беззащитный	— ҳимоясиз, ўзини ҳимоя қилолмайдиган ожиз одам
Безответственность	— масъулиятсизлик, жавобгарликни ҳис қилмаслик
Безхозяйственное содержимое имущество	— хўжасизлик билан сақланаётган мулк
Биржа	— биржа, воситачилар (брокерлар) биржаси, меҳнат биржаси
Брак	— 1) яроқсиз (маҳсулот); 2) никоҳ
Браконьерство	— ўғринча, ғайри қонуний овчилик қилиш
Брачный возраст	— никоҳ ёши, балоғат ёши
Бригадный подряд	— бригада пудрати
Бронь жилищная	— уй-жой ажратиш: уни маълум шахс учун сақлаб туриш кафолати
Брошюра	— рисола, китобча
Бунт	— исён, бош кўтариш, ғалаён
Бюджетное финансирование	— бюджетдан маблағ ажратиш
Бюллетень	— 1) сайлов варақаси; 2) касаллик варақаси; 3) расмий ахборот (жарида)
Взрыв	— портлаш, портлаб кетиш
Взыскание алиментов	— нафақа ундириш
Взыскания бесспорные	— баҳссиз ундириладиган қарз, пул, мулк
Взять под стражу	— қамаш, қамоққа олмоқ
Вид на жительства	— бирон жойда туриш, яшаш ҳужжати (чет эл фуқароси учун)
Визировать	— рухсат бермоқ, имзо қўймоқ, розилик билдирмоқ
Визит	— ташриф буюриш, зиёрат, мулоқот
Вилайет	— Туркия, Тунис ва Жазоирда йирик маъмурий-ҳудудий бирлик
Вина	— айб, гуноҳ
Вина в гражданском праве	— фуқаролик ҳуқуқида айб
Вина в уголовном праве	— жиноят ва жазо ҳуқуқида айб
Виндикация	— 1) Виндикация; 2) қонунсиз эгаллаган шахсдан ўз мулкини қайтариб олиш (фуқаролик ҳуқуқида)
Вира	— жарима (Қадим Русда эркин шахсни ўлдирганлик учун олинадиган пул жаримаси)
Виселица	— дор; осиб ўлдирадиган жой
Вице	— вице
Вклад	— омонат, давлат ва омонат банкларида ташкилот, муассаса, корхона ва фуқароларнинг сақлаш учун топширган пул маблағлари
Владелец	— эга, бийловчи, эгалик қилувчи, эгалловчи
Владение добросовестное	— беғараз, холисона эгалик қилиш; бийлаш
Владение незаконное	— ғайри қонуний эгалик қилиш, бийлаш
Владычество	— ҳукмронлик
Властолюбие	— амалпарастлик, буйруқ беришга ўрганганлик
Власть законодательная	— қонун чиқарувчи ҳокимият
Власть исполнительная	— ижро қилувчи ҳокимият
Власть судебная	— суд ҳокимияти
Вменяемость	— ақли расолик, эс-ҳуш жойида бўлиши
Внедоговорная ответственность	— шартномадан ташқариги жавобгарлик
Внешнеторговая фирма, предприятие	— ташқи савдо фирмаси, корхонаси
Внешнеторговые сделки	— ташқи савдо битимлари
Внешне экономическая деятельность	— ташқи иқтисодий фаолият
Внешняя политика	— ташқи сиёсат
Внешняя среда	— ташқи муҳит, атроф муҳит
Внеэкономическое принуждение	— ноиқтисодий мажбурлов
Вновь открывшиеся обстоятельства	— янги очилган ҳолатлар
Внутреннее убеждение суда	— суднинг ички ишончи, шахсий хулосаси
Внутрихозяйственные споры	— ички хўжалик низолари, даъволари
Вовлечение несовершеннолетних в преступную деятельность	— вояга етмаганларни жиноий фаолиятга жалб қилиш
Водные преступления	— сув соҳасидаги жиноятлар
Военные наблюдатели ООН	БМТнинг ҳарбий назоратчилари
Возбуждение дисциплинарной ответственности	— интизомий жавобгарлик иши қўзғатиш
Возбуждение уголовного дела	— жиноят иши қўзғатиш

(Давоми бор.)

А. САИДОВ,
Ғ. АҲМЕДОВ.

ДАРОМАД МАНБАИ

Қашқадарё вилояти иқтисодиётида чорвачилик маҳсулотларидан келадиган даромад пахта,дон каби муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Кўпгина жойларда ташкил қилинган фермер хўжаликлари фаолияти кенгайиб бораётган бўлса, айрим хўжаликларда иш ижара пудрати асосида олиб борилмоқда.

Қарши районидаги Энгельс номли давлат хўжалигининг сут-товар фермасидагилар ижара пудратига ўтиб меҳнат қилаётганликлари туфайли ишлари анча юришиб қолган. Чорвадорлар ўтган йили 34 минг сўм соф фойдага эга бўлган эдилар. Ижарачиларнинг бу йилги режалари янада улкан. Улар олинадиган фойдани 5—6 марта кўпайтиришни мўлжалламоқдалар. Буларнинг ҳаммасида тажрибали чорвадор, 1980 йилдан бери жамоани бошқариб келаётган Абдураим Ёдгоровнинг хизматлари катта бўлаётир. Унинг ташаббуси билан 45 гектар ер ижарага олиниб чорва учун беда, маккажўхори лавлаги экиб келинмоқда. Уларнинг ўз ем цехлари бор. Ҳозир фермада 990 бош йирик шохли қора мол бўлиб, улардан 403 таси соғин сигирлардир. Ҳар бир сигирдан кунига ўртача 9—10 литрдан сут соғиб олинмоқда.

Жамоада асосан ёшлар меҳнат қилишади. Ўзларини тўла хўжайин, деб ҳис қилаётган ёшлар бир-бирлари билан дўстона муносабатдалар. Улар астойдил меҳнат қилиш билан бирга дам олишни, ишдан бўш пайтларини намунали ўтказишни ҳам тўғри йўлга қўйиб олганлар. Чорвачиликни даромад манбаи деб билган кирк беш кишилик бу жамоада 1992 йил 700 тонна сут ва 39 тонна гўшт етиштирилади. Бу ишларни амалга оширишда Тожиддин Тошев ва Номоз Жўраев сингари молбоқарлар, бир қанча соғувчи қизлар фидокорлик кўрсатмоқдалар.

Жамоанинг ўз ёрдамчи хўжалиги ҳам мавжуд. Икки гектар боғда мевали дарахтлар, турли гуллар ўстирилиб, парваришланмоқда. Ўтган йили улар бу боғдан 10 тоннага яқин ҳўл мева ва сабзавот етиштиришган эди. Ҳозир ҳам бу ерда пишиқчилик бошланди. Ишни тўғри ташкил қила билган чорвадорлар ҳозирги иқтисодий кийин шароитда турмушни бир оз бўлса-да яхшилашга ўз ҳиссаларини қўшиш учун астойдил меҳнат. қилмоқдалар.

Н. ТУРҒУНОВ.

Суратларда: Соғувчи Мухтабар Қурбонова. Пастдаги суратда жамоа аъзолари ҳордиқда.

Суратларни Ш. Шарипов (ЎзА)олган.

ФЕРМЕРЛАРНИ ТЕНГ КЎРИНГ

ИШБИЛАРМОНЛАР ўз ниятларини амалга ошириш учун қанчалик куйиб пишмасинлар, агар уларга тегишли маъмурият зарур қулайликлар яратиб бермаса барака булоғининг кўзи очилмай қолаверади. Гап ишбилармонлар ҳақида кетар экан кейинги пайтларда оммавий тус олаётган фермерлик ҳаракати хусусида сўзлашга тўғри келади. Бухоро вилояти Ромитан районида фермер хўжаликлари ташкил этиш бошқа жойлардагига нисбатан анча илгарилаб кетган. Бундан атиги уч йил илгари кичик фермалар сони 110 тани ташкил этган бўлса ҳозирги кунда у 515 тага етган. Бу фермер хўжаликларида 3640 бош қорамол, шу жумладан 1784 бош соғин сигир парвариш қилинмоқда. Ўтган йили шу кичик фермаларда 7700 тонна сут, 290 тонна гўшт ишлаб чиқарилди.

Юқоридаги фактларни таҳлил этиб бу маҳсулотлар фермер хўжаликлари сонига нисбатан оз эмасмикан, деган хаёлга борасиз. Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, биринчи муаммо бу фермер хўжаликларига етарли озуқа, ер майдони ажратиб берилмаётганидир. Ўзингиз ўйлаб кўринг, дастлаб чорва учун етарли озуқага эга бўлмай туриб ундан қандай қилиб кўзланган маҳсулотни олиш мумкин? Бу оддий арифметикани районда кўпчилик мутахассислар, мутасаддилар билсаларда, билмасликка олмоқдалар. Тажрибадан маълумки, ҳар бир шартли қорамол учун ўртача 0,54 гектардан майдон ажратилган тақдирдагина маҳсулдорлик мўлжалдагидек бўлади. Ҳозирги кунда районда барча фермер хўжаликлари учун ажратилган ер майдони 240 гектарни ташкил этади. Якка деҳқон хўжаликларида мавжуд шартли қорамолларнинг ҳар бирига бу майдонни тақсимлаганимизда у 0,8—0,9 гектардан иборат бўлади. Ўзингиз бу рақамдан хулоса чиқараверинг.

Тўғри, бир қатор фермерларга яратиб берилган шароитлар рисоладагига яқинроқ. Улар етарли озуқа майдони, техника билан таъминланган, десак, бўлади. Масалан, Ибн Сино номли давлат хўжалигидан Теша Тошев, Шодихон Файзиев, Мардон Ражабов, Шариф Саидов, Саид Хожиев, «Ромитан» давлат хўжалигидан Саид Мирзаев, «Октябрь 50 йиллиги» давлат хўжалигидан Шодмон Мирхоновлар шундай қулайликлардан баҳраманд бўлаётган фермерлардир. Чунки улар қарамоғларидаги моллар сонига қараб 4—5 гектардан тортиб 10 гектаргача озуқа майдонига эгадирлар. Озуқани ташиш ва майдалаш учун биттадан Т-40 трактори ва КИР-1,5 агрегатини ҳам олишга муваффақ бўлишган.

Фермер Теша Тошев бошлиқ битта кичик фермани олиб кўрайлик. Оила аъзолари ўтган йилда 87 бош корамол (шундан 40 боши соғин сигир) боқиб 90 тоннадан зиёд сут ва 15 тоннага яқин гўшт етказиб беришди. Бу шартномада кўрсатилганидан анча ортиқдир. Ҳатто бу фермер Тошкент шаҳрида ўтказилган ишбилармонлар кенгашида иштироқ этиб ўз иш тажрибаси ҳақида бутун республика тадбиркорларига ҳикоя қилиб берган эди. Юқорида номлари тилга олинган бошқа фермерлар ҳам яратиб берилаётган қулайликлар эвазига эл дастурхонига 45—50 тоннадан сут, 3—4 тоннадан гўшт етиштириб бериш билан ўтган йилни якунладилар.

Лекин шундай фермерлар борки, улар хўжаликлардан бир таноб ҳам ер ололмай, қўлбола бостирмаларда мол парваришлаб, минг машаққат эвазига эл дастурхонини сероб қилишдек хайрли ишга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Бундай фермерлар қаторига Энгельс номли жамоа хўжалигидан Исмат Кенжаев, «Ромитан» давлат хўжалигидан Ҳалим Норов, Салоат Қиличева, Ойжон Наврўзова, Гулистон Нарзиева, Ҳосият Бобоева, «Октябрь 50 йиллиги» давлат хўжалигидан Жамила Салимова, Рўзигул Ниёзова, Адолат Сафарова ва яна ўнлаб кичик ферма соҳибларини киритиш мумкин. Улар 6—7 бошдан қорамол парваришлаб 4—7 тоннадан сут етиштирган бўлишларига қарамасдан бу ишбилармонларга бир қарич ҳам ер берилмаганлигини қандай тушуниш мумкин. Нега барча фермерларга бир кўз билан қаралмайди? Ё бу ерда ҳам бошқача «ишбилармонлик» бормикин? Биз шундай саволлар билан район агросаноат бирлашмаси бошлиғи Ашур Қўзиевга ҳамда шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари иттифоқи уюшмаси раиси Сафар Рамазоновга мурожаат қилдик.

Ашур Қўзиев:— Барча фермерларга нормадаги ерни ажратиб бериш имкониятига эга эмасмиз. Агар шундай қиладиган бўлсак пахта экиладиган анчагина майдонларимиздан ажралишимизга тўғри келади. Бунинг эса сира иложи йўқ.

Сафар Рамазонов:— Биз фермер, якка деҳқон хўжаликлари билан сира шуғулланмаймиз. Улар билан шартнома тузган тақдирдагина, кўмак беришимиз мумкин. Ҳозирча улар хўжаликлар билан шартнома тузишибдими, фермерлар етиштираётган маҳсулот улар режасига киряптими, демак хўжаликлар ёрдам бериши керак.

Фермерлар эса бир чимдим озуқа, ер сўраб дам хўжалик идорасига, дам агросаноат бирлашмасига, дам шахсий ёрдам хўжаликлар иттифоқи уюшмасига қатнаб овора. Не машаққатлар билан кичик ферма ташқил этган фермерларнинг маҳсулотлари хўжаликлар учун керак бўлибди-ю, уларга шарт-шароит яратиб бериш ҳеч кимга керак бўлмай қолибди-да. Ҳозирги кунда озуқа ерига эга бўлмаган бундай фермерлар сони районда юздан ортиқдир.

Шу жойда бир фикр туғилади. Фермерларга етарлича ер ажратиб бериш, озуқа билан таъминлаш имконияти йўқ экан уларни шу қадар кўпайтириб юбориш шартмиди? Сон кетидан қувиб, сифат бой берилган даврларнинг алдамчи қувончлари биз учун сабоқ бўлмасмиди? Ҳар бир нарсани ўз номи билан атайдиган замонда яшаяпмиз. Бундай пайтда барча фермерларга бир кўз билан қараш керак. Шунда барака булоғининг кўзлари очилади.

Суннат БЕШИМОВ
Ромитон райони.

Тўйдаги ўйлар...

«Либосларингизни чиройли қилинглар, от-уловларингизни яроқли тутинглар! Юздаги холдек одамларга намуна бўлинглар!»

«Ҳадис»лардан.

Дилларни яйратиб «Тўйлар муборак» қўшиғи янграйди. Қарсаклар садоси остида даврага келин-куёв кириб келади. Давранинг тўри уларга мунтазир. Бир-бирига муносиб ёшларга ҳамма суқланиб боқади. Илоҳим ёмон кўздан асрасин уларни.

Келин кийган либосга ҳавас билан қарамай иложингиз йўқ. Юзида оқ ҳарир тўр парда, эгнида узун ҳарир кўйлак. Қўлида гулдаста. Ўйлаб кетаман, келиннинг исми ўзбекча бўлса, нега унда либоси оврупоча? Бу кўр-кўрона тақлиднинг ўзгинаси эмасми? Ҳали ҳеч бир оврупочлик шарқ халқларининг, айтайлик, бизнинг тўй ва маросимларимизни, либосимизни ўзлаштирган эмас. Бунга ҳожат ҳам бўлмаса керак. Унда нега биз келинларимизни оврупоча кийинишга бефарқ қараймиз. Эҳтимол, буни кимлардир маданият деб билишар, менимча, бу ўзлигидан кечиш, қадриятини, миллий ғурурини топташ билан баравардир.

Биласиз, ҳозирги тўйлар видеосиз ўтмайди. Видеога тушишга орзуманд бўлган келин юзидаги оқ ҳарир тўрни суриб қўйиб, объективга шунақаям тикиладики, қани энди унинг шу туришига ер ёрилса-ю, ерга кириб кетсанг. Куёв ҳам илжайиб келиннинг пинжига суқилади. Қани келинлик андишаси, ўзбекона ибо, шарми-ҳаё? Ҳали келин тушириб, унинг қўлидан бир пиёла чой ичиб улгурмаган қутлуғ хонадон соҳибларига ҳурмат-иззатнинг ифодаси шуми? Қадимда оналаримиз, опаларимиз ойлар, йиллар давомида қайнота, қайнонасининг юзига тик қарашни беодоблик деб билганлар. Ўз қадри-қиммати, ҳаёсини сақлаган келинга ҳурмат рамзи сифатида қайнота, қайнона кўрмана бериб, сўнгра кўришганлари бежиз эмас.

Янги анъаналар ниқоби остида ҳаётимизга кириб келган «Бахт ва висол» оқшомини бирданига йўқ қилиш тарафдори эмасмиз, албатта. Кўзимиз кўникиб қолган бунга. Лекин, келин атлас кўйлакда, бошида дўппи, юзига оқ шойи рўмол ташлаган ҳолда даврага чиқса қандай файзли бўларди.

Тўй баҳона миллий қадриятимиз, урф-одат ва анъаналаримиз борасида айрим фикрларимизни айтмоқчимиз. Албатта, ҳар бир халққа, ўзининг урф-одати бошқаларникидан азизроқ туюлади. Бу табиий ҳол. Лекин бутун жаҳонга кўз-кўз қилса арзийдиган шарқона анъаналаримиз борлигидан нега кўз юмамиз.

Ёш келинни қирқ кун чиллада сақлаш одати тасодифий эмас. Келин мисоли бир гул. Уни қирқ кун ёлғиз қолдирмаслик, зарурият туғилмаса бирон ёққа олиб бормаслик одат эди. Афсуски, бу одатимизни ҳам кимлардир «эскилик сарқити» га чиқариб қўйди. Ҳолбуки, шарқда 40 рақами ўзгача аҳамият касб этади. Айтайлик, ёш болали аёллар 40 кун чилла сақлашган. Марҳум хотирасига бағишлаб 40 кунлик маърака ўтказилган. Бир йигитга 40 ҳунар оз, эртакларда 40 кеча-кундуз деган сўзларни кўп учратамиз. 40 рақамига бунчалик ихлос ва эътиқод ўз-ўзидан дунёга келмаган. «Қайси бир халқдан қирқ киши ва ундан зиёд одамлар бирор ишга гувоҳлик берсалар, тангри уларнинг гувоҳликларини қабул этади», дейилади Ҳадисларда. Бу — ота-боболаримиз, буюк аждодларимиз ҳаётий тажрибасининг маҳсули, унга амал қилган киши ҳеч қачон хор бўлмаган.

Тўғри, ҳозирги қизларнинг кўпчилиги ўқийди, ишлайди. Шу сабабли улар 3—4 кунда ишга чиқиб кетадилар. Шу ўринда ёш келинларга бир ой муддатли меҳнат таътилига ўз ҳисобидан яна 10—15 кун қўшиб берилса, ёмон бўлмасди. Умр савдоси — никоҳ тўйи бир марта бўлар экан, уни аждодларимиз анъанасига яқинлаштирсак ютқазмаймиз.

Санъаткорлар тўйларимиз файзига ўзгача руҳ бағишлайди. Аслида тўйга ташриф буюрган меҳмонлар яхши куй-қўшиқ тинглаб, кўнгилли ором ва таскин топишини истайди. Афсуски, тўйларимизда барчага манзур бўладиган оммабоп ва ҳаммабоп қўшиқлар эшитиш амри маҳол. Тўйларимизда айтилажак мусиқий ва классик қўшиқлар жуда кам. Борди-ю, шундай қўшиқ ижро этилса, ёшлар шовқин солиб, қарсакбозлик ва ҳуштакбозлик қилишади. Санъаткорлар ҳам ихтиёрий-мажбурий равишда, «Тоғдан келинг, боғдан келинг», «Дўлана, дўлана», деб бир жойда депсиниб тураверишади.

Тўйларимизда кечагина мактабни битирган ҳуркак қизларнинг, мўйлови энди сабза урган йигитчаларнинг ер тепиб ўйин тушишларини кўргандирсиз? Қўлларини икки ёнига шалвиратиб, кўзларини ўзича мастона юмган ҳолда жазавага тушаётган йигит-қизларнинг оёқ зарбидан кўтарилаётган чанг-тўзонда меҳмонлар аранг нафас олишади. Бу қандай маданият бўлди, уни кимлар ўйлаб топган?

Икки-уч соатли тўй у ён чоп-бу ён чоп билан ўтади. Янги оиланинг келажаги, хонадоннинг қут-баракаси кўп жиҳатдан келиннинг қадамига боғлиқ. Халқимиз «Келиннинг оёғидан, чўпоннинг таёғидан», деб бекор айтишмаган. Ҳозирги келинларга ундай юр, бундай юр деб ақл ўргатиш ҳам қийин. Ўзларига инсоф берсин.

Ҳар бир миллатнинг ўз ғурури бор. Ўз ғururини сақлай олмаган миллат ўзлигини йўқотишга маҳкум. Қадриятларимиз етмиш йил давомида ўзгалар тазйиқи остида нураб емирилиб келди. Энди қадриятимиз, ўзлигимизнинг емирилишига йўл қўймайлик. Эътиқод бу имон демакдир. Қалбида имони соғлом бўлган халқ — кучли ва енгилмасдир.

Абдусаттор СОДИҚОВ.

ЎТГАН ЙИЛИ кўкламда, айни Наврўз кунлари ногирон, гунг йигит Рўзимурод Хоновнинг аҳволидан хабар олиш учун у яшаётган уйда бўлгандик. Шунда Рўзимуроднинг онаси Хонимо опанинг бир неча фарзанди билан бир хонали уйчада тиқилиб, қийналиб яшаётганлигини кўриб ичимиз ачишган, опанинг қўли қисқалик туфайли 28 ёшга кирсада, уйли-жойли бўлолмай юрган ўғли Рўзимуроднинг келгусини ўйлаб чеккан азиятларини эшитиб, бу жафокаш аёлга баҳолу қадрат ҳамдард бўлгандик. Ва кўрганларимиз ҳақида вилоят газетасида мақола эълон қилиб, одамларни меҳр-оқибатли бўлишга даъват этгандик. Сал ўтмай Ульянов райони ҳокимиятидан бизга сим қоқиб, мақоладан жуда таъсирланганини, Рўзимуродни уйлантириш учун қандай сарф-харажат зарур бўлса, райондагилар тайёр эканлиги билдирилганда, ҳали кишиларимизда меҳр-оқибат бутунлай йўқолиб кетмаганлигидан, инсофли, диёнатли кишиларимиз борлигидан суюндик.

Минг мардли қишлоқда...

Хонимо опа хонадонида тўй тараддуди бошланиб кетди. Райондошлари, айниқса, опа туғилиб ўсган «Байналмилал» давлат хўжалиги раҳбарларининг тантилиги шаҳарнинг ўз қувончи, ташвиши билан яшаётган митти районидаги қўшниларни ҳам тўлқинлантириб юборди. Совчилар Хатирчи районидан хурсанд қайтишди. Ойзоданинг ота-онаси ҳам «иккаласи кўнгил топишган экан, бахтли бўлсин» дея очиқ кўнгил билан оқ фотиҳа беришибди. Севги ҳақида 4 қатор шеърий мисра ёзилган бежиримгина тўй хати вилоят босмахонаси жамоасидан тўёна бўлди. Келинни Самарқанддан олиб келиш учун отланган куёв ва куёвжўралар транспорт топиш масаласида бироз қийналишган эди. Қарши шаҳар ички ишлар бўлимининг бошлиғи Н. Амирқулов автобус саройи билан боғланиб, хизмат ҳақини бўлим томонидан тўлаб, автобус топиб берди. Қўшнилардан 3—4 киши қуёвга қўшилиб, келинникига жўнашди. Қолганлари уй безатишга тушишди. Узоқдан келаётган қудалар учун қўшниларникида жой ҳозирлашди.

Хонимо опа елиб-югуриб хизмат қилаётган қўшнилари, яхши кунига тиргак бўлиб турган қишлоқдошларини кўриб кўнгли хотиржам тортди. Уйлари ёнидаги Қарши шаҳар ошхона ва ресторанлар трестига қарашли 42-ошхона залида 200 кишига мўлжалланиб жой тайёрланди. Ошхона бош ошпази Асқар Мустафоқулов, ошхона хизматчиси Хурсанд Эсонова ўз хонадонларида тўй бўлаётгандек бор маҳоратларини ишга солишди.

Чўғдек гиламга битилган келин ва куёвнинг исмига, тасвирларига, бахтдан энтикиб турган икки ёшга, нарх-наво осмонга кўтарилиб кетган бугунги кунда тўй дастурхонини бойваччаларникидан кам қилмай безатиб, тўй бошида турган «Байналмилал» давлат хўжалиги директори Эшқурбон Хоналиев, совхоз касаба уюшмаси қўмитаси раиси Гулмурод Рўзимуродов, бош ҳисобчи Ўлмас Ашуров, қишлоқдошлари Усмон Субҳонов, Маҳмуд Бўронов, Ғанишер Зариповга қараб туриб, одамийлик ҳақида ўйга толаман. Бир-бирига уланаётган табрик сўзларидан сўнг янграётган қўшиқлар хаёлимни бўлиб юборади. Тўйга атайлаб ашулачилар айтилмаган, бироқ қўшиқчиларга навбат тегмайди. Ботир, Ғолиб, Зафар Зоҳидовларнинг дилбар, шўх қўшиқларига тоғлик йигит Ашурали Бобожоновнинг ширали, ўйноқи ашулалари, Усмон Субҳоновнинг лапарлари уланиб кетади. Рўзимурод ва Ойзоданинг дўстлари, қўшни аёллар давра айланиб ўйинга тушишади.

Сўз навбати келин бўлмиш Ойзоданинг отаси Бобонор ака Халиловга берилганда, у кўнгли тўлиб, кўзларига ёш олди:

— Етти нафар фарзандим бор. Табиат тўнғичим — Ойзодамни ҳусндан, ақлдан, ҳунардан кам қилмай, тилдан қисди. Қуёвимиз Рўзимуродга кўнгил қўйган экан, майли бир-бирини тушунади, деб оқ фотиҳа бердим. Тангридан тилагим, энди қизимдан бахтини аямасин, укаларига ўхшаш тили бийрон фарзандлар ато этсин.

Шарофат Зоҳидова Рўзимуроднинг қўшниси. Аммо у бир онадан, бир опадан, бир қариндошдан ортиқ ич куядиган кишиси. Ўзининг ишидан, ташвишларидан ортиб турмуш ўртоғи Ўктам ака билан елиб-югуриб, меҳмонларнинг кўнглини олаётган бу аёлнинг бағри кенглиги, одамийлиги мени лол этади. У ёшларни никоҳ оқшоми билан қутлар экан, шундай деди:

— Хонимо опалар оиласи тақдиридан, уларнинг изтироби, армонларидан хабардорман. Шу пайтгача Хонимо опа ва унинг ота меҳрига, ота қўмагига зор фарзандларига қараб «Байналмилал»да бир мард бор, деб юрардим, бугун эса бу қишлоқда, совхозда минг мард борлигига амин бўлдим.

Дарҳақиқат, ҳаётда номардлик билан мардлик, ёвузлик билан эзгулик, оқибатсизлик билан оқибат, хиёнат билан садоқат ёнма-ён юради. Шу боис ҳам одам яшашдан чарчамайди. Ёруғ кунлар умиди ғам-андуҳлар, ташвишлар, армонлар ортидан мўралаб ўзи сари чорлайверади. Рўзимуроднинг амакиси Маҳмуд Хонов укамнинг кўнгли чўкмасин, деб тўйга бошлаб келган видеотасвирчи йигит суратга олаётган бахтли муҳаббат ва оқибат тантанасига гувоҳ лаҳзалар эртага бир ширин хотирага айланади. Мен яқин ўртада бу қадар завқли, эсда қоларли тўйнинг гувоҳи бўлмаганим учун ўзимча тантананинг ҳар лаҳзасидан эзгуликка даҳлдор бир нарса кашф этаётгандек бўламан. Давлат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси Гулмурод Рўзимуродов Рўзимуродга ўзлари тайёрлаб келган куёвлик либосини кийдираётган дақиқалар, ой деса ойдек ҳусни бор Ойзоданинг муҳаббат, меҳр тўла нигоҳлари, ниятига етган Хонимо опанинг ва қудаси Бобонор аканинг куёв-келинни даврага олиб чиқиб, хушнуд рақсга тушишларига қараб туриб аллақандай ҳисдан энтикаман. Дунёда яхшилик бор бўлсин, яхшилар бор бўлсин, дейман.

Наврўз арафасида Қарши шаҳар ижроия қўмитаси Рўзимурод Хоновга байрам муносабати билан уй берди. Бу яқиндагина келин туширган Хонимо опанинг севинчига севинч қўшди. Мен халқимизнинг азалий одатларини тиклаётган эл кайвонилари, оқсоқоллари, фидойи кишиларига дилдан ташаккурлар айтиб, қалбларимизни сира эзгулик тарк этмасин, дейман.

Сайёра ЗОИРОВА,
Қарши шаҳар хотин-қизлар кенгашининг раисаси.

Қўша қаринглар, болаларим.

Биздан сўрабсиз

Саволларга ҳуқуқшунос Абдужалил Ҳасанов жавоб беради.

???

Болаликдан ногирон бўлиб қолган ўғлим ҳозир 20 ёшдан ошяпти. У биз билан бирга. Айтинг-чи, қишлоқ кенгаши уни хўжалик дафтарига киритиб мустақил хўжалик бошлиғи деб кўрсатиши мумкинми?

Одил Отахонов,
Фарғона вилояти, Бешариқ райони
Рапқон қишлоғи.

Агар ўғлингизда ақлий заифлик аломатлари бўлмай, бу ҳақда асаб-руҳий касалликлари шифохонасида рўйхатда турмаса, у мустақил вояга етган шахс сифатида тан олиниб, хўжаликка бошчилик қилиши ҳам мумкин.

???

Мен 1990 йилда ишлаётган корхонамдан ёш оилаларга бериладиган фоизсиз 1500 сўм қарз (ссуда) олган эдим. Бундай ссуда пули бериладиган қарор бекор бўлган деб эшитдим. Шунинг учун ишхонам олган қарз пулимни тўламасимдан ҳам ёпиб юборишлари мумкинми? Касаллик варақаси ва штат қисқариши муносабати билан ишдан бўшашим муносабати билан бериладиган ҳисоб-китоб пулидан шу ссуда пулини ундириб олишлари тўғрими?

М. Қодирова,
Қашқадарё вилояти, Китоб райони.
И. Дўстмуродов,
Тошкент шаҳри.

30 ёшгача бир болали маълум иш стажига эга бўлган оилаларга 1500 сўмгача корхонанинг (ташкилот, муассаса) ижтимоий фонди ҳисобидан икки йилдан кам ишламаган, ўзини ишда яхши кўрсатган эр ёки хотинга турар жой шароитини яхшилаш ёки уй-рўзғор буюмларини харид қилиш учун саккиз йил ичида қайтариш муддати билан фоизсиз қарз (ссуда) берилар эди.

Ҳозирги молиявий қийин шароитда бундай қарзлар берилиши камайиб кетди.

Бундай қоидани амалда қўлланиши ёки қўлланмаслигидан қатъий назар, қарз пули олган шахс қарздор сифатида пулни белгиланган муддатда қайтариши шарт.

Борди-ю, маълум сабаб билан қарз олган ишчи ёки хизматчи меҳнат шартномасини бекор қилган бўлса, у ҳолда барча олган қарзларини тўлиқ тўлаб корхона (муассаса, ташкилот) билан ҳисоб-китоб қилиши шарт. Ишдан бўшаб кетаётган ходим бундай ҳисоб-китоб қилишдан бош тортса, у ҳолда маъмурият судга мурожаат қилиб қарз пули ва пошлина ҳаракатларини ундириш учун даъво иши қўзғатиши мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос М. ЛУҚМОНОВ жавоб беради.

Штат қисқартириш пайтида ишда қолиш учун қонун бўйича энг аввал кимларга имтиёзлар берилади?

А. Мадаминов,
Қўқон.

Ўзбекистон меҳнат қонунлари мажмуининг 42-моддасида айни шу масалага тўхтаб ўтилган бўлиб, ишхонада (корхонада, муассаса, ташкилот) ходимларнинг сонини ёки бўлмаса штатини қисқартириш кетаётган тақдирда ишда қолиш учун энг аввал қуйидаги ишчи ва хизматчиларга имтиёзлар берилади:

Дастлаб, ўша корхона, муассаса ёки ташкилотда ишлаётган меҳнат унумдорлиги ва малакаси юқори бўлган ишчи ва хизматчилар ишда қолиш бўйича имтиёзли ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Агарда ходимларнинг меҳнат унумдорлиги ва малакалари бир хил бўлса, ишда қолиш учун афзаллик қуйидагиларга берилади:

— қарамоғида иккита ёки ундан кўпроқ оила аъзолари бор ходимларга;

— оиласида мустақил иш ҳақи оладиган бошқа ходимлар бўлмаган шахсларга;

— мазкур корхона, муассаса, ташкилотда узлуксиз меҳнат стажи кўпроқ бўлган ходимларга;

— олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўз малакасини ошираётган ходимларга;

— мазкур корхона, муассаса, ташкилотда, меҳнатдан майиб бўлган ёки касб касаллигига учраган шахсларга;

— уруш инвалидларига ҳамда СССРни ҳимоя қилишда ёки ҳарбий хизмат бурчини бажариш пайтида ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган ҳарбий хизматчилар ва партизанларнинг оила аъзоларига;

— ихтирочилар ва рационализаторларга.

Саволларга Ўзбекистон Халқ таълими Вазирлигининг Умумий ўрта таълим Бош бошқармаси етакчи мутахассис Комилжон ЭГАМБЕРДИЕВ жавоб беради.

???

1991 йилга аттестация якунига кўра «методист ўқитувчи» унвонини олганларга қўшимча ҳақ бериладими? Нима учун муаллимларга бериладиган йўл харажатлари ёки абонементлар, товон пули тўхтатиб қўйилган? Шулар ҳақида билишни истардим.

И. Аҳмедов, Самарқанд вилояти.

Тўғри, 1991 йил сентябрь ойидан бошлаб бу хусусида ўзгаришлар юз берди. Ўқитувчиларнинг навбатдан ташқари аттестациядан ўтказилиши муносабати билан улар ўз билим ва қобилиятига қараб тоифаларга бўлинди ва уларга аввал берилган «методист ўқитувчи», «катта ўқитувчи» унвонлари бекор қилинди. Ойлик икки баравар ошганлиги учун 1992 йил 1 январдан бошлаб муаллимларга алоҳида ҳисоб бўйича товон пули тўланмайдиган бўлди. Йўл ҳақи ёки абонемент эса берилиши лозим.

???

Мен методистман, лекин ўқитувчи йўқлиги учун 16 соатдан дарс бердим. Аммо менга ўриндошлик йўли билан 12 соат дарс беришингиз мумкин дейишиб, 2 ойга ҳақ тўлашмади. Шу тўғрими?

А. Жабборов,
Наманган вилояти, Поп райони.

Ҳа, тўғри. Халқ таълими Вазирлигининг бу тўғрида махсус буйруғи бор. Бундан барча маориф шаҳобчалари хабардор.

ТИЖОРАТ САВОЛ-ЖАВОБЛАРИ

???

Менинг ёшим 58 да. Давлат хўжалигида 31 йил мол доктори бўлиб ишладим. 1992 йил август ойидан бошлаб шу давлат хўжалигидаги касалхонада ишчи бўлиб ишлаяпман. Мен ҳозир 31 йиллик иш стажим билан нафақага чиқсам бўладими?

Абдураҳмон Жумаев,
Сурхондарё вилояти,
Бойсун районидаги
«Бойсун» давлат хўжалиги.

Ушбу саволга Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳуқуқшуноси Ҳамидулла Пиримқулов жавоб беради.

Амалдаги, фуқароларни нафақа билан таъминлаш ҳақидаги қонунга биноан, тўлиқ қарилик нафақасини олиш ҳуқуқини берувчи шартлардан бири шахснинг ёшидир. У эркаклар учун 60, аёллар учун эса 55 ёш қилиб белгиланган.

1992 йил 1 июлдан бошлаб аҳолини иш билан таъминлаш ҳақидаги қонуннинг VI-боби кучга киритилади. Унинг 29-моддасида айтилишича, ишсиз деб эътироф этилган ва нафақа таъминоти тўғрисидаги қонунга мувофиқ умумий меҳнат стажи нафақага чиқиш (имтиёзли шартларда чиқиш ҳам шунга киради) ҳуқуқини берувчи шахслар муддатидан олдин (қонунда белгиланган муддатдан икки йил олдин) пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

ТЕЗ ВА МАЛАКАЛИ ЖАВОБ ОЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

Ҳурматли газетхонлар! Ҳар куни сизлардан кўплаб хатлар олиб турибмиз. Уларнинг аксариятида меҳнат, ҳуқуқ, нафақа, имтиёз ва бошқа масалаларда рўй бераётган чалкашликларга аниқлик киритиш, меҳнаткашларнинг манфаатини ҳимоя қилувчи қонунлардан бохабар этиш, баҳсли масалаларни ажрим қилиш сўралаяпти.

Илтимосингиз бўйича ҳар бир саволни ваколатли ташкилотларга юбориб юридик жиҳатдан асосли жавоб олишга ва газета саҳифалари орқали ёритиш ёки ҳат шаклида сизга етказишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Лекин келаётган саволлар шунчалик кўпки, аксари ҳолларда уларга ўз вақтида жавоб беришнинг имкони бўлмаяпти. Шуни ҳисобга олиб «Биздан сўрабсиз» саҳифасининг тижорат сонини ҳам тайёрлашни маъқул кўрдик. Агар сиз ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлган саволингизга тез, мукаммал ва юридик жиҳатдан асосли жавоб олишни истасангиз «Ишонч» газетаси ҳисоб варақасига олдиндан 20 сўм ўтказишингизни ва квитанцияни саволингиз ёзилган хатга қўшиб бизга юборишингиз керак. Ташкилотлар эса ҳар бир савол учун 30 сўм тўлашлари лозим.

Имкониятингиз даражасида хизматимизнинг мана шу ишончли хилидан ҳам фойдаланишни маслаҳат берамиз.

«Ишонч» газетаси ҳисоб варақасини маълум қиламиз: Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Республикаси акционерлик-тижорат, деҳқончилик банкидаги 000363601 — ҳисоб варақаси «Ишонч»га тегишли. Банк коди 17268403.

Саволларингизни кутамиз.

Оила: Қувонч ва ташвишлар

ЖАННАТИ АЁЛ

АГАР ҳайкалтарошлар Бардошга ҳайкал қўймоқчи бўлсалар, шу аёлдан андоза олинг дердим. Мусаввирлар Сабрнинг суратини чизмоқчи бўлсалар, шу аёл сиймоси жуда мос тушарди.

Ҳа, Одинахон ҳам ойдек келин бўлганди. Кулдиргичлари жилваланиб кетганда, юраклар «жиз» этарди. Энтика-энтика кутган илк фарзандини ерга қўйганда бир сўлди. Иккинчисини еру кўкка ишонмади. Яна бирин-кетин тўрт фарзандлик бўлди. Болаларини кулчатойлар юмалатиб йўлга киргизди. Атак-чечак бўлганда севинчи оламга сиғмади. Аммо негадир фарзандларининг оталари айниб қолди... Ўзга миллат аёли кўзига яхшироқ кўриндими, оиласини ташлади-ю, кетди. Одина тўрт бола билан қайнона эшигида қолди. Каттаси ёмон куйди. Ич-этини еса-да онасига сездирмади. Кунлардан бир кун тўсатдан йиқилиб тушди-ю, ўрнидан туролмай қолди. Сўнгра бутун вужуди ўзига бўйсунмай, 12 ёшли ўғил бола тўшакка михланди.

Одинахоннинг дарди дунёси қоронғулашди. Лекин «Қайси гуноҳим учун бу жазо!» дея илтижо қилганларини боласига билдирмади. Қаранг, бошида яна бир кўргилик бор экан. чопқиллаб юрган иккинчи ўғилчаси ҳам уйнинг бир томонини эгаллади. На қўли, на оёғи ишлайди. Она энди иккала фарзанд орасида. Гоҳ унисини овқатлантиради, гоҳ бунисини ювинтиради. Бу ғамдан анча эрта улғайган қизигина онага таянч. Ўзиям оқила қиз бўлди. Сира «қийналдим» демайди. Онаси ва акаларининг кўнгилларини кўтаришга ҳаракат қилади. Лекин она шўрликни бир нарса — болаларининг ота меҳрига зор бўлаётгани қийнайди. Қайси куни ота қизини кўриб тескари қараб кетганда, қиз бечора шундай ўкириб йиғладики, Одинахон юпанч сўзларини тополмай юрагини ғижимлаганча болалари ёнига мук тушақолди...

Одинахон қайнонаси вафот этганда болаларини аравачага ўтказиб кўчага чиқариб қўйди. «Дадамизни бир кўрайлик»— деб қўйишмаганди улар. Лекин отанинг нигоҳи аравача томон сира тушмасди. Ногирон болалар кўзида ёш қалқиди. Ўзи шундоқ ҳам рангсиз юзлари баттар оқарди.

Одинахонга бу ҳовлидан теккан бир парча ерга ўзининг ота-онаси баҳоли қудрат икки хонали уй қуриб берди. Лекин бу ерда ногиронларга қараш учун ҳеч қандай шароит йўқ. «Уй олиш учун навбатда турибман. Шу ҳал бўлса қанийди. Болаларимни ювинтириш осон бўлармиди»—Одинахон опанинг истаги қаршисида жим қоламан. Нақадар қийин ва нақадар осон истак. Ахир, у Андижон шаҳри раҳбарларидан бойлик ёки ўз ороми учун нарса сўрамаяпти. Бор-йўғи қанчалаб бўш турган уйлардан бири болаларим учун берилармикин, деяпти, холос.

Мен негадир бу бардошли ва саботли аёлнинг биргина тилаги ижобат бўлишига ишонгим келади. Орамизда саховатли, яхшилик қилиб яйрайдиган, мурувватини дариғ тутмайдиган инсонлар кўп. Бир мард чиқиб, «Опажон, сиз жаннати аёлсиз, менинг иккита уйим бор, шунинг биттаси сизники» дейишига ишонгим келади.

Одинахон опанинг ҳар қандай бағритошни ҳам юмшатадиган сокин нигоҳига қараб уйга толаман: Опажон, ўзингиздаги бардошдан, сабрдан баъзи бировларга ҳам озгина ҳадя қилинг. Токи, тўрт мучаси соғ бўлиб, дили, тили бемор бўлган кимсалар ва маишат кўчасига кирган нопок аёллар ҳам ундан баҳраманд бўлсинлар, дейман.

Муҳаббат ОТАМИРЗАЕВА.

БЎРИ БОЛАСИ

Рўпарамда ўтирган қариянинг руҳи синиқ, хира тортган кўзларида нам. Дам-бадам кафти билан мижжаларидаги ёшни артар, ичидан қуюлиб келаётган оғир бир дардни ошкор қилмасликка ҳаракат қилаётгандай ютиниб қўярди.

— Отахон, нега бунча ғамгин кўринасиз?— сўрадим чолга зимдан боқиб.

— Қариганда хор бўлдим, болам,— деди у узоқ сукунатдан сўнг,— ишқилиб ўлигим кўчаларда қолиб кетмасин-да! Ҳаммасига ўзим айбдорман. Мана энди азобини тортаяпман.

Мен чолнинг ким, қаерлик эканини ва аччиқ қисмати ҳақида батафсил билиб олдим.У менга ҳаммасини гапириб берди, юрагини бўшатди. Балки бу ҳикоя бошқаларга ҳам сабоқ бўлар деган мақсадда уни газетхонлар билан баҳам кўришни лозим топдик.

...Ўшанда ўттиз ёшлар чамасида эдим,— чол ҳикоясини бошлади.— Айни билагимда куч, юрагимда ғайрат тўлган пайт. Узоқдан қорамни кўрган киши палончи бўри келяпти, деб ўзини панага оларди. Чунки, ўта қаҳри қаттиқ одам эдим. Кўзимга ёмон кўриниб қолган кишининг бурнини ерга ишқамасам таскин топмайдиган феълим бор эди. Билмадим, бу феъл менга кимдан ўтган. Энди буни боламда кўриб турибман. У ҳатто мендайин қадди букилиб қолган чолни ҳам аямайди.

Болам бировларнинг эшигида катта бўлган. Шундай бўлишига очиғи ўзим айбдорман. Онаси чиройли, келишган аёл эди. Уни тўй кечаси ўғирлаб қочгандим. Янги келинлик либосида. Тун ярмидан оғганда ҳамма уйқуда экан, секин деразадан тушдиму чимилдиқ ичида ётган куёвни бир зарб билан тинчитдим. Келин бечоранинг тили калимага келмай қолди. Даст кўтариб олиб чиқиб кетдим. Қий-чув, тўполон бўлди. Зўравонга кимнинг ҳам кучи етарди. Вақт ўтиб ҳамма тақдирга тан берди. Худо мени кечирсину, орамизда никоҳ ҳам бўлмаган. Қирқ кун уни уйдан чиқармадим. У ҳам бора-бора кўникиб кетди, пешонамда бори шу экан-да, деб қўя-қолди. Бундан бошқа нима ҳам қила оларди. Лекин ҳар гапининг бирида: «Никоқ қилдиринг, катта гуноҳга ботаяпмиз, мабодо бола туғилса худонинг қаҳрига учраймиз», деб ялиниб-ёлборарди. Мен аҳмоқ эса билмадим, ғururим йўл қўймасмиди, ёки худони танимасмидим, ишқилиб никоқ ўқитмадим.

Ниҳоят бола ҳам дунёга келди. Лекин боламиз каттагина бўлиб, айни ширин пайтида мени шайтон йўлдан урди. Хотинимдан шубҳа қила бошладим. Назаримда у ёмон йўлга кириб кетаётгандай туюлаверди. Рашк касали мени кундан-кунга ўз домига тортаверди. Қилдан қийиқ ахтариб, бечорани ҳар куни дўппослардим. Ўзим бир суюқоёққа илакишиб қолгандим. Энди ўйласам, ўша мени йўлдан оздирган экан.

Чилла пайти эди. Ярим тунда уйга қайтдим. Озгина чилим тортгандик. Ўзингизга аён, ёмоннинг дўстлари ҳам ўзига ўхшаган бўлади. Бир дўстимникида ошиқ отиб, қимор ўйнадик. Кейин шайтон кўнглимга ғулғула солди. Уйингга бор, хотинчанг жазмани билан айш қиляпти, деган фикр бошимда чарх ураверди. Шунча ўзимни қўлга оламан дейман, бўлмайди. Ахири шиддат билан уйга жўнадим. Кўча эшикни очишга ҳам қаноат қилмай девордан ошиб тушдим. Ҳовлига тушишимни биламан қоронғуликда, боғнинг нариги бурчагида бир шарпа деворга тирмашди ва бир сакраб кўздан ғойиб бўлди. Кўнглим ғулғула қилгани бекор эмас экан, деб уйга томон чопдим. Деразанинг тирқишидан қарасам, хотиним ва ўғилчам уйқуда ётишибди. Йўлига қилаяпти деб, уй эшигини зарб билан бир тепиб ичкарига кирдим. Хотиним қўрқиб кетганидан қотиб қолди. Бир шашт билан ёнига бориб шапалоқ тортиб юбордим. Дод солди. Бола уйғониб у ҳам чинқириб йиғлай бошлади. Ғазаб билан: «Овозингни ўчир, ҳароми», деб уни ҳам улоқтириб юбордим.

Билмай қолибман, қачон жони узилганини. Бир пайт ўзимга келсам, бечорагинам шалвираб ётибди.

Уйга ўт қўйсам барча балолардан қутулиб қолишим мумкин деб эшикнинг устидан беркитдимда, уйга ўт қўйиб чиқиб кетдим. Бола ҳам кўзимга кўринмади, у ичкарида қолиб кетганди. Лекин уй аланга олганда қўни-қўшнилар хабар топиб қолишибди. Барибир ичкари уйда жонсиз чўзилиб қолган хотиним жизғанак бўлиб кетибди, дод солиб ўзини эшикка ураверган мурғак боламнинг орқаси куйибди. Манзара даҳшатли эди. Шунда ўзимдан нафратланиб кетдим. Ўзимча одамлар мендан кўришадиган бўлишса, хотинимнинг эгриоёқлигини исботлаб бераман, деб тунда нимадир девор ошган жойга бордим. У ерда ит қолдирган издан бўлак белги йўқ эди. Шунда бошимга муштладим. Мен жазман деб гумон қилган ўша шарпа ит эканлиги аён бўлди. Шайтон васвасасига тушиб қилғиликни қилиб қўйганимга афсусландим.

Азани ўтказганимиздан кейин тун бўйи мижжа қоқмадим. Роса йиғладим.

Умримда биринчи маротаба кўзимга ёш келгани шу бўлса керак. Наҳс босиб юришнинг оқибати бошимга шунча қайғуни олиб келганди. Бунга амин бўлдим. Ўзим мелисахонага бориб ҳаммасини оқизмай-томизмай айтиб бердим. Шундай қилмасам ҳам бўлмасди. Чунки қилғиликни қилиб қўйиб яна уйда, болам олдида яшай олмасдим.

Қамоқда узоқ муддат ётдим. Совуқ юртларда дарахт кесдим. Ашаддий қотиллар, қонхўр кишилар билан олишдим, енгдим, енгилдим. Қайта-қайта қамалдим. Бора-бора менга очиқда юришдан қамоқ тузукроқ бўлиб қолди.

Бир куни ёшим ўтиб, белимдан қувват кета бошлаганини сеза бошладим. Ҳаётимнинг қолган қисмини очиқликда ўтказишни илтижо қилиб қолдим. Киши қаригандан кейин охират ҳақида ўйлайдиган бўлиб қоларкан. Беихтиёр менинг ҳам тилимга худонинг номи келаверди. Эй худо, мени ёруғликка чиқар, тоат-ибодатимни қилиб, умримнинг қолган қисмини ўз юртимда ўтказай, дедим. Оллоҳ мени ниятимга етказди. Ниҳоят озодликка ҳам чиқдим. Тутқунликка йиртқич ҳайвон ҳам тушмасин экан. Умримнинг ярмини қамоқларда ўтказганимга ўкинаман энди.

..Қишлоғимга кириб келганимда ўзимни тута олмадим. Тўғри қабристонга бориб, раҳматли хотинимнинг қабрини қучиб дод солиб йиғладим, кўнглим бўшатдим. Илоё шаҳидлар қаторида кетган бўлсин, бир калима дуони билмасамда қалбим тубида ётган энг яхши тилакларимни худодан сўраб ёлбордим.

Дилимда бир яхши ниятим бор эди: ҳовли-жойимни обод қиламан, ўғилгинам тирик бўлса уйлантираман, дегандим. Лекин мен бахти қаронинг бу ниятим рўёбга чиқмади. Уйга келиб бир тўнғиз-сифат одамга рўпара бўлдим. Унинг афти-ангори худди қуйиб-қўйгандек менинг ўзгинамга ўхшарди. У менинг ким эканлигимни билгач заҳрини сочди. Бўйнимга пичоқ қадаб пул топиб бермасанг сўйиб ташлайман, деди. Дод, деб унинг исканжасидан зўрға қутулиб қолдим. Маҳалла-кўй эшик тирқишидан қўрқув аралаш мўралаб туришарди, холос. Мени ажратиб қўйишга ҳеч кимнинг юраги бетламасди.

Ҳа, йиртқич қиёфасидаги одам менинг фарзандим эди. Ё алҳазар, наҳотки бўрининг боласи бўри бўлади, деган гап ҳақиқат бўлса. У қандай улғайган, кимнинг нонини еб катта бўлган — билмайман, лекин ўғирлик,ароқхўрлик, қингир юриб, тубан яшаётганлиги аён эди менга. Қингир юриб бир-икки йил ўтириб чиқишга ҳам улгурибди.

Мана шунақа гаплар. Бу ҳаётнинг тагида нима ётгани сизга аён бўлгандир. Жоҳил фарзандим мени бир неча йилдирки уйимга яқинлаштиргани қўймайди. Жойим маҳалладаги масжитда. У ерда тоат-ибодатимни қилиб, гуноҳларимни ювишга тиришаман. Фарзандимга инсоф тилаб худога илтижо қиламан.

Мен бу ерга келмай, ичимдаги дардни ҳеч кимга айтмай бу дунёдан ўтиб кетаверсам бўларди. Лекин боламга ачинаман, уни ёмон йўлдан қайтарсам дейман. Биргина уни эмас, унга ўхшаб беникоҳ туғилганлар кам, дейсизми?! Бу ҳақиқатни айтиб қўйиш менинг бўйнимдаги юк эди. Шуни айтиб одамларни огоҳ қилиш бурчим эди. Ҳеч ким мендек адашмасин.

Муҳиддин ОМАД,
Косонсой.

Диққат, мен йўлга чиқдим.

Қайнона-келин аҳилликда меҳнат қилиб, мўл пилла ҳосилини етиштиришди. Сурхондарё вилоятининг Ленин йўли районидаги Будённий номли хўжалиги пиллакорлари Бибиойша Бобомуродова ва унинг келини Хадича Кўчкелдиева бир қути ипак қуртидан 85 килограммдан пилла топширишди.

Сураткаш: Жўра БОБОРАҲМАТ.

ТАҚДИР СИНОВИ

ИШДАН қайтаётсам пойтахт олийгоҳларида бир вақтда ўқиган Баҳриддин учраб қолди. Ҳол-аҳвол сўрашгач:

— Юринг, бироз дардлашайлик,— дея йўл четидаги ўриндиққа бошлади.

Баҳриддин икковимиз ўриндиқ суянчиғига ястанганча ўтган — кетганларни эсладик. Шеригим гап орасида сал нарида хушҳол бораётган йигит-қизга ишора қилди:

— Анави жуфтни қаранг, оламда худди ўзларидан бошқа бахтиёр одам йўқдек. Боринки, турмуш қуришди ҳам дейлик, кейин қандай бўлишаркан?

— Бахтли ҳаёт кечиришсин. Бир-бировларига жуда муносиб экан.

Баҳриддин ҳафсаласизлик билан қўл силтади.

— Биттаси бизми, тўйдан илгари тўрт йил Тоҳир-Зуҳролардек учрашиб юрган. Бир кун кўришмасак гўё ўлиб қоладигандек эдик.

— Энди-чи?

Баҳриддин ҳазин жилмайди.

— Дунёнинг биз билмаган ҳангомалари кўп экан, дўстим. Хабарингиз йўқ, ярим йилдан бери бошқа-бошқа яшаяпмиз. Характеримиз ҳеч тўғри келмаяпти-келмаяпти-да. Хизматдан толиқиб бориб, уйда озгина ором олай, десанг ҳар куни галва. Арзимаган нарсадан жанжал чиқаради. Келишолмаган эр-хотиннинг биргаликда яшаши илон билан чаённинг бир идишда сақланишидек гап экан.

— Олдинига болаларни ўйлаб узоқ чидадим. Улар кўзи олдида қўйди-чиқди қилиб юрсак, уят, бўлар деб дала ҳовлимизга кетиб қолдим.

— Баҳриддин тузукми, ҳеч кўришмаймиз ҳам,— дедим атайлаб.

— Ўртоғингиз Робинзон Крузодек сўппайиб яшагилари кепти. Етимчалар сингари дала ҳовлида ёлғиз даврон суряптилар. У кишига ҳеч нарса ёқмайди. Дугоналарим ҳам, йилига бир марта дам олишга боришим ҳам. Одам дунёга икки марта келмайдику. Мен ҳам инсонга ўхшаб яшашим керакми, ахир?

Нима қилишимни билмай қолдим. Тақдирни тош билан ёриб бўлмайди, деганлар. Эр-хотинлик, бир ёстиққа бош қўйиш шундайин бир тилсимотки, унинг муаммолари олдида гоҳо ҳар қандай фозилу фузалолар ҳам ожиз қоларкан.

Ўша суҳбатимиздан сал фурсат ўтгач, Муҳаббатга дуч келдим. Дугонасига нималарнидир берилиб таърифлаб, хандон отиб кулар, ўтган-кетганнинг ўзига ҳаваcланиб қараб қўйишидан мамнун эди. Менга кўзи тушгач, тараддудланганини сездим. Саломлашдик.

Одамга ўхшаб яшаш... Буни ҳар ким ҳар хил тушунаркан. Яна бир жуфтни биламан. Улар бундан эллик йил илгари бир ёстиққа бош қўйишган.

Оила сарбони Абдулла Иномов ҳаёт йўлининг ўзи бир достон. Урушнинг биринчи тонгидаёқ душманни қўлда қурол билан қарши олди. Рота сиёсий раҳбари сифатида жангчиларни кўп бор жасоратга чорлади. Командирга ўқ тегиб йиқилгач, ротани ортидан эргаштириб ҳужумга бошлади. Уруш бошланган йилнинг декабрь ойидаёқ «Жасурлик учун» нишони билан тақдирланди. Кейинроқ оғир ярадор бўлиб сафдан чиқди.

Мураккаб дамларда фронтнинг ичкарисида, ички ишлар органларида ишлади. Наманган шаҳар милиция бўлимини бошқарди. Халқ хўжалигининг турли соҳаларида хизмат қилди. Бир неча йилдирки хотини оғир бетоб, Абдулла ака уни гўдакдек авайлаб-асрайди.

Унинг турмуш ўртоғини даволатиш учун бормаган жойи, нажот сўрамаган соғлиқни сақлаш тармоғи қолмади. Москвадаги энг машҳур докторларга мурожаат қилди. Жумҳуриятимизнинг таниқли невропотологи, профессор Наби Мажидов бир гал гап орасида:

— Касб тақозоси билан Ўзбекистонимизнинг узоқ-яқинига кўп борганман. Аммо Абдулла ака каби хотинининг соғлиғи учун жон куйдирган эркакни учратмаганман. Абдулла аканинг меҳр-муҳаббати билан Тошхон ая оёққа туриб кетдилар,— деганди қойил қолганини яширмай.

Қанийди, турфа ранг бу оламдаги ўзга жуфтлар ҳам Абдулла ака билан Тошхон аядек бир-бировларига меҳр-оқибатли бўлсалар!

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.

ТЕЖОҒЛИК ИШ — БЕЖОҒЛИК

● Пойабзалнинг чарми қотиб қолса унга канакунжут мойи суриб, сўнгра скипидарли бўёқ ёки пойабзал мойи суриб безатиш мумкин.

● Резина пойабзални сув билан ювиб, устига глицерин ёки ўсимлик ёғи суриб қўйинг.

● Пойабзалингиз оёғингизни қисса, уни кенгайтириш мумкин. Бунинг учун пойабзал ичига сирка суриб, ҳўллик пайтида кийиб юринг.

● Пойабзал чармининг юзаси бора-бора бўёқ ёки мой қатлами пайдо бўлиб, у пойабзални хунук қилиб қўяди. Уни скипидарга ботирилган пахта билан тозаланг. Бунда чармнинг ранги қорайиброқ қолишини унутманг.

● Локланган пойабзални сут шимдирилган пахта билан тозаланг. Пойабзал қуригач, унга ўсимлик ёғи суриб, юмшоқ латта билан артинг.

● Пойабзалнинг бадбўй ҳидини кетказиш учун марганцовка эритмаси (1 л. сувга 5—6 дона) билан ювиш ёки водород периксиди билан артиш керак.

● Пойабзал ғарчини камайтириш учун тагчармига бир оз зиғир ёғи суриб қўйилади.

● Локланган пойабзал хира тортиб қолса пиёз суви билан артсангиз аввалги ҳолига қайтади.

ҚЕКСАЛАР КЎНГЛИ НОЗИК

ЯНГИАРИҚ районидаги Коммуна қишлоғида яшовчи Саъдулла бобо Авазов айни етмишни қоралаб, белидан қувват кета бошлаган чоғида ёлғизланиб қолди. Отанинг тўнғич ўғли бундан анча йиллар муқаддам ҳарбий хизматга кетган, ўша ёқда уйланиб, бола-чақали бўлиб уйга қайтмаган. У ҳар замонда отага мактуб йўллаб, соғлиқ-омонлик сўраб тургувчи эди. Эндиликда ундан на хат, на бирор хабар бор. Саъдулла бобо сўнгги мактубни қачон олганини эслай олмайди. Фақат, кўмир конида фалокат рўй берганию, ўғлининг ногирон бўлиб қолганини билади, холос.

Шу-шу, отанинг бутун умиди, суянган тоғи иккинчи ўғли — кенжатойи бўлиб қолди. Эл қатори тўй-томоша қилиб, уни уйлантирди. Неваралар кўрди. Минг шукрки, орзу-армонлари ушалиб, невараларини тиззасига ўтқазиб суйиб-эркалаш, ёлғиз ўғлининг камолини кўриб қувониш унга ҳам насиб этди. Бироқ узоғидан суюнтирсин, деб бежиз айтишмас экан. Суянган тоғи бемаврид қулади. Шум ажал яккаю ёлғизига чанг солди.

Фарзанд доғи ёмон дард. Жигарпорасини қора ерга қўйиб, Саъдулла бобо озмунча дард чеккани йўқ. Лекин тақдирга тан бермай иложинг қанча? У ҳам қисматим шу экан-да, ким тақдир-насибадан қочиб қутулибди, дея ўз-ўзини юпатди. Тақдирга тан бермоқ инсоннинг таслим бўлгани эмас, ахир. Бу фақат азоб-уқубатлардан эзилиб чарчаган, аммо ҳали яшашдан умидвор, ҳали ҳаётга тўймаган кишининг кураш усули, холос.

Энди Саъдулла бобонинг бирдан-бир илинжи, ягона юпанчи — неваралари. Мабодо, ризқ-насибаси тугаб, бандаликни бажо келтирган тақдирда чироғини ёқадиган ҳам, дуо - фотиҳа қилиб ўтирадиган ҳам шулар. Чамамда бундан бобонинг кўнгли тўқ. Чамаси деганимнинг боиси шундаки, биз отахонни йўқлаб борганимизда уйланимиздан ўзгача аҳволга дуч келиб, анча хафа бўлдик. Ўзингиз мулоҳаза юргизиб кўринг-а, наҳотки, битта том остида бобо ва неваралар бошқа-бошқа яшашса?! Ахир бу қайси аҳлоққа тўғри келади? Қайси имон-эътиқод буни оқлаши мумкин? Этни тирноқдан ажратиб бўлмайди-ку, ахир!..

Агар таниш-билишлари Саъдулла бободан ҳол-аҳвол сўраб қолишса, у:

— Ўнгишиб ўтирибмиз,—, дейди қисқагина қилиб. На бировни ёмонлашга, на кимдандир кўнгли қолганини айтишга тили айланмайди. Худога солади. Ундан нажот кутади. Чунки, Саъдулла бобо учун ундан-да улуғроқ, ундан-да қудратлироқ куч йўқ.

Саъдулла бобо яшаётган уйнинг орқа томонига ўтсангиз, даставвал, парда тутилган эшикка нигоҳингиз тушади. Сўнгра эшик олдида ётган сабзи пўчоқларини, парда ортида кечки овқатга уннаётган жувоннинг шарпасини пайқаб, кўнглингиз алланечук бўлиб кетади. Шу тобда томоғингизга нимадир тиқилиб келади-ю, бобо яшаётган уйдаги ашқол-дашқолларнинг бари — темир каровотдан тортиб, темир печкагача — кўз ўнгингиздан бир-бир ўта бошлайди. Шунда ҳужрадаги ҳар бир нарсага ёлғизликнинг, мискинликнинг нуқси урганлигини чуқур ҳис этасиз Ҳар бир буюмда эркакнинг уқувсиз, тўмтоқ бармоқларининг изи борлигини кўрасиз...

Адолат назари билан қараганда бобонинг келинига ҳам осон деб бўлмайди, албатта. Кўз очиб кўрганидан не-не орзу-ҳавасларини дилига тугиб бир ёстиққа бош қўйган умр йўлдошидан бевақт жудо бўлган ёшгина жувоннинг изтиробларини таърифлаш мушкул. Лекин отанинг ҳам дарду ҳасратлари, изтироблари уникидан кам эмас. Шундай экан, бирбирини тушуниб, меҳр-оқибатли бўлиб, инсоф ва диёнатни қалбга жо қилиб яшаш маъқул эмасмикан?

Ҳали заминда диёнатнинг оти ўчмаган, ҳали меҳр-оқибат юракларни бутунлай тарк этмаган. Йўқса, ҳозирги кунларда Саъдулла бобога ўхшаганларнинг ҳоли не кечарди, тасаввур қилиш қийин. Яхшиямки, унинг бахтига шу эл, шу элат бор. Яхшиямки, ҳамдард инсонлар кўп. Улар бобога қайда дуч келиб қолишмасин, кўча-кўйдами, тўй-маъракадами, бирор оғиз илиқ сўз айтиб, қариянинг хаста кўнглига малҳам бўлишади. Гоҳо-гоҳо юмушларини бажариб дуо оладиганлар ҳам топилади. Ахир бунинг савобига не етсин!.. «Коммуна» қишлоғи ҳамда жамоа хўжалиги раҳбарлари ҳам бу савоб ишдан четда қолаётганлари йўқ. Ёлғиз яшовчи қариялардан Раззоқ бобо Жабборов ва Тожигул момо Қаландароваларнинг уй-жойлари бепул ремонт қилиб берилди Айниқса, жамоа аъзоларининг йиғилишида меҳр-шафқат жамғармасига беш минг сўм пул ўтказишга қарор қилингани, ёлғиз яшовчиларга қўшимча нафақа тайинланганини, оз бўлсада, ғамхўрлик ифодасидир.

— Ҳозирги кунда қишлоғимизда ўн тўрт нафар қария ёлғиз яшамоқда,—дейди қишлоқ кенгаши ижроия қўмитаси раиси Рустам Бобожонов.— Имкони борича, уларнинг ҳол-аҳволидан хабар олиб турибмиз. Икки қизимиз — Олия Машарипова билан Нодира Бобожонова ҳар доим хизматда туришибди. Қарияларнинг неки юмушлари бўлса бажариб, дуо олишмоқда. Шунингдек, «Коммуна» ўрта мактаби ёшлари ҳам мададга муҳтож кексаларни оталиққа олишган. Ўзимиз эса, ёрдам тариқасида кийим-кечак, калиш, кўрпа-тўшак, чойнак-пиёла ва шунга ўхшаш бошқа нарсаларни тарқатдик. Ҳуллас, уларни ранжитмасликка тиришяпмиз.

Рустам аканинг гапларида жон бор. Саъдулла бободек дардманд инсоннинг қалбига йўл топиш, ғам юкини енгиллатиш осон эмас.

Юсуфбой ЛАТИПОВ,
Хоразм вилояти.

Адолат тарозиси

ХАЛҚИМИЗГА аталган насиба ўзга юртлар бўйлаб сочилиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида товар-моддий бойликларни олиб чиқиб кетишни назорат қилувчи давлат инспекцияси ташкил этилгандан буён ўтган етти ой мобайнида 444 миллион сўмликдан зиёд товар-моддий бойликлар ушлаб қолинди. Шу йилнинг май ойига қадар 98 миллион 670 минг сўмлик товар-моддий бойликлар давлат фойдасига мусодара этилиб, 4216 кишига 1,2 миллион сўмлик жарима солинди. Шу жумладан, 298 нафар мансабдор шахсдан 201 минг сўм ундириб олинди.

Товар-моддий бойликларини олиб чиқиб кетишнинг белгиланган тартибини бузиш ҳоллари кўпроқ Тошкент шаҳри, Андижон, Хоразм, Сурхондарё, Тошкент, Наманган вилоятларида кўзга ташланмоқда. Президентимиз ва ҳукуматимиз республика халқи оғир аҳволга тушиб қолмасин, деган мақсадда не-не қийинчиликлар билан топтириб келаётган озиқ-овқат маҳсулотлари баъзи нафси ўпқон кишилар томонидан талон-тарож қилинаётганлиги кишини ниҳоятда афсуслантиради.

Фикримнинг исботи сифатида айрим мисолларга мурожаат қилмоқчиман. Фарғона вилоятининг Тошлоқ районидаги «Ленинград» жамоа хўжалигига қарашли 34—38 ФЕЛ давлат рақамли «МАЗ-500» машинаси текширилганда ҳайдовчи Бакиров 10,2 тонна қандни Қирғизистон Республикасининг Ўш вилоятига олиб кетаётганлиги маълум бўлди. Ҳамқишлоқларига «ортиқчалик» қилган қандни Тошлоқ районининг Заркент матлубот жамияти жўнатган экан.

Тошкент вилоятида эса республика худудидан ташқарига йўл олган 240 минг сўмлик пахта мойи ушланди. Гулистон ёғ-мой заводидаги ҳотамтойлар 10 тонна мойни Қирғизистонга юборишаётган экан.

Жиззах вилоятида эса Жеттисой шаҳридаги 21-автотранспорт корхонасига қарашли 52—66 ЧМР давлат рақамли «КаМАЗ-5320» автомашинасини текширишга тўғри келди. Маълум бўлишича, унинг ҳайдовчиси О. Қолибоев Арнасой район матлубот жамиятидан харид қилинган 8,5 тонна пахта мойини рухсатсиз Жеттисой шаҳрига олиб кетаётган экан. Юк мусодара қилиниб, матлубот жамияти раиси Р. Қунаровга жарима солинди.

Бугун дўконларимизга қадам ранжида қилган харидорлар ёғ билан бир қаторда чойга ҳам интиқдирлар. Лекин Самарқанд шаҳридаги чой қадоқлаш фабрикасининг масъул ходимлари чойни қўшни республикаларга жўнатиш билан банд эканлари маълум бўлди.

Баъзан текширишларимиз давомида четга олиб кетилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг эгалари чиқмай қолмоқда. Чунки жиноят фош бўлишидан чўчиган кимсалар секингина ундан воз кечишмоқда. Улар нотўғри иш қилганлигини билиб қонун олдида жавоб беришдан чўчишаяпти. Масалан, темирйўлнинг Ургенч шоҳбекатида ўтказилган текширишда 870 килограмм сариёғ топилди. Поезд жўнаб кетгандан сўнг ҳам унинг эгасидан дарак бўлмади. Тошкент шаҳридаги «Уч қаҳрамон» постида Тошкент-Бишкек маршрути бўйлаб қатнайдиган «Икарус» автобуси юкхонасидан 2 тонна пахта мойи чиқди. Жавобгарликдан чўчиган юк эгаси эса дамини чиқармай қўяқолди. Тошкент Волгоград йўналишида қатнайдиган поезднинг юкхонасига яшириб қўйилган 500 килограмм қанд ҳам эгасиз чиқди.

5 май куни эрталаб Ховосдаги темирйўл бекатида бир контейнер кўздан кечирилди. Арманистон Республикасига жўнатилаётган шу контейнердан 16,4 минг сўмлик саноат моллари, 303,7 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари топилди. Шуниси қизиқки, унинг ҳам эгаси чиқмади. Юк қонунга хилоф равишда олиб чиқиб кетилаётгани учун мусодара қилинди.

Эгаси номаълум озиқ-овқат маҳсулотларини болалар ва қариялар уйига топширмоқдамиз. Бу моллар ҳаммамизнинг насибамиздир.

Бухоро вилояти худудида 11 май куни ходимларимиз томонидан янгинги 6 та — «КаМАЗ», «МАЗ», «КРАЗ» ва «ПАЗ» белгили автомашиналардан иборат замонавий карвон йўлига тўсиқ қўйилди. Бу машиналар Зарафшон шаҳридаги «Монтажник» ширкатига қарашли эди. Лекин ширкат раиси Г. Борисов, бош бухгалтери В. Банцевичлар ҳали бўёқ ҳиди анқиб турган бу машиналарни Ульяновскга олиб кетишга бел боғлашган экан. Тахминий нархи 1,5 миллион сўм турадиган машиналар давлат ҳисобига ўтказилиб, «Монтажник» раҳбарлари бўйнига жарима илинди.

Постларда ўтказилаётган текширишлар маҳсулот айирбошлаш (бартер) нақоби остида ҳам республикадан кўп миқдорда товар-моддий бойликлар олиб чиқиб кетилаётганини кўрсатмоқда. Айрим ишбилармонлар, кооперативлар, корхоналар раҳбарлари олис ўлкаларга озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар жўнатишни шартнома асосида қилаяпмиз, улар эса бизга бошқа зарур жиҳозларни беришади, деган баҳонани рўкач қилмоқдалар. Биз ҳукумат топшириғига кўра маҳсулот айирбошлашнинг самарасини кўздан кечирдик. Шу нарса маълум бўлдики, айирбошлаш шартномасини фақат юртдошларимизгина елиб-югуриб, астойдил бажаришмоқда.

Масалан, 212 та ташкилотнинг товар айирбошлаш ҳақидаги 484 та шартномаси ўрганиб чиқилди. Бу шартномаларда назарда тутилган айирбошлаш бўйича Ўзбекистондан четга 169 миллион 442 минг сўмлик маҳсулот ва хом ашё жўнатилиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатлардан атиги 87 миллион 530 минг сўмлик маҳсулот олинган холос.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, товар айирбошлаш ҳақидаги шартномаларни тузиш пайтида мансабдор шахслар томонидан ғаразли жиноятлар содир этиш сони ўсиб бормоқда. Текшириш натижасида 4 та жиноий иш қўзғатилди, 7 та факт бўйича материаллар тергов идораларига берилиб, қўшимча текшириш ўтказилмоқда. Унинг якуни бўйича қонун асосида зарур чоралар кўрилади.

Товар-моддий бойликлар олиб чиқиб кетилишини назорат қилиш давомида ходимларимиз томонидан қатор бошқа ҳуқуқбузарликлар ҳам аниқланди. Фаолият кўрсатишга киришганимиздан буён 260 та жиноят очилиб, уларнинг 108 таси юзасидан жиноий иш қўзғатилди, 118 таси юзасидан тўпланган материаллар эса текшириш учун тегишли ички ишлар идораларига жўнатилди.

Яқинда сергак ходимларимиз Бекобод шаҳрида Тошкент вилояти юк транспорти бирлашмасининг 16-транспорт корхонасига қарашли «ГАЗ-52» белгили 65-13 ТШП рақамли автомашинани тўхтатдилар. Унда Тожикистон Республикасининг Нов районига 538 килограмм гўшт олиб кетилаётгани аниқланди. Юкни Бекобод шаҳар умумий овқатланиш трестининг омбор мудири Ш. Тўрақулова кузатиб бораётган экан. Сафар шу ерда қариди. Давлат мулкини ўта йирик миқдорда талон-тарож қилган тошкентлик А. Ткаченко устидан эса жиноий иш қўзғатилиб, тегишли тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Республикамиз ички истеъмол бозорини ҳимоя қилишни янада кучайтириш учун давлат инспекцияси олдида турган қатор муаммоларни зудлик билан ҳал этиш керак.

Биринчидан, ҳисоб-китобларга қараганда, биз ҳозирги 60—70 фоиз юкни ушлаб қолмоқдамиз. Бу кам, чунки катта худудга эга бўлган республика чегараларини қўриқлаш учун ажратилган куч оз. Республикада 80 минг километрдан зиёд автомобиль йўллари, ўнлаб темирйўл бекатлари, қўналғалар мавжуд. Чегараларимиз узунлиги бир неча минг километрни ташкил этади. Шу туфайли шахсий таркибимизни камида икки марта кўпайтириш керак.

Иккинчидан, давлат инспекциясига моддий-техника ёрдами кўрсатиш ҳақидаги кўплаб топшириқларни вазирликлар, идоралар, ҳокимиятлар тўла бажармаяптилар.

Шунга қарамай биз олдимизга қўйилган мураккаб вазифани адо этиш, халқимиз ризқини қийиб, унинг оғзидаги ошини олиб кетишга уринаётган ҳаромхўрлар пайини қирқиш йўлида куч-ғайратимизни аямай сарфлайверамиз.

Суҳбатдош: Турғун НАЗАРОВ.

ХАЛҚНИНГ НАСИБАСИ ҚИЙИЛМАЙДИ



Серқуёш диёримиз заминида етиштирилаётган, саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган, не-не машаққатлар билан қўшни республикалар ва чет эллардан халқимиз турмуш даражасини яхшилаш учун келтирилаётган маҳсулотларнинг катта қисми ташқарига турли йўллар билан ташиб кетилаётганлиги беихтиёр кишиларда норозилик хисларини кучайтирмоқда. Шу боисдан ҳам республика Вазирлар Маҳкамаси ташмачиликлардан ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузурида товар-моддий бойликларини олиб чиқиб кетишни назорат қилувчи давлат инспекцияси ташкил қилган эди. Мазкур давлат инспекцияси бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция генерал-майори Ўрайим АБДУҒАНИЕВ мухбиримизга ташмачиликка қарши кураш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.



Яқинда Тошкент вилояти ҳамда Қозоғистон Республикасининг Чимкент вилояти чегарасида жойлашган «Ғишт кўприк» постида журналистлар билан давлат назорати ходимларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда журналистлар ўзларини қизиқтирган жуда кўп саволларга жавоблар олдилар, транспорт воситаларини текширишда ўзлари бевосита иштирок этдилар.

Суратларда: қўлга туширилган навбатдаги дори-дармонлар, шаҳарлараро қатновчи автобуснинг юкхонаси кўздан кечирилмоқда ва назоратчилар фойдаланадиган текшириш асбоблари.

Суратқаш: Нуъмон МУҲАММАДЖОНОВ.

Умри азиз

ЯЙРА ОПА, ЯЙРАБ ЁЗИНГ

БИЗ, журналист аёллар агар кичкинагина бўлса-да, бир сафга тизилсак, ўша сафнинг бошига мен журналист Яйра Саъдуллаевани қўяр эдим. Самимийлиги учун, оз бўлса ҳам юракдан, жўшиб ёзгани учун, матбуотга садоқати ва яхши мураббийлиги учун.

Яйра опа озми-кўпми ёзганларимни кузатиб боради. Чин дилдан табриклайди. Жим бўлиб кетсам огоҳлантиради. Руҳим тушган пайтларимда далда беради, юрагимга чўғ ташлайди. Китобларим нашр этилганида астойдил суюниб табриклайди.

Бир мен эмас, журналистлар Қутби Носирова ёки Тамилла Қосимова, Раҳима Шомансурова ёки Ойдин ҳам Яйра опа ҳақида худди шу гапларни айта олишлари мумкин.

Республикамиз телевидениесида кўп йиллар ишлаган журналист Тамилла Қосимовага тазйиқ ўтказиб, унинг яхши ишларига ноўрин баҳо беришди. Тамилла ишдан кетди. Худди шу чоғларда Яйра опа Тамиллани топди. Бир оғиз гап билан унинг кўнглини кўтариб, ижодга қайтарди. «Сиз яхши ҳикоялар, қиссалар ёзинг, бизга олиб келинг «Ғунча»да босамиз» деди.

Тамилла Қосимова ижодга киришди. Унинг ҳикоя ва жажжи қиссалари «Саодат», «Гулхан», «Ғунча»да босилди. У ҳатто кинодрама ёзди ва бу драма асосида тўрт серияли фильм яратилди. «Билмадим, Яйра опамнинг бир оғиз далдаси бўлмаса, руҳим тушиб, фақат уй ишлари билан шуғулланиб юрган бўлармидим» дейди Тамилла.

* * *

РОППА-роса ўттиз йилдан бери Яйра опа матбуотга хизмат қилади. Қўлидан келганча, аммо чин дилдан ишлайди, қалам тебратади.

— Журналистикага қандай қизиқиб колгансиз?—сўрайман Яйра опадан суҳбат чоғида.

— Шу... жуда оддий бўлган,— дейди Яйра опа одатича қиқирлаб кулиб.— Мактабда ўқиб юрганимда «Ёш ленинчи» газетасини (ҳозирги «Туркистон») жудаям яхши кўрардим. Дарсдан қайтгунимча хат ташувчи амаки уйимизга газетани ташлаб кетарди. Келибоқ уни кўлимга олардим, ўқирдим. Ана шундан кейингина дарс тайёрлардим. Кейин... Шу газетанинг кандай тайёрланишини ўйлаб юрагимда унда ишлаш орзуси пайдо бўлди. Дорилфунунда ўқидим...

Яйра Саъдуллаева иккинчи курсда ўқиётганидаёқ ўша ўзи севган газетанинг жамоатчи мухбири бўлди. Топшириклар олиб, ёза бошлади. Ўқишни битиргач, шу газетанинг маданият бўлимида ишлади. Орадан икки йил ўтгач, муҳаррир ўринбосарлигига тайинланди. Озроқ ишламай, чўлга ишга кетди. У Сирдарё вилояти Ильич районидаги Герман Титов номли совхоз комсомол кўмитасининг котиби бўлиб ҳаётни ўрганди.

Чўлда, қийин шароитда фақат Яйрахондек иродали, шижоатли, бир сўзли қизларгина ишлаб кета олиши мумкин эди. У ёшларни олға бошлаб бора олди, уларнинг юрагида меҳнатга муҳаббат, келажакка ишонч туйғуларини мавжлантира олди. Энг муҳими у яратиш ва яшнатиш завқ-шавқини, қийинчиликларини, ёшлик романтикасини ўз кўзи билан кўрди. Жўшиб ишлаб юрганида, Яйра Саъдуллаевани Тошкентга чақириб қолишди. «Гулхан» журнали бош муҳаррири вазифасига тайинлашди. Узлуксиз етти йил «Гулхан»ни бошқарди. 1971 йилдан эса азиз болажонларнинг янада севимли журнали «Ғунча»га раҳбарлик қила бошлади. Ишдан бўш соатларида чўл хотираларини қоғозга туширди. Қатор-қатор очерклар ёзилди. «Ҳаётнинг бир варағи» номли китоб яратилди.

— Эҳ, нимаики ёзган бўлсам...— дейди Яйра опа ҳаяжон билан,— ўша Мирзачўлда меҳнаткаш деҳқонлар билан бўлган мулоқотим мевасидир. Ўша вақт ҳаётимнинг энг ёрқин саҳифаларидан бири бўлиб колди. Ҳа, журналист ҳаётни яхши билсагина, одамларни чин дилдан севсагина ёза олади. Ҳозир ҳам идорада диққинафас бўлганимда бирдан отланиб, икки-уч кунга бўлса-да далаларга чиқиб кетаман. Ўша боладай беғубор, содда пахтакор дугоналарим билан чақчақлашиб суҳбатлашаман. Қайтгач яна нимадир қоғозга тушади.

Яйра Саъдуллаеванинг «Аёл қадри», «Олтин бахтим», «Она кўнгли», «Кўзлари хумор» каби катор китоблари, «Тошкент оқшоми» ва «Ёш ленинчи» газеталарида босилган аҳлоқ мавзуидаги ўнлаб мақолалари ўша юзма-юз учрашувлар, ёзнинг иссиғию қишнинг совуғида толиқиб юришлар, синчков суҳбатлар мевасидир. Аччиқ меҳнатнинг меваси ширин бўлади...

ДЕЯРЛИК ярим миллион нусхада чоп этилаётган «Ғунча»ни ой сайин тайёрлаш осон эмас. Болажонлар дунёсига кириб бориш, улар билан журнал орқали мулоқотда бўлиш учун доим янги услуб, янги сўз, янги рукн ўйлаб топиш, тинмай изланиш керак. «Ғунча» журналини варақласангиз, бири-биридан қизиқарли мавзуларга кўзингиз тушади. Яйра опанинг таклифи билан ташкил этилган «Ғунчаойнинг олтин сандиғи» рукнини ўқиб, «Ие, бу сандиқда нима бор экан?» деб ҳамма болалар қизиқиб қолади ва халқ оғзаки ижоди намуналари билан танишиб боради. Ўша машҳур «Алпомиш», «Авазхон», «Кунтуғмиш», «Ширин-шакар» каби ўнлаб достонларнинг жасоратли, мард қаҳрамонлари болаликда

қандай бўлишган? Уларнинг камолот йўли қандай кечган? Достонларнинг ана шу саволларга жавоб бўладиган энг қизиқарли қисмидан парчалар бериб борилаяпти. Бу — «Ғунча» ўқувчиларини халқ оғзаки ижодига қизиқтириш билан бирга уларнинг ўша достонлар қаҳрамонлари каби довюрак, меҳнатсевар, ростгўй инсон бўлиб улғайишларига ёрдам бераяпти.

Яйра опа редакцияга келган ҳар бир хат билан аввало ўзи танишиб боради. «Ғунча» га келган хатларга узоғи билан бир ҳафта ичидаёқ жавоб ёзиб жўнатилади. Ахир биз болаларни тез ишлашга, ҳозиржавоб бўлишга ўргатишимиз керак. Қарангки, «Ғунча» билан мулоқот туфайли Тошкент вилоятининг Оққўрғон районидан ўқувчи қиз Наргиза Мамадалиева «Сехргар бўлсам» деган ҳикоя ёзиб юборди ва бу ҳикоя журналда босилиб чикди. Шуниси қизиқ-ки, ҳикоянинг тагига мухаррият томонидан «Болалар, сиз агар сехргар бўлиб колсангиз нима килардингиз?» деб ёзиб кўйишди.

Хат ёғилиб кетди. Болаларнинг ҳам дарди тўлиб-тошиб ётган экан. Хатларни саралаб «Ғунча» да эълон қилишди. Масалан, бир ўқувчи «Агар мен сехргар бўлсам дарслик китоби ва дафтарларни кўпайтирардим», деб ёзса, иккинчиси «Қўғирчоқ театримизга ҳархил қўғирчоқлар олардим» дейди. Ҳанифа деган қизалоқ: «...Барча ёмон кишиларни яхши ва меҳрибон кишиларга айлантирардим» деб ёзибди.

«Ғунча» болаларни табиатни севишга, кадрлашга, ҳар бир туп гул ва ниҳолни парваришлай билишга, кексаларни ҳурмат қилишга ўргатаяпти. Унутилган ўзбекча ўйинларни, яхши одатларни, ўзбекона кийинишни болаларнинг ёдига солаяпти.

Ҳа, Яйра Саъдуллаева мана йигирма йилдирки, «Ғунча»га муҳаррирлик қилиб, болалар қалбига ҳам, муҳарририят жамоаси қалбига ҳам йўл топа олган инсондир. У ҳар бир ходимни ишга солишни билади. Дидига, характерига қараб иш тутади. Энг мураккаб масалалар ҳам унинг бошчилигида тинч, оқилона ҳал қилинади. «Ғунча»ни болаларимиз қатори биз катталар ҳам севиб ўқиймиз.

Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Яйра Саъдуллаева ҳали жуда кўп нак юракка бориб етадиган лавҳа ва очерклар ёзади, «Ғунча»га янги сўз, янги саҳифалар қўшади. Бунга ишончим комил.

Санъат МАХМУДОВА

Бу суратга қараб, гўзалликни яратган, азиз инсонни дунёга келтирган Она-табиатга, яратувчан Она зотига қуллуқ қилгинг келади. Бунчалар сулувликни, бунчалар нафисликни, бунчалар зеболикни ато этган аллоҳга шукр. Қолаверса, қизгинанинг чиройига чирой кўшган инсон қўллари билан яратилган мўъжиза — зеби-зийнатлару гўзал либослар, нақшдор дўппи унга қанчалар ярашганини ўзингиз айтинг.

Таърифига сўз излаганимиз, исми-жисмига мос Шохсанам Ражапова Ғузор шаҳридаги 2-маданий уйининг «Сойқал» дастасида раққоса. Шохсанам «Интизор», «Завқим келур», «Бухороча занг», «Мустаҳзод», «Кўзларингни яширма» рақсларини ижро этганида дилингиз яйрайди. Кўзингиз кувонади.

Ҳаётинг ҳам, босган қадамларинг ҳам гўзал бўлсин, Шохсанам.

Ж. БОБОРАҲМАТ олган сурат

АЁЛЛАРНИ АСРАНГ, ЭРКАКЛАР

Бир кун сен бўлмасанг, рўзғорим таранг,
Ҳувиллар хонадон, бўм-бўш саҳродай.

ҲА, аёл дунёдаги энг буюк зотдир. Ҳаётда уларни ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди. Ҳозиргача аёлларимиз жасорати ҳақида беҳисоб асарлар яратилган, яратилмоқда. Улар ҳақида қанча ёзмайлик, барибир кам. Аёлнинг жони қирқта бўлади, деб таъриф қилишади. Менимча, юзта бўлади, дея айтсак ҳам оз. Чинордай чайир, ҳаёт машаққатларига бардоши пўлатдан ҳам мустаҳкам, иродали ўзбек аёлларини кўриб, уларга қойил қоламан. Булар бу қудратни қаердан олишаркин?

Оллоҳ буларга алоҳида куч-қудрат ато этаркан дейишади. Аёлларнинг бир кунлик уй юмушларига кетган вақтини эслайлик. Эрта тонгдан туриб ҳаракатга тушишади. Кўкда қуёш қандай ҳаракатда бўлса, аёл ҳам шундай ҳаракат қилади. У эрта тонгдан то қош қорайгунча елиб-югуради, тиним билмайди.

Мен шу ёшгача кўпгина оилаларнинг ҳаёт тарзидан бохабар бўлганман, тузларини татиганман, баъзиларига жуда ҳавасим келади. Баъзиларини кўриб эса дилимдан эзилиб кетаман. Ахир, оила бошлиғи оталик сўзини дариғ тутмасдан фарзандларига ширин гапирса, ёстиқдошини қадрласа, олам гулистон-ку.

Газетада ёзганларимни ўқиган бир қорақалпоқ қизи менга хат йўллабди. «Ароқ ичманг, дадажон!» деган шеърингизни ўқиб жуда хурсанд бўлдим. Уни мен ўйлагандек ёзибсиз, катта раҳмат. Дадам ҳар куни ичиб келиб ойимни уради, биз қўрқиб мўлтираб ўтирамиз».

Хонадон соҳиби шу тақлидда иш тутса, болаларининг тақдири нима бўлади? Афсуски, бундай оилаларнинг гувоҳиман. Бундайларга ҳам худо ўғил-қиз берган. Улар Оллоҳнинг бундай раҳматига шукр қилмасдан аёл шўрликни молдек калтаклайдилар, болаларга зўғум ўтказадилар.

Яқинда тумовланиб қолдим. Бахтга қарши шу куни аёлим зарур иш билан Тошкентга кетди. Кетиши олдидан кичик ўғлимга: «Келин-ойингга айтгин, болам, адангга чой дамлаб берсин, тушда эса мастава қилсин», дея тайинлади.

Эрта турдим. Иссиғим баланд. Қарасам, хонамга келин чой қўйиб кетибди. Тўғримда соат осиғлиқ, мили тинимсиз ҳаракатда. Газетхонлар мени тўғри тушунишларини истайман. Бу мақолада келинимни ёмонлаш эмас, уйда аёлим йўқлигидаги ҳаётни баён этмоқчиман. Соат 12.30 бўлди. Ўғлим чой ичиб мактабга кетди. Менга эса ҳеч нарсадан дарак йўқ. Кун шу зайлда ўтди. Воқеани аёлимга айтмадим. Тирикчилик экан, у яна эрталаб шаҳарга йўл олди. Кечаги ҳолат бугун яна такрорланди. Соат 3.50 да келиним косада мастава олиб кирди. Хаёлимдан ўтказдим: ё тушлик эмас, ёки кечкиси... Чунки мен овқат қилиб бер демовдим.

Аксарият, қайнона ва қайноталар келинга турли-туман ишга буюришни ўзига эп билишмайди. Келинлар тадбиркор бўлса ўзларининг ақли етиши шарт. Бу воқеани: асли икки кун хонадонида аёли бўлмаган бир эркакнинг тортган изтироби дея изоҳлаш мумкиндир.

Қайнота қўш келинли бўлса ҳам, ёстиқдошидан қўймасин, деган нақлни одамлар кўп ишлатишади. Мен шуларни ўйлаб:

— Аёлларни асранг, эркаклар, — дегим келади.

Баъзан аёлларини ўзидан олдинроқ у дунёга жўнатган эркакларни учратиб қоламан. Уларнинг руҳлари сўлғин. Балки ўз қилмишларидан изтироб чекиб, ҳар дақиқани пушаймон билан ўтказаётгандирлар... Нима деймиз, кам бўлса-да, шундайлар учраб туради. Ўнта ўғил ёки ўнта қиз ҳар қандай муруввatчилик қилмасин, эр киши учун ҳаётдан эрта кўз юмиб кетган умр йўлдошининг ўрнини боса олармикан?!

Яна такрор:

— Аёлларни асранг, эркаклар! — дея илтижо қилгим келади. Аёлни асрамоқ аслида ўзингни ва фарзандларинги асрамоқ демакдир. Бошимга келган икки кунлик енгил дард сабабли шу мақолани ёзишимга тўғри келди:

— Аёлларни асранг, эркаклар!

Асом ЗИЁМАТОВ,
Паркент райони, Чанги қишлоғи,
Муқимий номидаги 11-мактаб.

Хатлар - ҳаёт ойнаси

ҲИМОЯҚЎМ

ТУРСУНҚУЛ ака табиатан тўпорироқ туюлса-да, одамга жуда меҳрибон. У кишининг меҳрибонликлари ҳақида кўпроқ гапиргим келади.

Уни дастлаб 1-шаҳар поликлиникаси касаба уюшма қўмитасига раис этиб сайлашди. Ўша ерда шифокорлиги қолиб кўпроқ касаба қўмитанинг ишларига ўралашиб қолди. Ўн йиллаб навбатда турганлар «ҳимоякўм»га ҳалол ва ҳақгўй одам келгач квартиралик бўлишди, ёрдам пуллари олишди. Икки йилдан сўнг Турсунқул Жўракуловни «Голодностепстрой»нинг тиббиёт-санитария қисмининг касаба уюшма қўмитасига раҳбар этиб сайлашди. 1700 кишилик уюшмага шаҳар медицина ходимлари уни талаб қилиб олишди. Ихтиёрида бир нечта поликлиника, шифохона ва физиотерапия даволаш муассасалари бўлган йирик даргоҳда унинг кадами қутлуғ бўлди. Унга одамлар шифокорлигидан кўра кўпроқ ҳимоячи сифатида мурожаат этишадиган бўлишди.

— Шаҳарда кўпчиликни квартира масаласи қийнайди,— дейди Т. Жўракулов.— Қасабақўмда ишлаш оғир. Холис бўлмасангиз дарров норозилик туғилади. Биз доимо ҳақиқатни талаб қилаяпмиз. 1990 йили ходимамиз Роза Сагитовага суд аралашгач квартира олиб бердик. Гинеколог врач Асанова ҳам навбатда йиллаб туриб уй ололмаган эди . У ҳам янги уйлик бўлди. Буларни кўятуринг. Шу йил март ойида меҳр-шафқат фонди очдик. Ҳозир фонд анча бойиб қолди, Наврўз арафасида баъзи беморларимизга ёрдам пули ва Гулистондаги 27-болалар уйида 14 боланинг суннат тўйига ўз ҳиссамизни қўшдик. Тиббиёт ходимлари Янгиер шаҳар касаба уюшма қўмитамиз қошида тузилган меҳр-шафқат фонди комиссияси тузилиб, унга болалар шифокори Руқия Аҳмаджоновани раис қилиб сайладик. Ҳисобимизда 38 та кам таъминланган оила, 8 та кўп болали оналар бор. Уларга ёрдам кўрсатиш — ҳам фарз, ҳам қарз. Муҳим бир нарсани таъкидламоқчиман. Пенсияга чиққан тиббиёт ходимларимизни қайтадан касабақўмга аъзо қилиб ҳимоямизга олаяпмиз. 3 киши шу тарзда аъзо бўлди. Агар улар аъзо бўлмай туриб даволанишгами ёки дам олишгами боришса, йўлланма ҳақини 100 фоиз тўлашлари керак. Аъзо бўлса, бизга 22 сўм тўлайди, вассалом. Чунки, ихтиёримизда вилоят физиотерапия ва сил касалликлари шифохоналари Янгиер қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатининг профилакторияси (иккаласи ҳам тиббиёт-санитария қисмига қарайди) бор. Бунга ҳеч ким қарши чиқмайди. Аксинча, раҳбарият қўллаб-қувватлайди. 1992 йили кассамизга 72 минг сўм бадал тушади. Бу сумманинг бир қисми кам таъминланган оилаларга, кўп болали оналар ва нафақадорларга ёрдам тарзида улашилади...

Шунақа гаплар. Янгиер тиббиёт-санитария қисми касабақўм раиси, кўз касалликлари бўлими врачи Турсунқул ака Жўракулов менга қилинаётган ишлар ва ташвишлар, режалар ҳақида тўлиб-тошиб гапириб берди. Ҳа, тошқинликда ҳикмат бор. Ҳар қалай дарёнинг ҳам тўлиб оққани яхши.

Убайдулло СИРОЖОВ,
Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳри.



«ИШОНЧ»НИНГ ҳар сонини орзиқиб кутаман. Ундаги «Биздан сўрабсиз», «Хатлар — ҳаёт ойнаси», «Адолат тарозиси», «Атторнинг қутиси» саҳифалари менга жуда ёқади. Бир неча сонда берилган «Тушлар таъбири»ни йиғиб ҳам қўйдим.

Колхозчилар билан суҳбатларда турли тортишувларга дуч келаман. Уларнинг кўпчилигига «Ишонч»нинг «Биздан сўрабсиз» рукни остида берилган материаллардан жавоб топаман. Газетани дарров колхозчиларга кўрсатаман. Мунозарамиз ҳал бўлади-кўяди.

МУНДАРИЖА БОЙИСИН

Кечагина йўргакда бўлган «Ишонч» бугун бир ёшга тўлибди. Барча мухлислари қатори мен ҳам газетани, унинг «Азизлар, адолатли, меҳр-окибатли бўлайлик!» деган шиорига содиқ қолаётган журналистларни ушбу айём билан чин дилдан қутлайман. «Ишонч» ҳамиша ўз номига муносиб, одамлар ишончига сазовор бўлсин! Одамлар кўнгилларидаги дардни, кундалик муаммоларини «Ишонч»га ёзадиган бўлиб қолдилар. Чунки газетанинг номи, эзгу нияти, қилаётган ишлари улуғ. Бу улуғлик абадий бўлсин!

Хўжалигимизда ўтган йили 10 киши «Ишонч»ни оларди. Бу йил эса обуначилар сони 60 га етди. Кейинги йили бундан ҳам кўпайишига имоним комил.

Якинда газета муҳарририятининг газетхонларга қарата мурожаатини ўқиб қолдим. Ҳозирги иқтисодий шароитда газета ҳам газетхонлар мададига мушток экан. Биз ҳам имконимиздан келиб чиқиб газетага ёрдам бериш йўлларини излаяпмиз.

Газета эл оғзига тушиб қолди. Бундан буён унинг мундарижасини яна ҳам бойитиш керак. Газетада тарихимиз, эски ёзувларни тиклашга оид муаммолар, инсонларни азиз тутувчи, ёшлар тарбиясида муҳим роль ўйновчи Ислом таълимоти ҳақида кўпроқ материаллар бериб борилса яхши бўларди. Одоб-ахлоққа оид қанчадан-қанча китоблар назардан четда ётгани ҳаммага аён. Улар олам юзини кўриши керак. Бу соҳада ҳам газета ёрдами зарур.

Одамларда ҳамон бир касаллик мавжуд — қонунчиликни, ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўғри талаб қилишни билишмайди. Шунинг учун ҳуқуқшуносларнинг чиқишларини кўпайтириш лозим. Саҳифаларда қишлоқ муаммоларини ҳал этиш йўлларидан ҳам огоҳ бўлишни истаймиз. Социал ҳаётимизда туб ўзгаришлар ясашга қаратилган Республикамиз Президенти Фармонлари қандай бажарилаётганлигини газета ўз назорати остига олса, айни муддао бўларди.

Раҳматулла ҲАЛИЛОВ,
Фарғона вилояти, Боғдод районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги раисининг муовини.

ҲАЛОЛЛИГИ УЧУН СЕВИШАДИ

Уни Қосондагилар яхши танишади. Фақат танишадигина эмас, виждонли инсон сифатида беҳад Ҳурмат қилишади. У ўрта таълимни туғилиб ўсган жойи — Қосон шаҳрида олганидан сўнг Қаршидаги савдо техникумининг молшунослик бўлимида таҳсил кўрди. Техникумни имтиёзли тугаллаб, Қосон шаҳар савдоси ихтиёрига ишга келди. Бу ерда у савдо иши соҳасида бой ҳаётий тажрибага эга бўлган инсофли, диёнатли, эътиқодли савдо ходимларидан иш юритиш тажрибаларини ўрганди, уларни ўзига ҳақиқий устоз ва мураббий деб билди.

Муҳаббат дастлабки кезларданоқ «Дўстлик» универмагида бўлим мудираси бўлиб ишлаш билан бир қаторда шаҳар савдоси бошланғич касаба уюшма қўмитаси аъзоси сифатида ҳам актив фаолият кўрсатди. Қимматли таклиф ва ташаббуслари, касаба уюшмаси аъзолари ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш борасидаги жонкуярликлари билан кўпнинг назарига тушган Муҳаббат Халилова тармоқ бўйича Тошкент ва Москвада ўтказилган съездларда делегат бўлиб иштирок этди.

Муҳаббат Халилова ҳозирги кунда «Дўстлик» универмагининг тайёр кийимлар бўлимида мудира бўлиб ишлайди. Унинг хизматидан харидорлар мамнундирлар.

Суратда: Муҳаббат Халилова иш устида.

Нормамат ТОҒА.

МАКТУБИМ НАЖОТ ИЗЛАБ

Сизларга ёзишимдан мақсад шуки, менинг 4 нафар фарзандим бор. 9 йилдан бери икки хонадан иборат уйда қисилиб яшаб келмоқдамиз. Оилада 6 кишимиз. Совхоз томонидан қурилган давлат уйида турамиз. Уйимизни ярмини совхоз мутасаддилари яна бир оилага бўлиб бериб қўйибди. Аслида битта оила яшайдиган уйда икки оила яшаб келяпмиз. Совхоз директори номига уйимизни кенгайтириб беришларини сўраб қилган мурожаатларимиз зое кетмоқда.

1990 йилда қўшниларимиз бошқа уй топиб кўчадиган бўлишди. Биз шу уйни бизларга қўшиб беринглар, деб ялиниб совхоз идорасига ва қишлоқ совети раиси Зарин Матчоновга яна ариза ёзиб бердик. Лекин бу яримта уй яна бошқа одамга берилди. Қўшниларимизга ҳам у ер тор, уларни ҳам 3 фарзанди бор.

Ўзим шу совхоздаги алоқа бўлимида мудир бўлиб ишлайман. Ҳозирда уйда кичкина қизчамга қараб ўтирибман. Умр йўлдошим Ойбек ишчи бўлиб ишлайди. Ишқилиб уйимизга меҳмон келса қаерга ўтказишни билмайман: каталакдек иккита кичкина хона. Қизларимизни катталари мактабга боради, уларга дарс тайёрлаш тугул ётиб ухлашга зўрға жой қилиб бераман. Бирининг оёғига иккинчиси бошини қўйиб ухлашади. Бола бечоралар!

«Ишонч!» Сендан илтимос, қўшниларимиз янги уй олиб кўчиб чиқишса, шу бир хона билан ошхонамизни бизларга қайтиб беришса. Бизлар ҳам одамларга ўхшаб эркин нафас олиб яшасак. Бу гапларимни давлат хўжалиги раҳбарларига етказсанг.

Яқитжон ЮСУПОВА,
Хоразм вилояти, Гурлан райони, Янгиобод давлат хўжалиги.

Мурувватли одамлар

МЕН «Қариялар уйи» деганда қандайдир ғамгин, маҳзун жойни тасаввур қилардим. Дарҳақиқат шундай жой экан. Лекин бундай ғамгинликни шодлик билан енгишга ёрдам берувчилар атрофимизда анчагина.

«Уйимиз»га Эргашхон Оқилов деган меҳри дарё инсон бошлиқ бўлди-ю, биз қарияларнинг ҳам кунларимиз байрамга айлана бошлади. У киши ҳар биримизнинг қалбимизга қулоқ солади. Бор-йўғимиздан доимо хабардор. Иложи борича зориқтирмасликка ҳаракат қилади. Бу ерда бўладиган ҳар бир байрам умримизни янада узайтираётгандай дилларимизни қувончга тўлдиради.

Оҳангаронда Эргашхон ака каби меҳр-мурувватли кишилар жуда кўп экан. Нуриддин Нидоев, Рўзимат Мадаминов, Қўшбой Мурмонов ва бизни оталиққа олган Олмалиқ гўшт комбинатидагилар қарияларнинг кўп маротаба олқишларига сазовор бўлишган. Бунинг учун минг раҳмат.

Лекин кўнглим барибир ўз қариндош-уруғларимни кўмсайди. Уларнинг бу ерга келиб, бир оғиз ширин сўз айтишларини орзу қиламан. Афсус, ҳамма одам ҳам бирдай савоб талаб эмас-да.

Абдулла ХАИТОВ,
Оҳангарон районидаги қариялар уйида яшовчи нафақахўр.

Бизда ҳам орзу бор

МАКТАБИМИЗ 1988 йилда бўлган зилзила натижасида ёрилиб кетиб, биносиз қолган эдик. Ҳозир фақат битта бинода 2 сменада ўқияпмиз. Билим олиш учун оддий шароитлар ҳам йўқ. Президент фармонига биноан 1—5-синф ўқувчилари бепул нонушта билан таъминлансин, дейилганди. Бизни фақат битта прайник ёки бир дона булочка билан алдашаяпти. У ҳам ҳар замонда бўлади.

1990 йилда янги мактаб қурилади, деб боғимиздаги мевали дарахтларни қиркиб ташлашди, шу кунларда унинг ўрни қаровсиз ётибди.

Биз ҳам бошқа болалар сингари кенг ва ёруғ мактабларда ўқишни истаймиз. Лекин истакларимиз ҳамон истаклигича қолиб келаётир.

Дилрабо, Назира,
Қашқадарё вилояти, Китоб районидаги 22-ўрта мактаб ўқувчилари.

Пули чақади

ҚАТТАҚЎРҒОН шаҳрида ҳаммом нархи янги йилдан бошлаб муттасил ошиб бормоқда. Масалан, 20 тийинлик ҳаммом аввал 1 сўм, кейин 2 сўм, 4 сўм 80 тийин, бора-бора 6—8 сўм бўлиб, охири 10 сўмга етди. Оила аъзоларимга бир маротаба ҳаммомга тушиш учун 100 сўм пул керак бўлаяпти. Давлатимиз болаларга бераётган 40 сўмлик нафақа уларни ювинтиришга аранг етаяпти. Нархнаво эса тобора осмонга чиқиб кетаяпти. Унинг устидан назорат қилувчи одам борми ёки йўқми?! Ахир шаҳар бедарвоза эмас-ку!

Ахмат НОРМАТОВ,
Самарқанд область, Қаттақўрғон шаҳри.

Замонасининг Птоломейи

Буюк аллома Али Қушчининг таваллуд топганининг 590 йиллигига

1

МАЪЛУМКИ, фалакиёт илми кўп қадим замонларга бориб тақалади. Ўрта Осиё, хусусан Мовароуннаҳр шу илму фаннинг гуркираган ўчоқларидан бўлган.

Қадимдаёқ заковат эгалари одамзоднинг дунёга келган кунида сайёраларнинг қай ҳолатда турганини кўрсатувчи ва унинг тақдирини адашмай аниқ айтиб берувчи жадваллар (гороскоп) тузганлар ҳамда бутун мавжудот олами сирларидан воқиф юлдузлар ҳаракатини илмий асосда билимдонлик билан кузатганлар. Уларга қараб лозим бўлган кунларда зарур тадбирларни қабул этишга киришганлар, қулай фурсатларни белгилаганлар. Қуёш тутилишини олдиндан айтиб бериш ҳам шулар жумласига кирган. Мазкур илм-фанга бўлган қизиқиш кучли бўлганлиги ва у муҳим аҳамият касб этувчи фан сифатида тараққий этишда давом этганлигини тарихий мисоллардан кўриш мумкин.

Али Қушчи ана шу даврларда бу ишларнинг энг фаолларидан бири бўлиб майдонга чиққан.

Али Қушчининг тўлиқ исм-шарифлари Алоиддин Али ибн Мирзо Мулло Муҳаммад (1402—1474 йил) бўлиб, келиб чиқиши асли Темурийзодалардан бўлган. Самарқандда таваллуд топган, ўша ерда улғайиб, шахсан Мирзо Улуғбекнинг (Муҳаммад Тароғой) раҳбарлигида илм дунёсида пешқадам сиймолардан бўлиб камол топган. Ўша замонларда буюк саркарда Амир Темурдан кейин — XV асрнинг биринчи чоракларида Самарқанд аввалгидай ҳарбий куч-қудратнинг маркази эмас, балки илм-фаннинг довруқли марказига айланган эди. Унда ўша ўз замонасининг алломалари Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Муниддин Қошоний, Муҳаммад Кермоний, Муҳаммад Ҳавофий ва бошқа зиёкорлар истиқомат этганлар, дунёвий фанларнинг ривожи, гуллаб-яшнаши йўлида ҳормай-толмай тер тўкканлар. Шу тариқа Самарқандда илм-фаннинг барча соҳалари бўйича йирик мутахассислари жамул-жам бўлган. Худди ўша замонларда, албатта, бевосита Улуғбек бошчилигида илму нужум —фалакшунослик ўчоғи майдонга келган. Алоиддин Али Қушчи ҳам шу илм ўчоғидан баҳра олган, тарбияланган, истеъдодли олимгина бўлиб қолмай, балки кейинчалик бориб, гарчи Улуғбекдан кейин ҳам қора гуруҳларнинг сурункали тазйиқларига қарамай дунё олимлари тан олган фалакиёт илмининг фидойи заҳматкаши — алломаси бўлиб етишган.

Унинг «Қушчи» деб аталишига келсак, бу нисбат олимга отасидан ўтган. Отаси Мирзо Мулло Муҳаммад ҳам кўп заковатли киши бўлган ва узоқ йиллар давомида Амир Темурнинг кенжа ўғли Мирзо Шоҳруҳ саройида эътиборли шахс сифатида умр кечирган. Шоҳруҳнинг шикор ишларига бошчилик қилган. Ов қушлари — қарчиғайлар боқиш билан машғул бўлганлигидан «Қушчи» деб ном олган. Али Қушчи ҳам дастлабки вақтларда Улуғбек саройида ана шундай отасининг ишини давом эттирган экан. Шундан «Қушчи» деб аталиб кетган бўлиши керак.

Бу улуғ аллома ҳаёти ҳақида тарихий маълумотлар жуда оз, боиси унинг ҳаёти, илмий фаолияти ҳақида ҳанузгача етарли изланишлар юргизилмаганлигидадир.

3

ри ўз марҳаматларингизни андин дариғ тутмай, илтифот айлаб саъй-ҳаракат кўрсатурсиз деган умиддадурмиз. Тангри яна ўзи сизга мададкор, йўлдошдур, вассалом!» (1982 йил «Фан» нашриёти. «Алишер Навоий альбомидаги Абдураҳмон Жомийнинг дастхатлари» номли китобидан.)

Бундан шу нарса маълум бўлдики, Али Қушчи юқорида зикир этганимиздек мушкилотларни ҳал этишда Абдураҳмон Жомийнинг улкан эътиборига суянган. Хат ёзилган вақтларда Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро давлатида вазир аъзамлик лавозимида бўлган. Али Қушчи бу икки улуғ сиймо кўмагида сафарини давом эттириб, Табризга, туркманларнинг Оқ қуюнлилар сулоласидан подшоҳ Узун Ҳасан (1453—1479 йил) ҳузурига етиб келган. Тарихий манбааларнинг шоҳидлик келтиришича, шахсан Узун Ҳасаннинг ўзи кўпгина эътиборли одамлари, вазирлари билан пешвоз чиқиб, шаҳар ёнида улуғ олимни зўр ҳурмат ва шодиёналикда кутиб олган.

Али Қушчи Узун Ҳасан давлатида икки йилга яқин йирик лавозимда турган. 1472 йили Туркия масаласи чиқиб, Оқ қуюнлилар ва Туркия ўртасида ўзаро муносабатларни яхшилаш, дўстлик битимларини тузишдек хайрли ишларни амалга ошириш ишларига Али Қушчи бош элчи этиб юборилади. Олим ўзини бу масъул ишда ҳам зўр дипломат эканлигини яққол намоён этган. Топширилган вазифалар шараф ила адо этилган. Туркия султони Муҳаммад Фотиҳ (1451—1482 йил) Али Қушчини ўткир фикрли, нозик ақл-заковатли киши эканлигини, зўр илму камолини кўриб, уни ўз саройига таклиф этган. У Узун Ҳасандан ижозат олиб Муҳаммад Фотиҳ саройига қайтиб келишга ваъда беради.

1472 йили Али Қушчи Истамбулга келади ва умрининг охиригача шу ерда қолади. Унга ойига 200 динор миқдорида маош белгиланади. Агар ўша замонларда битта яхши от беш динордан ошмаслигини назарга олсак, Али Қушчига тайинланган маошнинг оз бўлмаганини идрок этса бўлади. У Аё Сўфия жомеъи мадрасасига бош мударрис этиб тайинланган. Али Қушчи Истамбулда яна икки йилча истиқомат этиб, 1474 йили 72 ёшларида вафот этган.

ЮҚОРИДА биз улуғ алломанинг фалакиёт ва бошқа табиий фанлар бўйича талай асарлар ёзиб қолдирганлигини айтган эдик. Унинг қаламига мансуб асарлардан «Рисолату фи ҳалло ашколул қамар» («Ойнинг шакллари ҳақида рисола») да аллома ойнинг шакли ва кўринишини батафсил ёритган, ёйсимон шаклларни геометрик усулда исботлаш билан биргаликда ойнинг тузилиши ҳақида ҳали Али Қушчига қадар ҳеч бир олим еча олмаган масалаларни у Улуғбек ҳаёт вақтидаёқ ҳал этиб берган эди. «Рисолаи дар илми ҳайъат») «Фалакиёт илми ҳақида рисола») асарида дунё харитаси чизилган бўлиб, бундай харита то 1457 йилгача ва ундан кейин пайдо бўлган дунё хариталари ичида ўзининг мукаммаллиги билан алоҳида ажралиб туради. «Рисолаи Фатҳия» («Фатҳ рисоласи») араб тилида ёзилган. Асарда коинотга оид масалалар ёритилади. Янада тўғрироғи Туркия султони Муҳаммад Фатҳнинг 1472 йили Оқ қуюнлилан билан қилган муҳорабаси ва нусрати фалакиёт илмига боғлаб қизиқалар ҳақида қизиқарли ҳикоя қилинади.

Илмларнинг турлари ҳақидаги ва тарихшуносликка оид «Рисолату фи мавзуот ул-улум» асари ҳам диққатга сазовордир. Унда мусулмон оламида пайдо бўлган илмларнинг асосий мазмунлари талқин қилинади. «Мақбубул ҳамойил фи кашф ул-масойил» («Масалаларни ечадиган севимли қўйин дафтари») ҳам улкан ижодий илмий иш маҳсули бўлиб, унда йигирма хил фанлар борасида фикр юритилади.

Али Қушчи шунингдек, кўпгина забардаст олимларнинг дунёвий фанларга оид асарларига, Шарқ тилларига оид асарларига шарҳлар ҳам ёзган.

Али Қушчи авлодларига келсак, унинг хонадонида кўпгина эътиборли, илм-фан пешқадамлари етишиб чиққан. Шулардан бири унинг набираси, давлат арбоби, машҳур тадқиқотчи сайёҳ ва олим Мирзо Қамолиддин ибн Мирзо Султон Муҳаммад Ҳофиз Кўҳокий (Кўйкий) Тошкандийдир (1490—1584 йил).

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, замонасининг зайли, силсилалари туфайли ўз ватанидан олисларда мангу қўним топишга мажбур бўлган ўзбек халқининг улуғ сиймоларидан бири бўлмиш аллома Али Қушчи ўзининг ҳар томонлама юксак илмий фаолиятини ўз эл-юртининг маданий меросини бойитишга сарф этганлиги бешакдир.

Зеро, бул улуғ аждодимизнинг муборак номи ҳанузгача жиддийроқ ўз эътиборини топмай келмоқда. Ёритилган бўлса ҳам, улар уммондан бир томчигина, холос. Эҳтимол бундан буён унинг илмий меросларига қизиқиш ортар, муборак номлари абадийлаштирилар ва миннатдор авлодлар қалбида унинг поёнсиз илму камолидек то абад сўнмас ёркин юлдуздек нур сочиб турар деб умид қиламиз!

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН.

2

Али Қушчи Улуғбекдан ҳийла ёш бўлишига қарамай ўзининг ҳайратомуз ўткир ақл-заковати, кучли хотираси, бир сўзлилиги ва бошқа яхши хислатлари билан Улуғбекнинг алоҳида эътиборига, ишончи ва меҳрига сазовор бўла олган. Бора-бора бу яқинлик Али Қушчини бевосита Мирзо Улуғбекнинг энг яқин ишончли кишисига — сирдоши, дўсти ва маслакдошига айлантирди.

Али Қушчи туғма истеъдод ва салоҳияти туфайли замонасининг Птоломейи деб ном қозонган: тарих, жуғрофия, ахтаршунослик, фалакшунослик ва бошқа катор аниқ фанларда ажойиб илмий ишлар олиб борди. Самарқандда расадхона ва машҳур «Зижи жадиди кўрогоний» ни тузишда ўзининг улкан ҳиссасини қўшган. Фалакиётнинг назарий асослари ёритилган ҳамда 1019 юлдузларнинг ҳолати, яъни осмон кенгликларидаги улкан фаразий доираларнинг ер курраси ва қиялиги, йиллик ҳаракат ривожланиши аниқланган бу ажойиб асар фалакиётнинг кейинги камолотида ҳам ижобий роль ўйнаган. Мазкур асар айни замонда ҳам ўзининг долзарблик нуқтаи назарини заррача йўқотмаган.

Мавлоно Шайхуррайс (Али Қушчи Улуғбекка ҳадди сиққанидан уни шундай деб атарди. Бу сўз Улуғбекни айни бир вақтда илм аҳиллари — олимларга йўлбошчи эканлигини ҳам англатган. Ҳ. З) ўлимидан кейин (1449 йили) расадхонадаги илмий кузатиш ишлари ҳам деярли барҳам еган деса бўлади. Бунинг сабаби сўзсиз Улуғбекнинг қатли билан боғлиқдир. Яъни, ёруғликни, зиёнинг сочилишини истамаган, унга тиш-тирноқлари билан қарши турган қора кучларнинг тазйиқи кучайган, олимлар таъқиб остига олинган эди. Али Қушчи ҳам бу таъқиблардан мустасно қолмаган. Шундай бўлса-да, фақат угина ўз устози ва қалин дўстига содиқ бўлиб қолди. Осмон сирларини билиш учун ҳеч кандай асбоб-ускуналар бўлмаса ҳам Улуғбек мадрасасининг қоронғи бир ҳужрасида илмий ишларини, кузатишларини давом эттирди, атрофига шогирдлар ҳам тўплади. Шу зайилда у яна йигирма йилча Самарқандда яшаб талай асарлар ёзди. 1470 йил бошларига келиб, нотинчлик янада кучайди. Али Қушчининг тинкаси қуриди, ўз ватанини тарк айлаб, ўзга юртларга бош олиб кетишга мажбур бўлди. Баҳона ҳам синалган, ҳеч ким рад этолмайдиган — ҳажга бориш эди.

У ЎЗИГА қарашли яқин кишилари, қариндошлари ҳамроҳлигида Самарқанддан чиқиб пойтахти Хирот бўлган Хуросондан ўтиб Табризга бормоқчи бўлди. Бироқ Хиротга боргач, сафарини давом эттиришда қийинчиликларга дуч келганлигини қуйидаги дастхатдан биламиз. Унда шундай деб ёзилади:

«Аллоҳ таолоға ҳамду санолар ва илтижою изҳорлардан сўнг арзга еткузилгусидурким, жаноб мавлоно Алоиддин Алига (Али Қушчи) ёрлиқ берилса ва шул ёрлиққа биноан ул жавоб қаердан ўтмасун ва қаердаким бўлмасун, анга, даги анинг оила аъзоларига эга бирдек иззат-ҳурматда бўлинмоги, бирон-бир сабаб бирлан даги-анинг истеъфодасидаги жамики жонлиг ва жонсиз бисотларига заррача бўлса-да, кўз олайтирилмаса. Биз журъат этуб, ушбу ишда сиз ҳазратларни ўз марҳаматларингизни андин дариғ тутмай, илтифот айлаб саъй-ҳаракат кўрсатурсиз деган умиддадурмиз. Тангри яна ўзи сизга мададкор, йўлдошдур, вассалом!» (1982 йил «Фан» нашриёти. «Алишер Навоий альбомидаги Абдураҳмон Жомийнинг дастхатлари» номли китобидан.)

4

қарли талқин этилади. XVI аср бошларида ушбу асарга машҳур олим Қозизода Румийнинг (Салоҳиддин Мусо ибн Маҳмуд Қозизода) набираси Мирам Чалабий (Маҳмуд ибн Муҳаммад) шарҳ ёзган.

«Рисолаи Муҳаммадия» («Муҳаммад Фатҳ рисоласи») форс тилида ёзилган бу асар икки қисм ва олти бобдан иборат бўлиб ҳиндларнинг математикаси ва фалакиётига бағишланган. Уни Али Қушчининг ўзи араб тилига таржима этган. Мазкур асар Самарқандда ёзилган бўлиб, аллома уни Туркияга борганда турк султони Муҳаммад Фотиҳга тақдим этган. Ҳозир мазкур асарнинг қўлёзма нусхаси Шарқшунослик институтида (инв № 3356) сақланади. «Тарихи хоқони Чин») «Хитой хоқонлари тарихи») бу асар 20 бобдан иборат бўлиб, кўпроқ «Қонунномаи Чин ва Хито» деб ҳам аталади. Унда XV асрда Темурийлар империясининг Ҳиндистон, Арабистон ва Хитой давлатлари билан ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий муносабатларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш йўлида олиб борилган кенг кўламдаги хайрли, ижобий ҳаракатлар, шунингдек, Али Қушчининг 1419—1422 йиллари Ғиёсиддин Наққош бошчилигида Хитойга қилган сафарда қатнашганлиги ва бу борадаги кўрган-кечирганлари, босиб ўтилган мамлакатлар, халқларнинг турмуш тарзи, тарихи, жуғрофий жойланиши ва бош-

АТОРНИНГ КУТИСИ

МЕНГАЯМ КИЙИН

(ҲАЖВИЯ)

Мен уни ниҳоятда қийнаб юбордим. Бу ерга еттинчи марта келишим. Унинг ўрнида бошқаси бўлганида энсаси қотиб, қувиб соларди. Тўғри-да, қозиғини судраган молдай келаверсам, келаверсам... Асаблариниям кавуш қайтаргандай чайнаб ташлагандирман. Буни ўзим ҳам тушуниб турибман. Аммо, начора? Хизматчилик, иш деганларидай. Бугун ҳам ўрнидан туриб, кутиб олди. Қўш қўллаб сўрашдиям. Маданиятлилигини қаранг:

— Бугун албатта ҳал қиламиз! — деди у илтижоли боқиб. Ҳеч қачон «бўлмайди» деганмас. Бу гал ҳам қоронғу дилимнинг аллақаерида «лип» этиб гугурт чақилди. Зора, ҳал қилиб берса! Менданам қутиларди-да, бечора.

— Биласизми, шу ишингиз жудаям қийин кўчяпти-да...

— Биламан, биламан, — гапини бўлдим. — Билмай ўлибманми. Ҳов, ўшанда сиз билан шартнома тузишимиз учун қарор бўлиши кераклиги, қарорни чиқартиролмай қийналганингизни айтмоқчисиз-да.

— Тўғри, ўша қарорни чиқариш учун жудаям қийналдим. Қийналиб бўлса ҳам тайёрладим. Тинка-мадорим қуриб кетди.

Бечора, столига ётиб қолаёзди. Тавба, ҳар гал шунақа бошланади-я, мунозарамиз. Раҳмим келиб, қўлининг устига қўлимни қўйдим. Иккинчи қўлим билан елкасини авайлабгина силадим. Кўнгли бўшаб, йиғлаб юбораёзди.

— Қийналиб бўлсаям ўша ишнинг уддасидан чиқдим. Сарф-ҳаражатларидан ҳам қочмадим...

— Э ҳа-а, билдим, билдим! Шу қарорга кўра сизлар бизнинг ташкилот бўғолтериясига ўтказадиган пулнинг йигирма минг эмас, ўн икки минг деб ёзилиб қолгани ва шуни тузатишга қийналганингизни айтмоқчисиз.

Бечора, сапчиб ўрнидан туриб кетди. Бориб эшикни асабий тортиб, жипсроқ ёпиб қўйди. Қайтиб келиб кўзларимга қаради. Аммо, соддагина чеҳрамни кўриб, ҳафсаласи пир бўлди.

— Йўқ, барибир тушунмаяпсиз. Тўғри, буям қийин кўчди. Қийналиб бўлсаям ҳал қилиб қўйдим.

У бирдан жазавага тушиб кетди:

— Сиз қанақа одамсиз ўзи, ҳадеб бўлиб ўтган қийин ишларни гапираверасизми?

У стол тортмасидаги ўша биз тузган шартномани олдимга ташлади. Қоғозга қарадиму суюниб кетдим. Ишонамдаги обрўйимни ё уёқлик, ё буёқлик қиладиган иш битаёзган эди.

— Бўлди, бўлди! Энди тушундим. Шу шартномани тасдиқлатишга қийналишингизни айтмоқчисиз. Топдимми?

У бўшаган қопдай шалвираб стулга ўтириб қолди. Чўзиб уф тортди-ю, деди:

— Тўғри, қийналаман. Лекин, қийналиб бўлса-да, тасдиқлатиб тушаман. Мана кўрасиз, ҳозироқ уддасидан чиқаман. Аммо, менга ҳай қийин...

Бечора, бошини қуйи солганича қоғозларни кўтариб чиқиб кетди. Не-не ишларни битирди-я! Унинг қийналиб қилган ёрдамларини ўзимча ҳисоблаб ўтирувдим, қайтиб кирди.

— Мана, бу ишниям уддаладим. Аммо, менгаям қийин...

Ишим битганига ич-ичимдан суюнсам-да, унга ҳамдард бўлишга тиришдим. Бошимни осилтириб, вазмин оҳангда дедим:

— Тушунаман, тушунаман...

Шунда у бирдан тутоқиб кетди.

— Нимани тушунасан? Балониям тушунмаяпсан? Хўп майли, мени қўя турайлик. Ҳеч бўлмаса бошлиғимизга бирорта совға қилишинг керак эди. Менам... қийналиб кетдим-ку, ахир?!

Гапини қаранг, у киши қийналиб кетган эмишлар, менгаям осон эмас. Етти кун ичида айнан шу иш «қийин кўчаётгани»ни рўкач қилиб касаба уюшмасидан ёрдам пули олганим, директор ва бош бухгалтердан «совғалар» ундирганимни, тиришиб ишлаётганимга раҳматнома беришганини бу бечора қаёқдан билсин?

Менгаям қийин!..

Муҳаммад ҚОДИР,
Наманган шаҳри.

ТУГУНЧА

(БЎЛМАГАН ВОҚЕА)

МАМАСОЛИ кўчадан шошилиб келди-да, оғилхонага «шип» этиб кириб кетди. Кира солиб харининг ўрнига қўйилган темир қувурнинг ичига шундай қўлини тиқди-ю, қотиб қолди. Негадир ўзи бугун иши юришмай юраги ғаш бўла бошлаган эди-я. «Бир куни шундай бўлишини билардим-а!» Мамасоли бўшашиб чорпояга келди.

— Вой, дадаси, сизга нима бўлди, рангингиз бир аҳволда, — шошиб қолган хотини дарров кўрпача ёзди.

— Э-э, билмадим, хотин, ариқ чопаётган эдик, бирданига кўнглим беҳузур бўлиб кетди.

— Шамоллабсиз шекилли, ётинг, мен дарров аччиқкина мастава қилиб берай.

Хотини гурунчга кетганда Мамасоли яна ғизиллаб оғилхонага кирди. Қўлини аввал билагигача, кейин чиғаноғигача, кейин чопонини ечиб, елкасигача қувурнинг ичига тиқди. Ҳеч нарса йўқ. Ҳолсизланиб деворни бир-бир ушлаганча, оҳиста ўрнига келиб ётди. Мастава анча терлатди, енгил тортгандай бўлди, барибир юрак ғаш эди.

Ярим тунда уйқуси қочиб, хаёл сура бошлади: «Ўша охирги бир ярим мингни қўшиб санаганимда йигирма минг бўлади, ўраб қўйгандим... Энди нима қилдим, мелисага айтиб бўлмаса, ҳамма кулади!»

— Вой, дадаси, сизга нима бўлди, қайси бир ярим минг, қайси йигирма минг, қанақа мелисани гапиряпсиз? Телевизорни янгилайлик десак, беш йилдан бери пул йўқ дердингиз-ку!

Мамасоли шундагина ўйлаганларини ғўлдираётганлигини сезиб ўзини ухлаганга солди.

Шу кундан бошлаб Мамасолининг феъл-атвори бутунлай ўзгарди. Аввалари хушчақчақ, ҳазилкаш одам, бирдан индамас бўлиб қолди, гапирганларга «Секинроқ-да, одамни чўчитиб юбординг-ей», деб қўярди. Баъзилар уни аллақандай пул тўғрисида ўзича алжираётганини ҳам эшитишибди. Шу кўйи бир ҳафтадан кўпроқ вақт ўтди. Мамасоли на кечаси ухлар, на кундузи ором оларди. Чуқургина кўзлари қуюқ қошлар тагига яна ҳам кириб кетганди.

...Ярим кечада уста Турдининг дарвозаси тақиллади. Уста Мамасолини кўриб, ҳайрон қолди, совуқ бўлишига қарамай енгилгина кийиниб олган эди.

— Келинг, Мамасоли ака, ичкарига киринг!

— Ука, сенга бир хизмат бор, тешанг билан исканангни олиб чиқсанг.

— Ҳозир, ярим кечада-я, — ҳайрон бўлди уста. — Эрталаб қилсак бўлмайдими, ўша ишни?

— Бўлмайди, ука, мен ҳеч бўлмаса, шу бугун тинч ухлармикинман, деб олдингга келдим.

Мамасоли ҳақидаги миш-мишлардан хабардор уста дарҳол кийиниб, асбоб-ускуналарини олиб чиқди. Оғилхонада чироқ бор экан. Мамасоли шу ерда ҳамма гапни устага айтиб берди. Қувурнинг иккинчи бошига айвон харисининг учи тиқилган эди. Уста искана билан харининг қувурга кириб турган еридан тирқиш очди. Мамасоли дарҳол чўп билан қувурнинг ичини кавлай кетди.

— Бор, бор, хайрият! Тешикни яна бироз катталаштир, ука.

Уста Мамасолининг айтганини қилган эди, қувурнинг пастки томонида ётган ўроғлиқ оқ нарсани кўриб қолди. Уни олиб, Мамасолига узатди. Мамасоли дарҳол полиэтилен халта ичидан рўмолчага тугилган тугунни олди. Ўралган қоғозларни ирғитиб ташлаб, пулларни санай кетди. Каламуш пулни қувурнинг очиқ томонидан берк томонига тортиб келибди-ю, хайрият олиб чиқиб кетолмабди.

— Тўғри, ҳаммаси тўғри, бир сўм ҳам кам эмас. Мамасолининг шу топда уста билан иши йўқ эди. Уста секин асбобларини йиғиштириб, жўнаб қолди. Мамасоли унга дарвозаси ёнида қувиб етди:

— Ма, ол, ука, бу пешана тери пулдан, фақат ҳеч кимга айтиб юрма, одамлар кулишмасин! — Мамасоли устага битта юз сўмлик узатди.

— Пешана тери бўлса, нега беркитасиз, омонат кассага топшириб қўйганингизда бунчалар диққат бўлмасдингиз. Майли, сир-сирлигича қолсин.

Аммо юрт—кенг, деворнинг ҳам қулоғи бор деганларидек, ярим тундаги гапларни кимдир эшитибди, эртасигаёқ маҳаллада дув-дув гап бўлиб кетди. Мана энди бундан сиз ҳам хабардор бўлдингиз.

Яна битта айтадиган гап бор, Мамасоли йигирма йил ишлатган муштдек телевизорини қўшни кўчадаги ёлғиз кампирга совға қилиб, ўзи катта телевизор олибди.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,

Рассом хандаси

— Вой, қўлим.
— Ҳа, ажаб бўпти, сендақа чўнтак кесарларга бу ҳам кам



Сўзсиз сурат. А. ХАКИМОВ чизган сурат

Хандалар

ИККИНЧИ УЧРАШУВ

Назоратчи йўл қоидасини бузган ҳайдовчини тўхтатиб, талаб қилди:

— Марҳамат қилиб ҳайдовчилик гувоҳномангизни кўрсатинг-чи!

Ҳайдовчи ташвиш ва ҳайронлик билан деди:

— Шошманг, ҳайдовчилик гувоҳномамни бундан бир ҳафта бурун ўзингиз олиб қўйгандингиз-ку! Нима, йўқотиб қўйдингизми?

ЎЛИБ КЕТИШГАН

Ўқитувчи бир йигитчадан сўраб қолди:

— Айтингчи, машҳур ёзувчи-ю, шоирларимиз ҳақида нималарни биласиз?

Йигитча дадил жавоб берди:

— Уларнинг ҳаммаси аллақачон ўлиб кетишган, домлажон.

Тўпловчи: Турсунбой МАҲМУДОВ,
Фарғона шаҳри.

ПИНҲОНА УЧРАШУВ

Кеча «Тимсоҳ» болалар боғчасида халқ ноиблари Тепса Тебранмасов ва Бирқоп Кесаков билан боғча тарбияланувчиларининг учрашуви бўлиб ўтди. Мутлақо пинҳона ўтказилган бу учрашувга сайловчилар таклиф этилмади. Боғча болалари эса учрашувни олиб борувчи Лаганбардор Патхалимованинг ҳар бир гапини қўлларингни кўтаринг деса, кўтариб, туширинг деса, тушириб, маъқуллаб турдилар...

Шундан кейин «сайловчилар билан учрашув ўтказилди», деган ҳужжат расмийлаштирилди. Навбатдаги пинҳона учрашувни яқин ўртадаги мактаблардан бирида бошланғич синф ўқувчилари билан ўтказишга келишиб олинди.

ХАЙФСАН

Яқинда 222-ўрта мактабга халқ таълими бўлимидан махсус тафтишчилар келди. Улар мактабнинг илғор, тажрибали ва ишчан ўқитувчиси Бетгачопар Қайтмасовнинг машғулот ўтказиш усуллари, иш тажрибасини обдон ўрганиб чиқишди. Педагогика кенгашида текшириш якунлари юзасидан кенгаш қарори қабул қилинди.

Қарорда шундай дейилади: «Ташаббускор ўқитувчи Б. Қайтмасовнинг иш тажрибаси, ўқитиш услублари намунали деб топилсин. Бироқ... бетгачопарлик қилиб, тафтишчилардан Дуббек Билмасовга танбеҳ берганлиги учун унга хайфсан эълон қилинсин».

Шароф ШОДИЕВ,
Қашқадарё вилояти.

Ойнаи жаҳонда

ИЮНЬ

8 ДУШАНБА

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.15 «Ўйинкароқ болалар». Мультфильм. 18.25 Ўзбекистон Республикаси ИИВ маркази хабар қилади. 18.40 «Дастлабки қадамлар». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Фитрат ва мусиқа». 19.50 «Маорифимиз муаммолари». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Юлдуз Усмонова куйлайди. 21.35 «Аёллар». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға». 19.00 «Ассалому алайкум». 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.25 «Ўтмишсиз келажак йўқ». 21.15 «Лаҳза». Хабарлар. 21.25 «Шаҳарликлар». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.00 «Якунлар». 5.45 «Тонг». 8.00 Янгиликлар. 8.20 Мультфильмлар. 9.10 «Саксофон садоси». Телефильм премьераси («Экран»). 9.30 «Профессор Доуэлнинг васияти». Бадиий фильм. 11.00 Янгиликлар. 11.20 «Қадимий романс». А. Эйзен ижро этади. 13.10 «Телемикст». 13.55 «Ен дафтар». 14.00 Янгиликлар. 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Бу бўлган, бўлганди...» 14.40 «Авария». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 15.40 «Хордиқ чиқаринг». 16.05 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Джайпа» (Исландия). 16.15 Болалар ойнаи жаҳони уюшмаси таништиради: «Болалар фестивали меҳмонлари» (Екатеринбург). 17.00 Янгиликлар. 17.25 «НЭП». 18.00 Футбол шарҳи. 18.30 «Урушдан узоқда». Бадиий фильм. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.25 Спорт уик-энди. 20.40 «Янги студия» таништиради: «Бомонд», «Муаллифлик қўшиғи», «Санкт-Петербургдан мактублар», «Ошкоралик дўкони». Танаффус пайтида — (23.00) Янгиликлар. 00.15 «Авария». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

● «ДУБЛЬ IV»

7.00 Хабарлар. 7.20 Ишбилармон кишилар даври. 8.20 Итальян тили. 8.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Коллекционер». 9.05 «Ролан Гаррос». Теннис бўйича Франциянинг очиқ чемпионати. Париждан кўрсатилади. 11.05 Кундузги сеанс. «Капитанга турмушга чиқмоқчиман». Бадиий фильм. 12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 14.55 Янгиликлар. 15.10 Болалар соати. 16.10 Самбо бўйича Европа чемпионати. 16.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 16.55 Эълонлар. 17.00 Хабарлар. 17.20 Трансросэфир: «Меҳр-шафқат йўллари». 18.05 «Бозор шароитида конверсия». 18.20 Шунчаки қизиқувчилар мулоқоти. 18.50 Криминал хабарлар экрани. 19.00 «Ҳар бир кун байрам». 19.10 «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 52-серия. 20.00 Ковент-Гарденда Мариин театри яккахонларининг гала-концерти. 21.00 Хабарлар. 21.20 Эълонлар. 21.25 «Бешинчи ғилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув. 23.10 Спорт хабарлари. 23.20 «Одамхўр Жек»нинг жиноий иши.

9 СЕШАНБА

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Янги эртак». Мультфильм. 18.25 «Қичкинтой» студияси. «Қувноклар даврасида». 18.55 «Спортлото». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Сиҳат-саломатлик». 20.10 «Сато». Телефильм. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Қишлоқ аҳли учун техника хизмати янгиликлари. 21.05 «Ўзбекистон — Саудия Арабистони». Видеофильм. 1-қисм.— «Тошкент — Жидда». 22.25 «Ганга қизи». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

10.30 Дарахт ва унинг навдалари». Фильм-концерт. 11.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қуёш барчага баробар».

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Туркистон чечаклари». Ёш ижрочиларнинг хисобот концерти. 19.40 «Шарқ лирикаси». Машраб. 20.00 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида. 21.20 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.25 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 9.10 Мультфильмлар. 9.45 «Урушдан узоқда». Бадиий фильм. 11.00 Янгиликлар. 11.20 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 13.00 «Бридж». 13.25 «Адам Смит бойлиги дунёси». 13.55 «Ен дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 «Ольга Иванова сабоқлари». 14.35 «Авария». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 15.35 «Лаънати китоб». Мультфильм. 15.50 Болалар учун фильм. «Май ойида ёққан қор». 17.00 Янгиликлар. 17.25 «Қишлоқ хроникаси». 17.55 «Авиакосмик салон». 18.10 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 18.55 «Мавзу». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Эркаклар билан осон эмас». Бадиий фильм. 21.45 «Фермата». Ахборот-мусиқий кўрсатув. 22.05 «Ведо». 22.45 «Оқим». Телефильм. 23.00 Янгиликлар. 23.40 «Тўққизталик». 00.10 «Авария». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

● «ДУБЛЬ IV»

7.00 Хабарлар. 7.20 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 7.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Балиқ» белгиси билан». 8.05 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 8.35 «Оқ қарға». 9.20 «Очиқ дунё». 10.05 «Бурда моден» таклиф этади». 10.35 Россиянинг телевизион театри. «Қамал театрининг сирлари». 11.50 «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 52-серия. 12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 14.55 Янгиликлар. 15.10 «Рост» студияси. «Ўн беш ёшли капитан». 15.40 Самбо бўйича Европа чемпионати. 16.10 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 16.55 Эълонлар. 17.00 Хабарлар. 17.20 Трансросэфир: «Мусиқа билан учрашув». 18.05 «Қалит» кўрсатуви. 18.20 «Россия билан юзма-юз». 18.35 Кипрес Мажека. НАТОдан репортажлари. 19.15 «Ҳар бир кун байрам». 19.25 Биз киммиз? «Замин ҳақиқатга даъват этади». Видеофильм премьераси. 20.55 Эълонлар. 21.00 Хабарлар. 21.20 Фольклор. «Хлинов боёнлари». 21.30 «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 53-серия. 22.20 Спорт олами «Жиллетт» фирмасининг нигоҳи билан. 22.50 «Браво» ансамблининг рок-концерти. 23.25 «К-2» таништиради: «Медиа», «Абзац», «3, 2, 1» кўрсатувлари. «Фариштa куни». Бадиий фильм.

10 ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Мусиқа жавони». 8.15 «Ямбўй ажинаси». Бадиий фильм. 9.45 Ўзбек тилини ўрганамиз. 10.15 «Қалб даъвати». Ҳужжатли фильм. 10.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида». 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Елғончилар қасри». Мультфильм. 18.30 «Шахсий хўжаликлар истиқболи». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Саноатимиз одимлари. «Кумуш қанотлар парвозга шайланмоқда». 19.50 «Анъаналар этади давом». Мусиқий кўрсатув. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Ўзбекистон — Саудия Арабистони». Видеофильм. 2-қисм — «Жидда — Макка». 21.40 «Ижод саҳифалари». Низомий Ганжавий.

● «ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради». Мультфильмлар тўплами. 19.20 «Спринт». 19.40 «Ўзбекистон рассомлари». Раҳим Аҳмедов. 20.20 «Бўстонликда баҳор». Манзарали фильм. 20.30 С. Злотников. «Телба ҳаёт». М. Горький номидаги рус Давлат академик драма театрининг спектакли.

● «ОРБИТА IV»

5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.25 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 9.55 «Доброгост». Телефильм премьераси (Иркутск). 10.15 Мультфильмлар. 10.30 «Ёшлар — ноанъанавий тиббиётда». 11.00 Янгиликлар. 12.05 Волейбол. Жаҳон лигаси биринчилиги. Эркаклар. АҚШ — МДҲ терма командалари. АҚШдан кўрсатилади. 13.05 Кўрсатувлар тартиби. 13.10 «Телемикст». 13.55 «Ен дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 А. Ахматованинг уй-музейида концерт. 14.55 «Қайиқда итдан ташқари уч киши». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 16.00 «Рок-макс». 17.00 Янгиликлар. 17.25 «Инсон ва қонун». 18.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 18.45 «Сўнгги отаси ошиқ». В. Зельдин. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.50 «Қумуш ёш». Телевизион бадиий фильм. 21.40 «Дарё ёқалаб» ёки мусаввир Н. Сафронов билан учрашув. 22.00 Янгиликлар. 22.30 Футбол. Европа чемпионати. Очилиш тантаналари. Швеция — Франция терма командалари. Швециядан олиб кўрсатилади. 01.00 «Кўплаб мусиқалар».

● «ДУБЛЬ IV»

14.55 Янгиликлар. 15.10 «Гўзал Василиса». Бадиий фильм. 16.20 Ифодалаш санъати. «Икки Владимир нур излаб». 16.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 16.55 Эълонлар. 17.00 Хабарлар. 17.20 Трансросэфир: «Узоқ Шарқ». 18.05 «Версия». 18.20 Россиянинг телевизион театри. Д. Селинджэр. «Беўхшов». премьера. 19.25 «Ҳар бир кун байрам». 19.40 «Оқ тунлар». 20.00 «Оппозиция». 20.45 Криминал хабарлар экрани. 20.55 Эълонлар. 21.00 Хабарлар. 21.30 «Лого» ўйини. 22.00 Парламент хабарномаси. 22.15 «Қечиккан тавба-тазарру». Ҳужжатли фильм. 22.40 «Петербург афсонаси». А. Хвостенко. 23.15 «Экзотика».

11 ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 Футбол. «Ўйингоҳлардан дараклар». 7.30 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фахриддин Умаров куйлайди. 8.30 «Дипломли кассоб». Бадиий фильм. 9.35 Араб тили. 10.05 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Яланғликдаги хазина», «Кел, дўстлашайлик». Мультфильмлар. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қалбда туғён бўлмаса...». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Боғбон ва соҳибкорларнинг долзарб юмушлари». 19.50 «Оддий кун». Манзарали фильм. 20.00 Ҳукумат тадбирлари. «Иқтисодий ислоҳот». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Ўзбекистон — Саудия Арабистони». Видеофильм. 3-қисм. «Жидда — Мадина». 22.00 «Ўтган кунлар». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

10.30 «Баҳодир». Телефильм. 11.00 С. Сиёев. «Бозор кўрмаган йигит». Видеофильм. 12.20 Қамер куйлардан концерт.

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Табассум». 19.00 «Бизнинг интервью». 19.20 «Имконият». 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда» кўрсатуви. 21.40 «Пульс». Хабарлар. 21.50 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 9.50 «Вақур-вақур қурбақа». Мультфильм. 10.00 Янгиликлар. 10.20 Мусулмонларнинг қурбон-ҳайит байрами. Москва жоме масжидидан олиб кўрсатилади. 11.25 «Ҳайвонот оламида» (сурдо таржимаси билан). 12.05 Волейбол. Жаҳон лигаси биринчилиги. Эркаклар. АҚШ — МДҲ терма командалари. АҚШдан кўрсатилади. 13.05 Кўрсатувлар тартиби. 13.10 «Телемикст». 13.55 «Ен дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 «Бугун ва ўша пайтларда». 14.55 «Қайиқда итдан ташқари уч киши». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 16.00 «Чемпионлар билан биргаликда». 16.15 «Болалар мусиқий клуби». 17.00 Янгиликлар. 17.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.10 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 18.55 «Телевизион танишув». Урмас Отт Анджей Вайд билан суҳбатлашади. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Халқ куйлари. 20.35 «Вилколик ойимкиз». Бадиий фильм. 22.25 «Қора қути». 23.00 Янгиликлар. 23.40 «Ғолиблар тантанаси». «Вечерняя Москва» рўзномаси хит-паради.

● «ДУБЛЬ IV»

7.00 Хабарлар. 7.20 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 7.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат сувратга олаяпман». 8.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 8.35 «Ғалати фашизм». В. Цветов олиб боради. 9.20 Футбол. Европа чемпионати. Чемпионатнинг очилиши. Швеция — Франция терма командалари. Швециядан кўрсатилади. 11.50 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 53-серия. 12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 15.15 Янгиликлар. 15.30 «Ҳайвонот оламида». 16.30 «Визави». 17.00 Хабарлар. 17.20 Эълонлар. 17.25 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 17.40 «Простор +». 18.10 «Россия ва дунё». 18.40 «Нота-бене» студияси. 19.20 «Ҳар бир кун байрам». 19.30 «Бешинчи ғилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув. 20.25 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида. 20.55 Эълонлар. 21.00 Хабарлар. 21.20 Балет томошалари. 22.05 «Тур-клуб». 22.35 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.

12 ЖУМА

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Афғон рубоби. оҳанглари». Фильм-концерт. 7.55 «Темир хотин». Бадиий фильм. 10.05 Инглиз тили. 10.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона». 11.15 «Анъана ва замон». 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Қарнайгул», «Тимсоҳ — мушук». Мультфильмлар. 18.30 «Мерос». Мулла Юсуфий. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Акс-садо». «Табиб» кўрсатуви хусусида. 20.00 Ҳукумат тадбирлари. «Иқтисод ва истиқлол». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари». Андижон вилоятидан кўрсатув. 22.10 Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

10.30 «Мақом». Фильм-концерт. 11.00 «Лев Гурич Синичкин». Бадиий фильм. 12.15 «Ёшларга таянч керак».

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

17.30 Янгиликлар. 17.35 «Чўртан балиқ амри билан». Мультфильм 17.50 «Боболардан қолган соз», «Сейтек». 18.05 «Қирғизистон бизнес оламида» (рус тилида). 18.30 «Ала-Тоо». 18.50 «Приватташтируу қандай журуудо?» 19.10 «Элин сагинбас эр болбойт». 19.25 Қатталар учун мультфильм. 19.30 «Эл шайирлари» жамоасининг концерти. 20.20 «Сессияни утурлап». 20.30 «Ала-Тоо». 20.50 «Қаерга ўкишга борсам экан?. 20.55 Ж. Верди. «Дон Карлос». А. Малдибаев номидаги қирғиз опера ва балет театрнинг спектакли.

● «ОРБИТА IV»

6.25 «Мусиқий чолғулар ва уларнинг тарихи». Кўп серияли илмий-оммабоп фильм премьераси. 2-серия. 6.55 Янгиликлар. 7.30 «Игорь жангномаси ҳақида эртак». Мультфильм. 7.55 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?» 8.10 Футбол. Европа чемпионати. Дания — Англия терма командалари. Швециядан кўрсатилади. 9.50 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 10.35 «Кетсамикан-колсамикан...» Телефильм премьераси («Экран»). 11.25 «Мусиқада шеърият». 11.55 «Мўъжизасиз — мўъжизалар». 12.35 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Бахт кўрфази». Бадиий фильм. (Свердловск киностудияси, 1987 й). 14.00 Янгиликлар. 14.25 «Кремлда бир кун». 15.05 «Россия тонгларн». 16.35 ТВ-Нева: «Ким биз билан?» 15-кўрсатув. 16.55 «Бой берилган галактика». Мультфильм. 17.00 «Кинонинг унутилмас саҳифалари». 17.45 «Мўранода олинган соврин». Телевизион бадиий фильм. «Нодир асарларнинг ишқибозлари» туркумидан (Италия). 18.50 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 «ВИД» таништиради: «Ток-шоу», «Хордиқ чиқаринг». 21.45 А. Вивальди. Концерт. 22.00 Футбол. Европа чемпионати. Голландия — Шотландия терма командалари. Швециядан кўрсатилади. Танаффус пайтида — (23.00) Янгиликлар. 00.25 «ВИД» таништиради: «Бўрон кушининг сояси», Россия мустақиллиги кунига бағишланган концерт. 01.55 «Инспектор Гулл». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

● «ДУБЛЬ IV»

7.00 Хабарлар. 7.20 Шеърият театри. 8.25 «Вариацияли мавзу». 9.10 «Ҳали англанмаган қоннот». 9.55 Мульти-пульти «Оқ капалак». 10.05 Фольклор. «Номаълум маданиятлар». 10.50 «Қалит» кўрсатуви. 11.20 Россиянинг телевизион театри. «Сехрли халқа». Рязань Давлат кўғирчоқ театрининг спектакли. 12.10 «Ҳамон ёнингдаман». Хайрия концерти. 12.55 Парламент хабарномаси. 13.10 «Қастлин гран-при». 13.20 Кундузги сеанс. «Робин Гуд ёйлари». Бадиий фильм. 14.40 «Тўхтаб, қайрилиб боқ...» 15.25 «Берёзка» ансамблининг концерти. 15.55 «Бургут» ордени — Россия мукофоти». 16.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 17.00 Хабарлар. 17.20 Эълонлар. 17.25 Футбол. Европа чемпионати. Югославия — Англия терма командалари. Швециядан кўрсатилади. Танаффус пайтида — Эълонлар. 19.20 «Ҳар бир кун байрам». 19.30 Такрорий фильмлар кинотеатри. «Плюшчихадаги уч терак». 20.45 «Вальс». 20.55 Эълонлар. 21.00 Хабарлар. 21.20 «Винил чангалзорлари». 21.50 «Тилла шпора». 22.20 Енгил атлетика. Ака-ука Знаменскийлар мемориали. 23.15 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.

13 ШАНБА

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум». 8.00 «Зулматни тарк этиб». Бадиий фильм. 9.35 «Ўзбекистон спорти». 10.05 «Саодатли санъат сайёралари». Фильм-концерт. 10.45 «Бозор иқтисодиёти йўлида». 11.25 «Таълим ва маданий мерос». 12.05 «Эл тинчлиги йўлида». 12.35 «Мушоира». Адабий кўрсатув. 13.10 «Ҳамкорлик асосидаги манфаатдорлик». 13.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Талабалик йилларим». 14.35 «Оила». 18.00 «Лола ҳақида қисса». Мультфильм. 18.15 «Осиё халқаси». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон болалар амалий декоратив санъати кўргазмаси. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Чолғу куйларидан концерт. 19.40 «Кино жавонида». 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 «Юлдуз» шуъласи. 21.35 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Омад». 22.35 «Ҳаётнинг бошланиши». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

12.30 «Шишадан чиққан жин». Қисқа метражли бадиий фильм. 13.00 «Оба дурмуши». 17.00 «Мулоқот». 18.00 Ўзбекистон телевидениесининг кўрсатувлари (рус тилида). 19.00 Марий телевидениесининг кўрсатувлари. 20.00 Янгиликлар (рус тилида). 20.10 Туркманистон Президент сайловларига хозирлик кўрмоқда. 20.40 Қичкинтойлар сизлар учун! 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ватан». Ахборот кўрсатуви. 21.45 «Едиген». Адабий кўрсатув. 22.45 «Гозьетим». Ёшлар учун кўрсатув. 23.45 «Раджлакшми». Ҳинд бадиий фильми. 1-серия.

● «ОРБИТА IV»

5.55 Ишбилармон кишининг тонги. 6.55 Янгиликлар. 7.30 «Труба» радиоси. 8.00 «Марказ». 8.40 «Эльдорадо». 9.10 «Мусиқий дўкон». 9.40 «ЭХ». Экологик хроника. 9.55 Футбол. Европа чемпионати. МДҲ — Германия терма командалари. Швециядан кўрсатилади. 11.25 «Волхонкадаги уй». А. С. Пушкин номли тасвирий санъат музейи ҳақида. 12.15 «Немислар иккинчи жаҳон урушида». Телефильм премьераси (Германия). 1-фильм. 14.00 Янгиликлар. 14.20 «Зазеркалье». «Гўзал Ойсулув ҳақида эртак». Бадиий фильм. 15.40 «Лизюков кўчасилик мушукча». Мультфильм. 15.50 «Қизил квадрат». 16.30 Ўз ишининг усталари билан учрашувлар. К. Бергонци, И. Перльман. 17.00 «Санъат ҳомийси Савва». 17.45 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм премьераси. 18.10 «Анна Каренина». Бадиий фильм. (АҚШ). 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Аншлаг, Аншлаг!» 21.50 «М. И. Глинка романслари». Фильм-концерт. 23.00 Янгиликлар. 23.35 Волейбол. Жаҳон лигаси биринчилиги. Эркаклар. МДҲ — Япония терма командалари. «Динамо» спорт саройидан кўрсатилади. 00.35 Енгил атлетика. «Кремль милн». 01.05 «Инспектор Гулл». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

● «ДУБЛЬ IV»

7.00 Хабарлар. 7.20 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи. 7.50 Футбол. Европа чемпионати. Голландия — Шотландия терма командалари. Швециядан кўрсатилади. 9.30 «Агар сиз...» 10.00 «Плюс ўн бир» видеоканали. 12.00 Енгил атлетика. Ака-ука Знаменскийлар мемориали. 13.00 Кундузги сеанс. «Учувчида меннинг хаёлим». Бадиий фильм. 14.05 «Улкан кичик бизнес». Тадбиркорларнинг I Бутунроссия конференцияси якунларига доир. 14.35 «XX аср кадрда ва кадр ортида». Ҳужжатли панорама. «Қадрдон Никита Сергеевич».

16.10—19.25
ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
«ДЎСТЛИК»
ВИДЕОКАНАЛИ

19.25 «Келди-ю, кетди». Бадиий фильм. 20.55 Эълонлар. 21.00 Хабарлар. 21.20 Футбол. Европа чемпионати. МДҲ — Германия терма командалари. Швециядан кўрсатилади. Танаффус пайтида — Эълонлар. 23.10 «Мутлако махфий».

14 ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

7.00 «Субҳидам». 8.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Болалар». 10.00 «Бўстонликнинг зиё масканлари». 10.40 «Эл хизматида». Адабий кўрсатув. 11.20 «Ур тўқмоқ». Республика кўғирчоқ театрнинг спектакли. 12.15 «Партизан ертўласининг сири». Бадиий фильм. 13.20 «Колледж истиқболи». 14.00 «Халқ севган достонлар». Абдуназар Поёнов. «Авазхонинг туғилиши». 15.00 «Эътиборталаб соҳа». Ўзбекистонда канопчиликни ривожлантириш ҳақида. 15.30 «Юксалиш сари». 18.00 «Кучукча ва эски шиппак», «Дайди тўтининг қайтиши». Мультфильмлар. 18.30 «Қичкинтой» студияси. «Доно бобо даврасида». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Бу ерга қуёш якин». Кинокўрсатув. 19.50 «Хотира». Ориф Ҳакимов. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Ўйимизда тинчлик, осойишталик бўлсин!». 21.40 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув. 22.35 «Шокол учун қопқон». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

13.00 «Туркман сеси». Тележурнал. 17.05 «Балли шаҳир». 17.35 «Мулойим келин». Телевизион бадиий фильм. 18.45 Ашгабат консерваторияси талабаларининг ҳисобот концерти. 20.00 Янгиликлар. 20.10 Гельди В. Бяшиевнинг шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 20.45 Қичкинтойлар, сизлар учун! 21.00 «Ватан». Ахборот кўрсатуви. 21.45 Ҳинд фильмларидан қўшиқлар. 22.15 «Илҳом». Адабий кўрсатув. 22.55 «Раджлакшми». Ҳинд бадиий фильми. 2-серия.

«ОРБИТА IV»

5.25 Руҳни чиниктириш. 6.25 Ритмик гимнастика. 6.55 Янгиликлар. 7.30 «Спортлото» тиражи. 7.40 «Камалак» халқ ижодиёти телекўрсатувлари IX халқаро фестивали. 8.10 «Троица» рус православ байрами. 8.20 «Эрта саҳарлаб». 9.10 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин». 9.40 «Тонг юлдузи». 10.30 «Пи» белгиси билан. 11.20 «Оҳ... малика». Мультфильм. 11.30 «Аниқлик киритадиган бўлсак...» 12.10 «Янги авлод танлайди». 13.00 «КТВ I ҳамда Франс интернасиональ» канали таништиради. «Еввойи табиат кўрикхоналари» туркумидан телефильм премьераси. 3-фильм. 13.30 «Марк ва Софи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-фильм. 14.00 Янгиликлар. 14.20 «Саёҳатчилар клуби». 15.10 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Оғлавий низо» (Ўзбекистон). 15.20 А. Вивальди. Концерт. 15.30 «Уолт Дисней таништиради...» 16.20 «Эфирда бевосита мулоқот». 17.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув. 17.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.00 «Нима? Қаерда? Қачон?». 19.00 «Якунлар». 19.45 «Телелоция». 20.00 Москвада П. И. Чайковский номли I халқаро ўсмирлар турнирининг очилиши. Концерваториянинг катта залидан олиб кўрсатилади. 22.15 Янгиликлар. 22.30 «Н-бенд» гуруҳи. Яккахон С. Челобанов. 23.00 Футбол. Европа чемпионати. Швеция — Дания терма командалари. Швециядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — (24.00) «Спорт уик-энди». 01.05 «Беш плюс». 01.55 «Хамлет» мавзуида ўйлар.

● «ДУБЛЬ IV»

7.45 Миллий баскетбол уюшмаси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича жаҳон чемпионати. 8.45 «Хох ишонинг...» 9.15 «Бетакаллуф суҳбатлар.

10.00—13.00
«ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

13.00 Кундузги сеанс. «С» шаҳрида. Бадиий фильм. 14.50 «Омад кулиб боқканда». Саралаш тури. 15.00 «Ўз ишининг усталари. «Скрипкачи». В. Третьяков. Видеофильм премьераси. 5-фильм. 15.55 «Табассум-ла, Тбилисидан». Хайрия концерти. 2-қисм. 16.00 Хабарлар. 16.20 Эълонлар. 16.25 «Ҳақиқат онлари». А. Караулов саволларига Чернобиль АЭСнинг собиқ директори В. Брюханов жаноб беради. 18.20 «Ҳар бир кун байрам». 18.30 «А» программаси. 19.30 «Рок-кафе». 20.00 Футбол. Европа чемпионати. Франция — Англия терма командалари. Швециядан кўрсатилади. Танаффус пайтида — Эълонлар, Хабарлар. 22.15 Спорт хабарлари. «Швеция-92». 22.30 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сувратга тушираяпман». 22.40 «Формула I» классида автопойга бўйича жаҳон чемпионати.

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз»дан олинди

ФУТБОЛ

ҚЎПОЛЛАРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ

ЎЗБЕКИСТОН касаба уюшмалари физкультура ва спорт жамиятлари Марказий кенгашининг футбол бошқармасига II лига физкультура жамоалари командалари (ҳаваскорлар) ўртасида республика биринчилигини ўтказиш топширилган.

Қарийб 800 футболчидан иборат 42 команда ҳудудий жиҳатдан 3 кичик гурухга бўлинган. Бу кичик гурухларнинг ҳар бирида 14 тадан команда бўлиб, кичик гурухларда 1—2 ўринларни эгаллаган 6 команда кейинчалик финалга чиқиб, I—III ўринлар учун курашади. Ғолибларга 1993 йил мавсумида биринчи лига мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқи берилади.

Мусобақалар умумий байрамимиз бўлган Ғалаба куни — 9 майда бошланди. Дастлабки давра ўйинлари учун тайинланган назоратчилар гуруҳи футбол Бошқармасига биз мусобақалар мавсумини қандай бошлаганлигимиз тўғрисида ахборот берди. Мусобақаларнинг бошланиши ёмон бўлмади. Маҳаллий раҳбарият ва ҳомийлар мавсум очилишига олдиндан тайёргарлик кўрган жойларда томошабинлар зўр қониқиш ҳосил қилдилар.

Бухородаги «Строитель», Жиззах вилоятидаги «Ғаллакор», Сурхондарё вилоятининг Охунбобоев номли жамоа хўжалигидаги «Пахтакор», Фарғона вилоятидаги «Қоражийда», Янгийўл шаҳридаги «Спартак», Оққўрғон шаҳридаги «Оққўрғон», Чирчиқ шаҳридаги «Химик» стадионларида мавсумнинг очилиши катта байрам сифатида ўтди. Бу жойларда Ўзбекистон Республикаси байроғи кўтарилди, ансамбллар, бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари бўлди, энг яхши ўйинчиларга совринлар топширилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари физкультура ва спорт жамиятлари Марказий кенгашининг футбол Бошқармаси ва Федерацияси бу жойларнинг маҳаллий раҳбарларига ва жамоатчилигига кўрсатилган ғамхўрлик учун миннатдорчилик билдиради.

Афсуски, Жиззах вилоятининг Зарбдор посёлкасидаги «Бўстон», шўрчи шаҳридаги «Мельник», Пискент шаҳридаги «Ёшлик», Тахиатош шаҳридаги «Колос», Бўка шаҳридаги «ВЛКСМ 40 йиллиги» стадионлари тўғрисида бундай деб бўлмайди. Ғалаба куни маҳаллий раҳбарият томошабинларга байрам кайфиятини бағишлай олишмади.

Мавсум очилишидаги мусобақаларда икки ўйинчи майдондан чиқариб юборилганлиги дилни хира қилди. «Йигирувчи» ва футболчилар спорт маҳорати республика мактаби командалари ўртасида бўлган ўйинда спорт маҳорати мактабининг ўйинчиси Георгий Забиров судьяни ҳақоратлаганлиги учун майдондан чиқариб юборилди. Бу ўйинчи Ўзбекистон Республикасининг Олимпиада терма командаси аъзоси эди. Нима бу, «юлдузларга хос касаллик»ми ёки командада тарбиявий ишлар олиб борилмаётганлиги оқибатими? «Мебелчи» ва «Сўғдиёна» командалари ўртасидаги ўйинда «Сўғдиёна» командасининг ўйинчиси Фарҳод Юсупов огоҳлантириш олди ва орадан 10 дақиқа ўтар-ўтмас сўкинганлиги учун майдондан чиқариб юборилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари физкультура ва спорт жамиятлари Марказий кенгаши футбол Федерациясининг интизом масалалари қўмитаси 21 май куни ўтказган мажлисда бу ҳодисалар муҳокама қилинди. Георгий Забировни 5 ўйиндан, Фарҳод Юсуповни 4 ўйиндан четлаштиришга қарор қилинди.

Футболчилар олий спорт маҳорати республика мактаби дирекциясига мактаб командасида тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилмаганлиги тўғрисида мактуб жўнатилади.

Мазкур мусобақаларда ҳакамлик қилувчи судьяларга ўйинчилар ўртасидаги қўполлик, интизомсизликка қарши қатъий курашиш тўғрисида кўрсатма берилди. Шундай экан, командалар раҳбарлари командалардаги тарбиявий жараёнга эътибор билан қарашлари зарур.

Қасаба уюшмалари физкультура ва спорт жамиятлари марказий кенгашининг футбол Бошқармаси ва Федерацияси II лига физкультура жамоалари командалари (ҳаваскорлар) ўртасида республика биринчилиги очилганлиги муносабати билан командалар раҳбарларини ва футболчиларни табриклайди. Умид қиламизки, Ўзбекистон футболи туп қўйиб, палак ёзади, зеро Ўзбекистонда спортнинг бу турига ихлосмандлар жуда кўп.

Б. БЕЛОЗЁРОВ,
Ўзбекистон Республикаси футбол Федерациясининг назорат қўмитаси раиси.

Шу сондан бошлаб, газетамиз Ўзбекистон касаба уюшмалари кўнгилли спорт жамияти Республика кенгашининг вакиллари — халқаро тоифадаги спорт усталари ҳақида шингил лавҳалар бериб боради.

ХАЛҚАРО ТОИФАДАГИ СПОРТ УСТАЛАРИ БИЛАН ТАНИШТИРАМИЗ

ОКСАНА ЧУСОВИТИНА

Оксана Чусовитина ҳақида кўп эшитгансиз, ўқигансиз. У 1988 йили — 13 ёшида республика, бир йилдан сўнг эса СССР терма командаси таркибига аъзо бўлиб кирди. Ўша йили Сиэтл шаҳрида бўлган халқаро мусобақадан иккита олтин ва битта кумуш медал соҳиби бўлиб қайтди. Оксана Америка кубогини қўлга киритди, Япония, Франция, Испаниядаги мусобақаларда ғолиб чиқди. Спорт гимнастикаси бўйича 1991 йилда ўтказилган жаҳон чемпионатида яна иккита олтин ва битта кумуш медални, 1992 йилда МДҲ чемпионатида кўпкураш мусобақасида кумуш, Парижда ўтказилган жаҳон чемпионатида эса таянчдан сакраш бўйича бронза медалларини қўлга киритди.

Бугунги кунда энди 17 баҳорни қаршилаган халқаро тоифадаги спорт устаси Оксана Чусовитина улкан мусобақа—Барселонада бўладиган олимпиада ўйинларига зўр бериб тайёргарлик кўрмоқда. Муваффақият сенга, Оксана!

Суратда: Оксана чапдан биринчи.

БЎШ КЕЛМАНГ, БОЛАЛАР!

ХАЛҚАРО Олимпия комитети Олимпия ўйинларининг 100 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказиладиган расмий тадбирлар рўйхатини тасдиқлади. Рўйхатга Россияда ўтказиш мўлжалланган 1993 йилги Халқаро болалар Олимпия ўйинлари ҳам киритилган. Шу йил август ойида «Орлёнок» Бутунроссия болалар марказида бўладиган финал ўйинлари 1993 йилги тадбирнинг бош репетицияси бўлади. Унда МДҲга аъзо бўлган мамлакатлар ва бошқа давлатлардан вакиллар қатнашади.

Россиянинг маориф ва маданият вазирликлари, Россия ҳукумати қошидаги Олимпия ҳаракати ҳамкорлиги комитети ҳамда бошқа ташкилот ва корхоналар финал ўйинлари таъсисчилари бўлишди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши касаба уюшмалари Андижон вилоят бирлашмасининг раиси Маҳбуба Ғуломовна Музаффарованинг Турсуной МУЗАФФАРОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Оила аъзоларига сабр-тоқат ва бардош тилайди.

ИШОНЧ

Бош муҳаррир
Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Анвар АКБАРОВ, Акмал АКРОМОВ (масъул котиб), Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Жасур НОСИРОВ (бош муҳаррир муовини), Шарифа САЙДВАЛИЕВА, Муҳайё ТЎЛАГАНОВА, Шабот ХЎЖАЕВ, Болтабой ЮСУПОВ, Турсун ҚУШАЕВ, Дилбар ҒУЛОМОВА.

● Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
● Бош муҳаррир муовини — 56-52-89
● Масъул котиб — 56-52-78
● Котибият — 56-87-59

БЎЛИМЛАР:
● Қасаба уюшмаси ва иқтисодий ҳаёт — 56-82-79
● Социал адолат ва қонунчилик — 56-87-63
● Маданият, маънавият ва табиат — 56-82—79
● Хатлар ва оммавий ишлар — 56-87-78
● Безатиш ва суратқашлик — 56-87-74
● Тижорат, ҳамкорлик ва тадбиркорлик — 56-87-73
● Ишлаб чиқариш ва хўжалик ишлари — 56-85-79

● ВИЛОЯТЛАРАРО МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:
Андижонда — 54697;
Гулистонда — 21002;
Самарқандда — 351130;
Ургенчда — 68782;
Қаршида — 53670.

● Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.

● «Ишонч» газетаси 1991 йил 8 январь куни Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган ва унга 000068 сонли гувоҳнома берилган.

Сотувдаги нархи 2 сўм.

● ДУШАНБА кунлари чиқади.

● Босиш учун 1992 йил 5 июнда топширилди.

● Навбатчи масъуллар:
Акмал Акромов,
Санъат Маҳмудова

● ҚЎНИМГОҲИМИЗ:
700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

Буюртма № Г-208

● 138610 нусхада босилди

● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёти-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

«ИШОНЧ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Ҳурматли газетхонлар! Севимли газетангиз — «ИШОНЧ»га 1992 йил учун йил давомида обуна бўлганлар уни йил охиригача олаверадилар.

● 1992 йил якка тартибдаги обуна давом этмоқда. Нархи: *1 ойга — 8 сўм 68 тийин.*
6 ойга — 52 сўм 08 тийин.
Индекс: 64560

● **Муассаса ва корхоналарнинг обунаси 1992 йил учун 1 июлдан тўхтатилади. Қолган ярим йил учун қайтадан обуна бўлиш керак. Обуна нархи:**
1 ойга — 13 сўм 00 тийин.
6 ойга — 78 сўм 00 тийин.
Индекс: 64561
Обуна бўлишни унутманг!